

МУНДАРИЖО

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 1/2023 йил (17-сон)

Ахмад ЗУФАРОВ,
КОНТРАБАНДА УЧУН ЖАВОБГАРЛИК
БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЯТ ҚОНУНИ
НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛНИШ
ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2

Ойбек ҚУЛБЕКОВ,
НОМУСГА ТЕГИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ИШЛАРДА ТЕРГОВЧИННИНГ ТЕРГОВГА
ҚАДАР ТЕКШИРУВ ОРГАНЛАРИ
БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ

8

Шуҳрат Рафиқов,
ТЭЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ
ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЗМУН-
МОҲИЯТИ

16

Садоқат НУРУМБЕТОВА,
ЭКСТРЕМИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА
ТАҚИҚЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ КИЛИШНИНГ
МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

24

Абдулла СУЛТОНОВ,
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА МУЛКИЙ
ҲУҚУҚЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ
ҚОНУН УСТУВОРИЛИГИНИНГ МУҲИМ
КАФОЛАТИ

32

Саҳодулла ШОМИРЗАЕВ,
ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ СҮРОҚ
ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

38

Иномжон ШАРИПОВ,
КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ,
ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

44

Адҳамжон АБДУЛЛАЕВ,
ЦИФРОВИЗАЦИИ
ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ
– ПУТЬ К УЛУЧШЕНИЮ КАЧЕСТВА
РАССЛЕДОВАНИЙ

51

Умиджон САЛИЕВ,
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИНЧИ
РЕННЕСАНС ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-
ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

56

Бахтиёржон МУРОДОВ,
Мухтор АБДУРАХИМОВ,
ГЕНОМГА ОИД АХБОРОТДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

64

ТОПИШМОҚЛАР

71

Шоҳзодхон ТЎРАХОНОВ,
Нодирбек АБДУРАСУЛОВ,
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ
КИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

72

Шуҳрат АБДУҲАЛИМОВ,
ҲАЁТИЙ ҚОНУНЛАР, ЖАМОАТЧИЛИК
ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ОРҚАЛИ
ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИНИ ҲАЛ
ЭТАМИЗ

78

Сардор ТОШНИЁЗОВ,
ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛОРОС
РЕСПУБЛИКАЛАРИДА КУЧЛИ
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ЗАҲАРЛИ
МОДДАЛАРНИНГ НоҚОНУНИЙ
МУОМАЛАСИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК:
КИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

82

Жасурбек АТАНИЯЗОВ,
ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИКДАН
ОЗОД ЭТИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
МУАММОЛАРИ

90

Фарҳод ПРИМОВ,
КОРРУПЦИЯГА ҶАРШИ
КУРАШИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ
АСОСЛАРИ

94



КОНТРАБАНДА STOP

УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЯТ ҚОНУНИ
НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

HISTORY OF DEVELOPMENT AND THE PRESENT STATE OF THE NORMS OF CRIMINAL LEGISLATION DETERMINING RESPONSIBILITY FOR SMUGGLING

Ахмад ЗУФАРОВ,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчisi
zam.soiskatel@gmail.com

Axmad ZUFAROV,
independent researcher of
Tashkent State University of law
zam.soiskatel@gmail.com

АННОТАЦИЯ. Мақолада контрабанда учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати батафсил таҳлил қилинган. Тарихда Ўзбекистон худудида контрабанда учун жавобгарликнинг шаклланиши, Амир Темур салтанатида ушбу жиноятга қарши курашиб, ЎзССРда ва мустақил Ўзбекистон ЖҚда контрабанда учун жавобгарлик белгиланиши ва ривожланиши тадқиқ этилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: контрабанда, божхона қонунчилиги, ҳавфиззлик, божхона назорати, божхона чегараси, ноқонуний кесиб ўтиш.

ANNOTATION. The article analyzes in detail the history of development and the current state of the norms of criminal law on liability for smuggling. The formation of responsibility for smuggling in the territory of Uzbekistan, the fight against this crime during the reign of Amir Temur, the formation and development of responsibility for smuggling in the USSR and the independent Republic of Uzbekistan have been historically studied.

KEYWORDS: smuggling, customs law, security, customs control, customs border, illegal crossing.

Kонтрабанда қонунчиликда анча узоқ вақтдан бери тақиқланган ва шакли жиҳатидан бир қатор ўзгаришларга учраганига қарамай, мазмунини сақлаб қолган жиноятлардан бири ҳисобланади. Контрабанда таркиби мавжуд бўлган ўтган йиллар давомида унинг моҳияти Давлат чегарасини муайян предметлар билан ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ бўлган.



“Дунёда контрабанданинг ҳуқуқбузарлик сифатида тан олиниши XIV–XVI асрларда капитализм вужудга келиши ва товар-пул муносабатлари жадал ривожланиши ҳамда товар ва маҳсулотларни давлатлар чегарасидан тўсиқларсиз олиб ўтиш давлатлар иқтисодиётига зарар келтиришни бошлиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан ички бозорни рақобатбардош маҳсулотларнинг жиноий йўл билан кириб келишидан муҳофаза қилиш ва кириб келаётган товарлардан давлат ғазнасини тўлов ва йиғимларни ундиришни таъминлаш мақсадида давлат чегарасидан маҳсулотларни ўтказишнинг муайян қоидалари белгилана бошланди” [1].

“XVI–XVII асрларда Европадаги уруш контрабанда ривожланишига, шу жумладан, унинг янги турлари, хусусан, “ҳарбий контрабанда” пайдо бўлишига сабаб бўлди”[2]. “Контрабанданинг ушбу тури урушнинг низолашмаётган иштирокчилари томонидан уруш тарафларига етказилиши тақиқланган ҳарбий материал ва предметларни контрабанда қилиш билан боғлиқ бўлган” [3].

Осиёда эса, қадимги дунёнинг энг йирик халқаро савдо йўли ҳисобланган Буюк ипак йўлининг Марказий Осиё қисми узоқ йиллар давомида мамлакатимиз худудидан ўтган. Шу билан бирга Буюк ипак йўлининг транзит пунктлари – бекат ва карvonсаройларда божхона назорати амалга оширилган ва контрабанданинг олдини олиш чоралари кўрилган. Амир Темур ва Темурийлар даврида (XIV–XV асрлар) бутун Буюк ипак йўли бўйлаб марасидлар фаолияти йўлга қўйилган. Марасидлар замонавий божхоналарнинг тарихий кўриниши бўлиб, уларда савдогар ва сайёҳатчилардан

бож тўловлари ва солиқлар ундирилган, шунингдек, уларда вақтинчалик сақлаш омборхоналари (жуқхана) ҳам бўлган. Марасидларда закотчилар фаолият кўрсатиб, улар алоҳида ваколатларга, хусусан, товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга тақиқ қўйиши, айрим ҳолларда эса, уларни мусодара қилиш каби замонавий божхоначиларнинг ваколатларига эга бўлган.

Шаҳарларга кирайверишдаги соқчи – тўқсоба зиммасига бошқа масалалар билан бир қаторда шаҳарга келаётган савдо карvonларидан савдо солиқларини йиғиш вазифаси ҳам юклатилган. Айрим вақтларда маҳаллий уруғлар қўллаб-қувватловини қўлга киритиш учун савдо божларини йиғиш ҳуқуқи маҳаллий аҳолига берилган. Натижада солиққа тортиш тизимидағи ўзбошимчалик ва кўп сонли солиқлар хонликлар худудини кесиб ўтаётган савдогарлар солиқ тўлашдан қочиш мақсадида контрабанда йўлларидан фойдаланганлар[4].



1926

йилги ЎзССР Жиноят кодексида контрабанда давлат жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган бобдан ўрин олган. Ушбу кодексда контрабанда деганда, чегарадан маҳсулот ва валюта қимматликларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тұғрисидаги қонулар ва мажбурий қарорларни бузиш тушунилган. Бунда ушбу ҳаракатларни касб қилиб олиш ёки мансабдор шахс томонидан ёхуд қуролланган ҳолда содир этиш ёинки маҳсус рўйхатда назарда тутилган предметлар билан боғлиқ бўлса, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланган.

1959 йил 21 майда қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодекси Махсус қисмидан контрабанда учун жавобгарлик белгиланган 68-модда "Давлат қарши жиноятлар" деб номланган 1-бобнинг "Давлат қарши бошқа жиноятлар" 2-кичик бобидан ўрин олган.

Унга кўра, контрабанда товар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни маҳсус сақлаш жойларида яшириб ёки таможня ҳужжатларидан ва бошқа ҳужжатлардан алдов йўли билан фойдаланиб ёки кўп миқдорда, ёки контрабанда билан шуғулланиш учун бирлашган группа томонидан, ёки мансабдор шахс томонидан мансаби вазифасидан фойдаланиб, қонунга хилоф равишда СССРнинг давлат чеграсидан ўтказиш, шунингдек, портрайдиган, наркотик моддаларни, қаттиқ таъсири ва заҳарли моддаларни, қурол ва ҳарбий аслаҳа-анжомларни контрабанда қилиш – мол-мulkни мусодара қилиб ва икки йилдан беш йилгача сурғун қилиб ёки сурғун қилмасдан, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодлиқдан маҳрум этиш билан жазоланади[5].

Ғайриқонуний олиб ўтиш деганда мазкур товарлар ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларни таможня пунктларидан бошқа жойда ёки таможня пунктлари орқали бўлса ҳам, лекин уларни таможня контролидан яширинча чегарадан олиб ўтишдан иборат. Бу жиноят товарларни ғайриқонуний тарзда олиб кириш тарзида ҳам, шунингдек, уларни ғайриқонуний олиб чиқиб кетиш тарзида ҳам рўй беради. Контрабанда чегара орқали ўтадиган ҳар қандай пиёда йўли, денгиз ва ҳаво

йўли билан амалга оширилади.

Буюмларни маҳсус сақлаш жойларида яшириб олиб ўтиш йўли билан қилинганда контрабанда товарларини давлат чегараси орқали транспорт воситаларида (автомашина, қайиқ, вагонларда), улар учун маҳсус мўлжаллаб ясалган идишларда, шунингдек, яшиклар ва контейнерларнинг хуфя жойларида, мосланган чемоданлар, сумкалар ва шу кабиларда ўтказилади.

Контрабанда товарларини давлат чегараси орқали олиб ўтиш учун алдов йўли билан олинган турли ҳужжатлардан, шу жумладан, таможня ҳужжатидан фойдаланилади, бошқа юқ учун берилган ҳужжат кўрсатилади, ҳужжатга ўзгартишлар киритилади ва ҳ.к.

Давлат чакана нархларида 10 минг сўм ва ундан катта суммадаги товарни чегарадан олиб ўтиш кўп миқдорда амалга оширилган контрабанда деб ҳисобланган. Бу масалани ҳал қилишда товарларнинг миқдори, уларнинг тарихий қиймати ва аҳамияти ҳам ҳисобга олинган, қолаверса, товарларнинг нархини аниқлаш қийин бўлса, экспертиза фикрига асосланилган.

ЎзССР ЖК 68-моддасида назарда тутилган жиноят бўйича контрабанда буюмлари мусодара қилинган, агар уларни айбдор сотган бўлса, уларнинг қиймати давлат фойдасига ундирилган. Контрабанда товарларини яшириш ва олиб ўтиш учун маҳсус жиҳозланган чемодан ва бошқа буюмлар, шунингдек, шу мақсадда фойдаланилган шахсий транспорт воситалари (енгил автомашина, автоприцеп, мотоцикл ва бошқалар) ҳам мусодара этилган.





Б

Бир группа кишилар томонидан қилинган контрабанда деб, бунинг учун олдиндан келишилган икки ёки ундан кўп кишилар томонидан товарларнинг давлат чегараси орқали ғайриқонуний тарзда олиб ўтилишига айтилади. Бунда группа қатнашчилари умумий мақсадга – юкларни чегара орқали ғайриқонуний равишда ўтказиб олишга қаратилган турли хил ишларни бажариши мумкин. Группанинг барча иштирокчилари (шу жумладан, юкларни олиб ўтишда бевосита қатнашмаган иштирокчилар ҳам) жавобгар ҳисобланадилар. Уларнинг мазкур группа олиб борган жиноий фаолиятида қатнашиш даражаси жазо тайинлашда эътиборга олинади. Контрабандистларга ёрдам кўрсатиш (маслаҳат бериш, тўсқинликларни йўқотиш ва ҳоказо), шунингдек контрабандани яширишга олдиндан вавда бериб қўйиш контрабандада иштирокчилик қилиш сифатида жазоланган.

Агарда контрабанда бошқа жиноий ҳаракатлар, масалан, таможня ёки чегара органлари вакиларига қаршилик кўрсатиш йўли билан амалга оширилса, ёки спекуляция, валюта операциялари ҳақидаги қоидаларни бузиш кабилар билан боғлиқ бўлса, жавобгарлик жиноятлар мажмуаси тўғрисидаги қоидалар бўйича белгиланган[6].

1994 йилги ЖКда контрабанда учун жавобгарлик 246-моддада белгиланган.

Шу ўринда 1959 йилги ЎзССР ЖК 68-моддаси ва 1994 йилги ЎзР ЖК 246-моддаси ўртасидаги асосий фарқларга ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Хусусан:

биринчидан, контрабанда предмети доираси 1959 йилги ЎзССР ЖКда 1994 йилги ЎзР ЖКга нисбатан анча кенг бўлган, хусусан, унда “товар ёки бошқа қимматбаҳо нарсалар” қамраб олинган. Яъни, 1959 йилги ЎзССР ЖК 1994 йилги ЎзР ЖК 182 ва 246-моддалари предметларини ўзида умумлаштирган ҳамда мазмунан иқтисодий контрабандани ҳам қамраб олган. Шу билан бирга фуқаролик муомаласи чекланган предметлар доираси ҳам фарқ қиласди, хусусан, 1959 йилги ЎзССР ЖКда “портлайдиган, наркотик моддалар, қаттиқ таъсирли ва заҳарли моддалар, қурол ва ҳарбий аслаҳа-анжомлар” назарда тутилган бўлса, 1994 йилги ЖКда “радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, ўқ-дори ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмлари, гиёвандлик воситалари, психотроп моддалар, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар” ҳам киритилган;

иккинчидан, жиноятни содир этиш жойи жиноят таркибининг белгиси сифатида муайян даражада ўзгарган, хусусан, 1959 йилги ЎзССР ЖК бўйича “давлат чегараси” бўлган бўлса, 1994 йилги ЎзР ЖК бўйича у – “божхона чегараси” бўлиб ўзгарган;



учинчидан, жиноятни содир этиш усулида 1959 йилги ЎзССР ЖК бўйича “махсус сақлаш жойларида яшириб” деган яшириш усулларини тўлиқ қамраб олмаган усул кўрсатилган бўлса, 1994 йилги ЎзР ЖК бўйича “божхона назоратидан яшириш” усуллари кўрсатилмаган;

тўртинчидан, 1959 йилги ЎзССР Жиноят кодекси 68-моддасида оғирлаштирувчи ҳолатлар алоҳида ажратилмаган, балки биринчи қисм диспозициясида берилган бўлиб, “кўп миқдорда; группа ёки мансабдор шахс томонидан мансаби вазифасидан фойдаланиб содир этиш”дан иборат бўлган. Ўз навбатида 1994 йилги ЎзР ЖКда оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида “ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишида фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни, радиоактив материалларни, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш” белгиланган.

III

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, 1994 йилги ЖКда контрабанда учун жавобгарлик белгиланган 246-моддаси диспозицияси утган даврда бир неча маротаба ўзгартирилган бўлиб, ўзгаришлар асосан жиноят предметига тааллуқли бўлган, бошқача айтганда, контрабанда жинояти предмети кенгайиб борган. Хусусан, ЖК 246-моддасининг 1994 йилги дастлабки таҳрирда жиноят предмети сифатида “кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дорилар” назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-I-сон Қонуни билан ЖК 246-моддасининг биринчи қисми диспозициясига ўзгартириш киритилиб, жиноят предмети “гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар” билан тўлдирилган[7].



Таъкидлаш лозимки, 1996 йилга қадар гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш ЖК 246-моддаси иккинчи қисми билан квалификация қилинганд. Яъни, ядрорий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламаларни билан биргаликда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги 281-1-сон Қонуни билан ЖК 246-моддаси иккинчи қисмida "гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда контрабанда қилиш" учун жавобгарлик белгиланди. гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп бўлмаган миқдорда контрабанда қилиш эса, ЖК 246-моддасининг бирични қисми буйича жавобгарликка тортилиши белгиланди.

ЖК 246-моддасининг биринчи қисми диспозициясига Ўзбе-

кистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 621-1-сон Қонуни билан ҳам ўзгартериш киритилиб, жиноят предмети "диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар" билан тўлдирилган[8] .

ЖК 246-моддасининг биринчи қисми диспозициясига Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан ҳам ўзгартериш киритилиб, жиноят предмети "радиоактив, портловчи моддалар" ўрнига "портловчи моддалар, радиоактив материаллар" деб аниқлаштирилган[9] .

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сонли Қонуни билан ЖК 246-моддасига киритилган яна бир ўзгартериш бу ушбу модданинг иккинчи қисмida "радиоактив материалларни" кўп миқдорда контрабанда қилиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланди.

ЖК 246-моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22

октябрдаги ЎРҚ-503-сонли Қонуни билан ҳам ўзгартириш киритилиб, жиноят предмети "гиёвандлик воситаларининг аналоглари" (биринчи ва иккинчи қисмлари диспозицияси) билан тўлдирилган[10] .

ЖК 246-моддасининг биринчи қисми диспозициясига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 февралдаги ЎРҚ-673-сонли Қонуни билан ҳам ўзгартириш киритилиб, жиноят предмети "кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар" ўрнига "кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар" деб аниқластирилган[11] , яъни илгари "кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар" ягона жиноят предмети бўлган бўлса, эндиликда улар иккита предмет сифатида ажратилган.

ЖК 246-моддасининг биринчи қисми диспозициясига Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 31 майдаги ЎРҚ-772-сонли Қонуни билан ҳам ўзгартириш киритилиб, жиноят предмети "ўқотар қуролнинг асосий қисмлари" билан тўлдирилди[12] . Гувоҳи бўлганимиздек, ўтган давр ичидаги жиноят-хуқуқий сиёсатнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, контрабанда учун жиноий жавобгарлик белгиланган предметлар доираси ўзгариб, кенгайиб борган.

Шу билан бирга жиноятни содир этиш усуллари борасида ўзгартишлар киритилмаган. ЖК 246-моддасининг биринчи қисмидаги озодликдан маҳрум этиш жазоси муддати ўзгармаган, фақатгина Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги 254-II-сон Қонуни билан "мол-мулк мусодара қилиш" жазо тизимидан чиқарилганлиги сабабли, ЖК 246-моддаси санкциясидан ҳам ушбу жазо чораси чиқариб ташланган.



1994 ЙИЛГИ ЖКДА КОНТРАБАНДА УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН 246-МОДДАСИ ДИСПОЗИЦИЯСИ ЎТГАН ДАВРДА БИР НЕЧА МАРОТАБА ЎЗГАРТИРИЛГАН БЎЛИБ, ЎЗГАРИШЛАР АСОСАН ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИГА ТААЛУҚЛИ БЎЛГАН, БОШҚАЧА АЙТГАНДА, КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ ПРЕДМЕТИ КЕНГАЙИБ БОРГАН.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

Иқтибослар/Сноски/References:

- Саидов Ш.Н. Некоторые вопросы развития законодательства Республики Таджикистан об уголовной ответственности за контрабанду // Вестник Таджикского национального университета. – Душанбе, 2011. – №1(67). – С. 22-23.
- Рогатых Л.Ф. Контрабанда. Проблемы уголовно-правовой характеристики: Дисс. канд... юрид. наук. – СПб., 1999. – С. 102.
- Филиппова Е.О. Контрабанда: история развития уголовно-правовых норм об ответственности за контрабанду в таможенной сфере и меры ее предупреждения // Балтийский гуманитарный журнал. – 2019. – Т.8. – № 2(27). – С. 183.
- Муркштис М.Й. Противодействие незаконному обороту оружия: уголовно-правовое и криминологическое исследование: Дисс. ... докт. юрид. наук. – М., 2019. – С. 19.
- Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодекси (1971 йил 1 январгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан). – Тошкент: Ўзбекистон, 1971. – Б. 71-72.
- Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: профессор Ф.А.Абдумажидов. – Тошкент: Ўзбекистон, 1988. – Б.176-177.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 102-модда.
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда.
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон.
- Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2021 й., 03/21/673/0112-сон.
- Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон.



Ойбек ҚУЛБЕКОВ,
Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги
Тергов департаменті бошлиғи
үрینбосари,
мустақил изланувчи

Oybek KULBEKOV,
*Deputy Head of the Investigation
Department under the Ministry of Internal
Affairs, independent researcher*



НОМУСГА ТЕГІШ

БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРДА ТЕРГОВЧИННИҢ
ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ОРГАНЛАРИ
БИЛАН ЫЗАРО ҲАМКОРЛIGI

INTERACTION OF THE
INVESTIGATOR WITH THE
INVESTIGATING AUTHORITIES
BEFORE THE START OF THE
INVESTIGATION IN CASES
RELATED TO RAPE



АННОТАЦИЯ. Мақолада тергов идоралари томонидан номусга тегиши билан боғлиқ ишларни тергов қилишда бугунги кунда терговчининг терговга қадар текширув органлари билан ҳамкорлиги, уни ташкил этиш, ҳамкорликнинг шакллари ҳамда бу борада юзага келаётган муаммолар келтириб ўтилган. Шунингдек, ҳамкорлик ҳақидаги олимларнинг фикрлари, ҳамкорликнинг назарий таҳлили баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: номусга тегиши билан боғлиқ ишлар, ўзаро ҳамкорлик, терговга қадар текширув органлари билан ҳамкорлик, терговни ташкил этиш, жиноятларни тергов қилиш.

ANNOTATION. this article when investigating cases related to rape, the cooperation of the investigator with the inspection bodies before the investigation, its organization, forms of cooperation and problems arising in connection with this are mentioned. The opinions of scientists about cooperation, the theoretical analysis of cooperation are also described.

KEYWORDS: rape cases, mutual cooperation, interaction with the investigating authorities before the investigation, organization of the investigation, investigation of crimes.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлигини таъкидлади. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўйлимиз етиб бормаган масалалар бор . Мазкур мурожаатноманинг учинчи йўналиши айнан суд-ҳуқуқ соҳасига бағишланаб, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш – энг олий мақсадларимиздан бири

сифатида кун тартибига қўйилди, унда мазкур йўналишдаги ишлар борасида, хусусан, тергов соҳасидаги амалга оширилиши лозим бўлган ишлар борасида сўз юритилди. Номусга тегиши жиноятини тергов қилишни ташкил этишда режалаштириш билан бир қаторда терговчининг ишни судга қадар юритиш босқичи бошқа иштирокчилари билан ўзаро ҳамкорлиги марказий масалалардан бири ҳисобланади. Сабаби мазкур турдаги жиноятларни муваффақиятли фош этиш, синчковлик билан, тўла ва холисона тергов қилиш, шахсларнинг айблилигини ёки айбисизлигини исботлаш, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва содир этилишини олдини олиш учун фақатгина терговчининг



процессуал фаолияти етарли эмас. Шу туфайли ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар билан ўз вақтида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу орқали тезкор-қидирав маълумотларидан ва техник-криминалистик воситалар ҳамда усулларидан комплекс фойдаланиш лозим бўлади. Шу жиҳатдан ҳамкорликни жиноятларни очиш ва тергов қилишда муҳим таркибий қисми дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, терговчи жиноятларни тергов қилиш жараёнида, аксарият ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари билан ҳамкорлик олиб боради. Умуман олганда, терговни жиноят-процессуал ва криминалистик воситалар мажмуаси ёрдамида амалга ошириладиган жараён сифатида англаш тўғри бўлади.

Шунинг учун терговчининг фаолияти, жиноятларни тергов қилишдаги вазифаларни ҳал қилишда иштирок этувчи шахслар билан ўзаро ҳамкорлигига асосланади, айрим тоифадаги ишларда ҳамкорликсиз терговчининг фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди.

Номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорлик масаласига тўхталишдан олдин «ҳамкорлик» тушунчаси, моҳияти ва ўзига хос сифатларини тушуниб олишимиз керак.

Ю.И.Миронов ўзаро ҳамкорликни ахборот алмашиш ва ўзаро ҳамкорликда намоён бўладиган жамоавий ишнинг объектив хусусияти сифатида баҳолайди.

С.В.Шепелевнинг таъкидлашича, инсоннинг ўзаро ҳамкорлиги фаолликни англатади, муайян мақсадларга эришиш эҳтиёжларига асосланган онгли фаолият ва уни фақат инсоннинг шахсга ўзаро ҳамкорлиги билан самарали ташкил этиш мумкин .

Гегель ўзаро ҳамкорликнинг энг яқин шакли бир-бири учун қабул қилинган, ҳар бири бошқасига нисбатан бир вақтнинг ўзида ҳам фаол, ҳам пассив моддаларнинг ўзаро сабабийлиги билан ифодаланади - дея таърифлайди.

С.В. Ведренцевнинг фикрича, илмий адабиётларда мавжуд бўлган илмий қарашлар таҳлилини ҳисобга олган ҳолда, терговчининг ҳамкорлиги масалаларини жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш бўйича криминалистиканинг қоидалари контекстида ҳал қилишни таклиф қиласди ва унга кўра, асосий масала «терговни ташкил этиш» ва «ҳамкорлик» тушунчалари ўртасидаги муносабатлар бўлишини таъкидлайди.



Терговчи жиноятларни тергов қилиш жараёнида, аксарият ҳолларда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахслари билан ҳамкорлик олиб боради...



”

Номусга тегиши
 билан боғлиқ
 жиноятларни
 тергов килишда
 терговга қадар
 текширувни
 амалга оширувчи
 органлар билан
 ҳамкорлик
 масаласига
 тұхталишдан
 олдин
 “ҳамкорлик”
 түшүнчеси,
 мөхияти ва ўзига
 хос сифатларини
 тушуниб
 олишимиз керак.

Р.С. Белкин бу масалани шакл ва мазмун категориялари нұқтаи назаридан күриб чиқышиңи таклиф қиласы. Унинг фикрича, ҳамкорлик жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш шаклларидан бири бўлиб, у терговчининг бошқа органлар билан қонунга асосланган, мақсадлари, жойи ва вақти келишилган ҳолда ҳамкорлик қилишидан иборат. Шунингдек, ушбу фаолият жиноят ишини якунлаш, тез, ҳар томонлама ва холисона тергов қилиш ҳамда яширган жиноят содир этган шахсларни, ўғирланган бойликлар ва иш учун муҳим бўлган бошқа ашёларни қидириш мақсадида, қатъий равиша қайд этилган субъектларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилишини таъкидлаган.

В.Д.Зеленский ҳамкорликни тергов тузилмаси нұқтаи назаридан күриб чиқиб, уни терговнинг ташкил этилиши керак бўлган қисми сифатида белгилайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, у терговни бошқариши жиноятни тергов қилишни ташкил этишни элементига киритади. Муаллифнинг фикрича, терговни ташкил этиш ва ҳамкорлик ўртасида «терговга раҳбарлик қилиш» деб номланган элемент мавжуд. Шу билан бирга, ҳамкорлик терговнинг процессуал ва процессуал бўлмаган воситаларидан уларни қўллаш самарадорлигини ошириш ва керакли натижани олиш учун мувофиқлаштирилган ҳолда қўлланилиши сифатида белгиланади. Унинг фикрича, ҳамкорликда асосий нарса, процессуал ва процессуал бўлмаган ҳаракатлар имкониятларидан оптимал фойдаланишнинг бирлигини таъминлашдир. Бу биринчи навбатда, иштирокчиларнинг функцияларини ажратиш ва ҳамкорлик қилиш ҳамда терговчининг етакчи роли билан ҳамкорлик тамоилларини амалга оширишга ёрдам беради .

Илмий адабиётларда ҳамкорлик кўпинча терговчининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа субъектлари билан қонунга асосланган мувофиқлаштирилган фаолияти сифатида тушунилади, уларнинг ҳар бири ўзига хос усул ва воситалардан фойдаланади .

Д.Э.Каримова эса терговчининг жиноят қидириув бўлинмалари билан ҳамкорлигини алоҳида субъект сифатида баҳолайди .

Айрим муаллифлар ҳамкорликнинг сифат томонига эътибор қаратиб, ҳамкорликни жамоавий фаолият характерига эга бўлган таърифни таклиф қилишади .


Ф.Ю.Бердичевский ҳамкорликни вақтингчалик характердаги муйян ташкилий, ўзига хос жамоавий тузилма сифатида тушуниш лозимлигини таъкидлайди .

О.В.Танкеевичнинг ёндашувида эътибор терговчи ва бошқа органлар ўртасидаги жиноят ишини тергов қилиш жараёнида юзага келадиган ва жиноят-процессуал ёки бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган муносабатларнинг касбий томонига қаратилади .

Ҳамкорлик түшүнчеси ҳақида Е.Н.Холопованинг таърифи ҳам ўзига хос бўлиб, унга кўра, ҳамкорлик биргаликдаги, қонунга асосланган, мақсадлар бўйича мувофиқлаштирилган, жой, вақт, кучлар, воситалар ва усуллар бўйича режалаштирилган, ваколат ва масъулиятлар аниқ чегараланган фаолият тушунилади .

А.И. Бастрықин ҳамкорлик деганда бу терговчининг, тезкор органнинг, эксперт-криминалистика бўлинмасининг жиноятни тергов қилишда уларнинг ҳар бири ўз функцияларига мувофиқ ва қонунда берилган ваколатлар доирасида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлар, тезкор-қидириув тадбирлар ва бошқа ҳаракатларни оқилона уйғунлаштиришни назарда тутган ҳолда жиноят иши юритишнинг вазифаларини энг муваффақиятли ва самарали бажариш учун маҳсус билимлар, техник ва техник-криминалистик воситалардан фойдаланиш бўйича мувофиқлаштирилган фаолияти тушунилишини айтади .

В.Е.Корноуховнинг фикрича, ўзаро ҳамкорлик деганда, терговчи ва терговнинг бошқа иштирокчиларини мақсадлар, жой ва вақт нұқтаи назаридан мувофиқлаштирилган, кучларнинг самарали уйғунлигини таъминлаш, усуллар ва воситалардан комплекс фойдаланишфаолияти тушунилиши керак.



В.Ф.Робозеровнинг таъкидлашича, терговчи ва ички ишлар ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги деганда, қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланниб, ягона мақсадли ва вазифалари мувофиқлаштирилган, доимий, терговчи томонидан тергов, тезкор-қидириув ва тергов ҳаракатларининг оқилона уйғуналашуви, жиноят содир бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва бирлаштириш, гумон қилинувчининг жиноят содир этишда айбордлигини (айбисзилигини) аниқлаш мақсадида воситалар ва усууллар билан уларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳаракатлар, шунингдек, бошқа ишларни тўғри ва тез ҳал қилиш мақсадида муҳим бўлган ҳолатлар учун ташкил этилганлиги тушунилади.

Юқоридаги фикрларни таҳлил қилган ҳолда айтишимиз мумкинки, саналган олимлардан В.Е.Корноуховнинг таърифида, у ҳамкорлик концепциясини фаолият деб ҳисоблайди ҳамда унинг субъектлари ва мақсадларига ишора қиласи, Ф.Ю.Бердичевский ва бошқа айрим олимлар ҳамкорликни вақтингчалик характердаги муайян ташкилий, ўзига хос жамоавий тузилма сифатида тушуниш лозимлигини таъкидласа, А.И.Бастрыкин ҳамкорликни терговчининг бошқа субъектлар билан биргаликдаги фаолияти сифатида белгиланиши, ҳамкорликнинг моҳияти, уларнинг ҳаракатларининг комбинацияси ҳисобланиши ҳақидаги қарашларига қўшиламиз.

Фикримизча, ўзаро ҳамкорлик терговчи ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг қонунга асосланган фаолияти бўлиб, у жиноятни очиш усууллари, терговни ташкил этиш ва амалга ошириш, воситалари ва мақсадларини

мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Масалан, тергов-тезкор гурӯҳи фаолиятини олайлик. Айтиш керакки, содир бўлган номусга тегиш ҳолати бўйича терговчи раҳбарлигига тергов-тезкор гурӯҳи тузилиб, гурӯх таркибидаги терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсларининг амалга оширишлари лозим бўлган вазифалари белгилаб берилади. Ушбу жараёнда терговчи жиноят ишига доир процессуал фаолият билан шуғулланса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган вакиллари қонунда берилган ваколатлар доирасида амалга оширадиган процессуал ҳаракатлар билан бирга тезкор-қидириув тадбирлари ва бошқа ҳаракатларни бажаришади. Натижада тергов ва терговга қадар текширув органи ўртасидаги ҳамкорлик ҳаракатларининг комбинацияси юзага келади .

Ўйлашимизча, ҳамкорлик жиноятларни тергов қилишни ташкил этишнинг бир элементи деб ҳисобланади. Негаки, жиноятларни тергов қилишни ташкил этиш терговчининг ихтиёридаги ваколат бўлиб, ҳамкорлик эса у лозим топган жиноят иши доирасидагина юзага келиши мумкин. Бошқача айтганда, агар терговчи учун исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш қийин бўлмаса, бундай вазиятда у тезкор хизматлар, эксперт-криминалист ва бошқалар билан ҳамкорлик ўрнатмасдан туриб, аниқлик киритиладиган ва исботланадиган барча масалаларни тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали ҳал қилиши мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан ҳамда суд-тергов амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговчининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлари билан ҳамкорлиги тушунчасига қўйидаги муаллифлик таърифини таклиф қиласимиз:

Номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговчининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлари билан ҳамкорлиги деганда, терговчининг терговга қадар текширувни

амалга оширувчи органлар билан мақсади, вазифаси, жойи ва вақти бўйича келишилган, қонун ва қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ биргаликдаги ёки мувофиқлаштирилган кучларнинг самарали мувозанатини таъминлаш, жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, шахсларнинг айбилигини ёки айбизлигини исботлаш, жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва содир этилишининг олдини олиш учун процессуал, тезкор-қидирив, криминалистик-техник воситалари ҳамда усулларидан комплекс фойдаланиш, шунингдек, бошқа ташкилий-тактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ фаолияти тушунилади.

Энди эса, жиноят ишларини тергов қилишда иштирок этаётган субъектларга қараб, ўзаро ҳамкорликнинг турларини ажратишимиш лозим. Улар қўйидагилар:

- 1) терговчи ва терговга қадар текшируv органларининг ўзаро ҳамкорлиги;
- 2) терговчи ва жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ўзаро ҳамкорлиги;
- 3) терговчи ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик.

Терговчи ва терговга қадар текшируv органларининг ўзаро ҳамкорлиги уларнинг терговга қадар текшируv жараёнида шахсларни ишга жалб этиш, улардан тушунтиришлар олиш, турли экспертизалар тайинлаш, шахсни ушлашдаги фаолияти тушунилса, дастлабки тергов жараёнида, терговчи лозим топган барча тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишдаги фаолияти ҳамкорлиги кўздан тутилади.

Терговчи ва жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг дастлабки тергов жараёнида процессуал ҳамда тергов ҳаракатларини қонуний, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказишдаги, терговчидан маҳсус билимлар талаб қилганда, юритилаётган жиноят иши холислигини таъминлашда, шунингдек, иш юзасидан қонуний қарор қабул қилишда ёрдам берадиган фаолияти тушунилади.

Терговчи ва жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиги содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан мурожаат қилишлари ва уларни бартараф этишда иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдаги фаолияти ҳисобланиб, бу жиноятларни аниқлаш, фош этиш ва уларга қарши курашдаги фаолиятида намоён бўлади.

Олиб борган таҳдилларимизга кўра, терговчининг номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишдаги терговга қадар текшируv органлари билан ҳамкорлиги турли шаклларда намоён бўлади, лекин ҳамкорликнинг энг кўп учрайдиган шакли фош этилмаган ишларда бўлишини кузатдик, шу боис, терговчининг терговга қадар текшируv органлари билан ҳамкорлигини шартли равишда уч босқичга бўлиш лозим:

Биринчи босқичда терговчи ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга чиқади ва содир бўлган жиноятнинг "иссиқ излари"ни аниқлайди. Бу ерда ҳамкорлик жиноят содир бўлган жойдаги вазиятни атрофлича ўрганиш, ашёвий далилларни аниқлаш, қайд қилиш ва олиб қўйиш, жиноятчи шахси ҳақида дастлабки маълумотларни олиш ва уни қидириб топиш учун зарур. Одатда, ҳодиса содир бўлган жойга терговчи раҳбарлигига тезкор вакиллар, худуд профилактика инспектори, эксперти-криминалистдан иборат тергов-тезкор гурӯҳи билан чиқади. Айрим ҳолларда, кинолог ва хизмат итини ҳам жалб қилиши мумкин.

Терговчи ва терговга қадар текшируv органларининг ўзаро ҳамкорлиги уларнинг терговга қадар текшируv жараёнида шахсларни ишга жалб этиш, улардан тушунтиришлар олиш, турли экспертизалар тайинлаш, шахсни ушлашдаги фаолияти тушунилса, дастлабки тергов жараёнида, терговчи лозим топган барча тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишдаги фаолияти ҳамкорлиги кўздан тутилади.



Ходиса содир бўлган жойга чиқилганида
терговчи ҳар бир гуруҳ аъзоларининг вазифаларини белгилайди. Ушбу жараёнда тезкор ходимлар ва ҳудуд профилактика инспекторига жиноят содир этган шахс ва жабрланган шахс, уларни ўзаро алоқалари ҳақидаги маълумотларни йиғиш, воқеага алоқадор тасвиirlар қайд қилинган бўлиши мумкин бўлган кузатув камераларини аниқлаб, ундан тегишли видеотасвиirlарни кўчириб олиш, агар шахс жиноят содир этиб ҳодиса жойидан номаълум томонга яширган бўлса, уни қидириб топиш вазифалари юкланди. Эксперт-криминалистга эса, ҳодиса жойидаги далилларни аниқлаб, ишга алоқадор изларни сифатли олиш ва бошқа техник йўйиндаги вазифалар топширилади. Юқлатилган вазифалар бажарилиши билан ҳамкорликнинг биринчи босқичи якунланади.

Иккинчи босқичда терговчи, тезкор вакил, ҳудуд профилактика инспектори ва эксперт-криминалист билан биргаликда биринchi босқичда олинган маълумотларни таҳлил қиласидар. Ушбу маълумотлар алмашинуби асосида тергов тусмоллари ишлаб чиқилиб, уларни текшириш бўйича чора-тадбирлар келишилиб, ижрочилар аниқланади ва келишилган тергов режаси ишлаб чиқиласди. Мазкур режага мувофиқ, терговчи жиноятни "иссиқ изи"дан очиш ёки жиноят содир этган шахсни аниқлаш бўйича вазифаларни

тақсимлаб беради. Ушбу жараёнда ЖПКда назарда тутилмаган амалиёт бор, бу фош этилмаган ишлар доирасида туман ИИБ бошлиғининг тергов-тезкор гурухини ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи бўлиб, ушбу буйруқда туман ИИБ бошлиғи ЖПКга зид равиша терговчига фош этилмаган ишдаги вазифаларини белгилаб беради.

Ишда гумон қилинувчининг шахси аниқлангандан сўнг ҳамкорликнинг учинчи босқичи бошланади. Бу босқичнинг асосий вазифаси вужудга келган шубҳаларни тасдиқловчи ёки рад етувчи далилларни олиш, жиноятнинг барча иштирокчиларини, жиноят содир этилишига ёрдам берадиган ҳолатларни аниқлашдан ва уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишдан иборат. Бу босқичда тезкор ходимлар ва ҳудуд профилактика инспекторлари зиммасига ҳодисага бевосита шоҳид бўлган гувоҳларни аниқлаш, жиноят қуроллари яширилган жойларни, шунингдек, иш учун муҳим бўлган бошқа маълумотларни тезкор аниқлаш мажбурияти юкланди. Терговчи бу вақтда сўроқ, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларини олиб боради. Эксперт-криминалистга эса экспертиза ўтказиш учун ҳодиса жойидан олинган бармоқ изларига гумон қилинувчи ва жиноятга алоқадор бўлган шахсларнинг бармоқ изларини олиш, тегишли экспертиза ўтказиш

учун ҳодиса жойини кўздан кечириш давомида ёки бошқа тергов ҳаракатлари давомида олинган бошқа обьектларни тайёрлаш, тергов ҳаракатларини амалга оширишда техник воситалардан фойдаланишга жалб этиш бўйича кўрсатмалар беради.

Хулоса қилиб айтганда, номусга тегиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговчининг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар билан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиши мазкур турдаги жиноятларни муваффақиятли очиш, сифатли, тўлиқ ва ҳар томонлама тергов қилиш, айборларни фош этиш, ушбу турдаги жиноятларни содир этилишига имкон берган шартшароитларни аниқлаш ва содир этилишини оддини олишга хизмат қилади.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 20.12.2022 йил. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/5774> (Мурожаат санаси 30.01.2023 йил).
2. Ю.И.Миронов Системный подход в организации раскрытия преступления: Дис. ... канд. юрид. наук. - Волгоград, 1996. – 53-бет.
3. С.В.Шепелев Теоретические основы взаимодействия следователя в ходе деятельности по расследованию преступлений. – Ижевск, 2017.
4. Г.Гегель Сочинения. В 14 т. / Г. Гегель. – Москва : Госполитиздат, 1937. – Т. 5. – 834-бет.
5. С.В.Ведренцева "Понятие, сущность и принципы криминалистического взаимодействия как элемента организации расследования преступлений" Russian Journal of Criminal Law журнали 2021 й № 18 сон Б-126
6. Р.С.Белкин Криминалистическая энциклопедия : справ. пособие. 2-е изд., доп. М. URL:https://www.studmed.ru/belkin-rs-kriminalisticheskaya-enciklopediya_81b2bc3e3ca.html (Мурожаат санаси: 30.01.2023).
7. В.Д.Зеленский О понятии и содержании организации расследования преступлений // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2015. Т. 9, № 4. 734–744-б.
8. Н.П.Яблоков Тактика взаимодействия следователей и оперативно-розыскных органов при расследовании // Криминалистика : учеб. / отв. ред. Н.П. Яблоков. 3-е изд., перераб. и доп. URL:<https://www.dissertcat.com/content/vzaimodeistvie-sledovatelya-i-operativnykh-podrazdelenii-v-protsesse->
9. Д.Э.Каримова Ички ишлар органлари терговчининг жиноят қидирив бўлинмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалс. док-ри. (PhD). дис. автореф. – Т., 2018. – 54 б.
10. М.Шатас Некоторые проблемные вопросы взаимодействия прокурора и дознавателя при расследовании преступлений в Литве // Вестник криминалистики / отв. ред. А.Г. Филиппов. М. : Спарт, 2010. Вып. 2 (34). С. 55–63.
11. file:///C:/Users/HP/Downloads/organizatsionnye-formy-vzaimodeystviya-sledovatelya-s-organami-doznaniya.pdf (Мурожаат санаси: 30.01.2023 й)
12. О.В.Танкевич Профессиональное взаимодействие следователя с органами дознания: учеб.-метод. пособие.. https://studylib.ru/doc/2590367/o.-v.-tankevich-professional._noe-vzaimodejstvie(Мурожаат санаси: 30.01.2023 й)
13. Е.Н.Холопова Судебно-психологическая экспертиза в уголовном судопроизводстве : дис. ... д-ра. юрид. наук. <https://www.dissertcat.com/content/sudebno-psikhologicheskaya-ekspertiza-v-ugolovnom-sudoproizvodstve> (Мурожаат санаси: 30.01.2023 й)
14. Криминалистика: учеб. / под общ. ред. А.И.Бастрыкина. М.: Экзамен, 2014. Т. ИИ. 559 б
15. В.Ф.Робозеров Раскрытие преступлений, совершенных в условиях неочевидности. - Л., 1990. – 86 б.
16. Б.Е.Есимбетова Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятларини тергов қилишини такомиллаштириш (PhD диссертацияси). ИИВ Академияси. Тошкент. 2022 й. 104-бет




Шуҳрат РАФИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

ТЕЗКОР-

КИДИРУВ

ФАОЛИЯТИДА ИНСОН
ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ
ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

THE ESSENCE OF ENSURING HUMAN RIGHTS,
FREEDOMS AND LEGITIMATE INTERESTS IN
OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES



АННОТАЦИЯ. Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мазмун-моҳияти атрофлича таҳлил қилиниб, “тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши”, “тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш”, “тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилиб, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг субъектлари гурӯхларга бўлиши асослантирилган.

ТАЙНЧ СЎЗЛАР: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари.

ANNOTATION: the article analyzes the content and essence of ensuring human rights, freedoms and legitimate interests in operational-search activities in detail and develops copyright definitions for such concepts as “violation of human rights and freedoms in operational-search activities”, “compliance with human rights and freedoms in operational-search activities”, and operational-search activities are based on the fact that the subjects of ensuring human rights and freedoms are divided into groups.

KEYWORDS: operational search activity, operational search event, human rights and freedoms.



Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришдан аввал, инсон ҳуқуқлари ва эркинлари тушунчасининг мазмун-моҳиятини билиш зарурдир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи шахснинг жамият ва давлатдаги ҳақиқий мавқеини белгилашда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, ҳуқуқ ва эркинликларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, ушбу соҳадаги концептуал ғояларни ва шахснинг ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятини аниқлашга имкон беради.

Ҳуқуқ бу жамиятда эркинлик ва жавобгарлик ўлчовини ифодаловчи, ижтимоий муносабатларни тартибиа солувчи қонунда белгиланган умумий мажбурий нормалар тизимиdir. Содда қилиб айтганда, шахснинг ҳуқуқлари қонун билан белгиланган ҳамма нарсани бажариш қобилиятидир. Инсон ҳуқуқлари кенг маънода, ҳар қандай шахс (жисмоний шахс)га амал қиласи. Фуқаронинг ҳуқуқлари доираси анча кенроқ, чунки у нафақат туғилишдан шахсга тегишли бўлган табиий ҳуқуқларни, балки у фуқаро бўлган давлат томонидан унга берилган ҳуқуқларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун “инсон ҳуқуқлари” ва “фуқаро ҳуқуқлари” ибораларидан фойдаланиш бу икки бир хил бўлмаган тушунчаларнинг аралашишига олиб келади. Шунга ўхшаш ёндашув “ҳуқуқ” ва “эркинлик” атамаларини қўллашни таҳлил қилишда ҳам кузатиш мумкин. Ҳуқуқлар ва эркинликлар ўртасидаги фарқни баъзан ажратиш қийин, чунки аксарият сиёсий ҳуқуқлар эркинлик деб ҳам аталади.

Эркинлик сўзи кенг маънода, қонун билан тақиқланмаган ва бошқасига ёки умуман жамиятга ёхуд давлатга зарар етказмайдиган ҳамма нарсани қилиш имкониятидир. Унинг мазмунига кўра, бу бир хил ҳуқуқдир. Давлат фақат қонун орқали, умумий манфаат учун эркинлик чегарасини белгилашга ҳақлидир. Инсон шахс сифатида эркинликсиз мавжуд бўлолмайди.



Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бу миллий ҳуқуқий тизимлар томонидан расмийлаштирилган жамият ва шахс, шахс ва давлат ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг маҳсус туридир.

Ҳар қандай давлатнинг барча ҳуқуқий нормалари асосий қонун сифатида Конституцияга асосланади. Унда белгиланган ҳуқуқлар рўйхати

барча давлат органлари, фуқаролик жамият институтлари, барча фуқароларга тегишли бўлиб, назария ва амалиётда бундай ҳуқуқлар фундаментал (асосий) ҳуқуқлар деб номланади. Шахсни ҳуқуқ ва эркинликлари сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа шароитлар мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин.

Фикримизча, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишини қуидаги: а) фуқаролар томонидан ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш(суз, эътиқод эркинлиги, малакали юридик ва тиббий хизматдан, сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш); б) шахс қонунда назарда тутилган муайян бурчини адo этиши (солиқ тўлаш, атроф мухит тозалигига риоя этиш, ҳарбий хизматга бориш ва бошқалар); в) фуқаролар томонидан ҳуқуқий нормаларга риоя этиш, қонунларда назарда тутилган тақиқларга риоя этиш(масалан, турли ҳуқуқбузарликларни содир этмаслик,

“Тезкор-қидирав фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш бу қонун чиқарувчи ҳокимият органи, ТҚФни амалга оширувчи ва назорат қилиувчи субъектлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиб жараёнида шахснинг бузилган ҳуқуқларини тикиш, ҳимоя қилиш учун мўлжалланган қонуний кафолатлар тизимини яратилиши тушунилади”

карантин ва коментданлик соатида белгиланган чекловларга риоя қилиш); г) фуқаро кундалик турмуш тарзида ҳуқуқ нормалари мазмuni юзасидан манфаатли қарорлар қабул қилиш (масалан, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга киришиш ва бошқалар) каби гуруҳларга ажратиш мумкин.

Тезкор-қидирав фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни мазмун-моҳияти ҳақида бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича назарий қарашлар, фикрлар билдирилган бўлиб, уларнинг мулоҳазаларини ўрганамиз. Жумладан, И.В. Литвинова фикрича: “тезкор-қидирав фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ТҚФ ва бошқа қонунларда назарда тутилган ваколатлар доирасида орган раҳбари ва прокурор томонидан тезкор-қидирав тадбирларини ташкил этиш ва натижаларини расмийлаштириш масаласига эътибор бериш орқали амалга оширилади” [8; 5 – 6-6.] деб таъкидлайди.

А.М.Ефремов фикрига кўра: “тезкор-қидирав фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш бу



қонун чиқарувчи ҳокимият органи, ТҚФни амалга оширувчи ва назорат қилувчи субъектлар томонидан жиноятчиликка қарши курашиб жараёнида шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳимоя қилиш учун мўлжалланган қонуний кафолатлар тизимини яратилиши тушунилади” [6; 6 – 7-б.] деб таъриф беради.

А.А.Городилов фикрича: “фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклайдиган, суд санкцияси асосида амалга ошириладиган алоҳида тезкор-қидириув тадбирларнинг ўтказилиши прокурорнинг назорати остида амалга оширилсагина, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиши, шунингдек фуқаронинг ариза ва шикоятлари тўлиқ рўйхатга олинишини ҳам муҳимдир”[3; 7 – 10-б.] деб таъкидлайди.

Т.Т.Махмутов фикрига кўра: “тезкор-қидириув фаолияти соҳасига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда энг аввало, амалдаги қонунчиликда тезкор-қидириув муносабатларининг ҳар бир иштирокчисининг рўйхати ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, айнан кимни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни билиш учун тезкор-қидириув муносабатларнинг иштирокчилари олти гурӯхга ажратилиши зарурлиги” [10; 7 – 9-б.] ҳақида таклифни илгари суради.

В.В.Маслов фикрига кўра: “тезкор-қидириув фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашда ушбу муносабатларни ТҚФга оид норматив-ҳужжатларнинг мазмунида мустаҳкамлаш, жумладан ЖПК, ФПК ва ТҚФ тўғрисидаги қонун нормаларни мазмунида тезкор-қидириув тадбирлари натижасида бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жисмоний шахсларни судларга мурожаат қилиши, ушбу масалада судларнинг

ваколатини қонунчиликда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ бўларди” [9; 7 – 9-б.] деб ҳисоблайди.

К.А.Дехканова фикрича: “тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш кафолатларига: тезкор-қидириув фаолиятида зарур бўлган фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўйхатига киравчи шахсий ҳаёт, оиласвий сирларнинг дахлсизлиги, турар жой ва ёзишмалар дахлсизлигини таъминлаш; ТҚФ субъектлари томонидан ТҚФни амалга оширишда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш; ТҚФни контролъ ва назорат қилувчи субъектларга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари бузилгандан шикоят қилиш имкониятини яратиб берилиши” [5] деб таъкидлайди.

В.Ф.Габзалилов эса: “тезкор-қидириув тадбирларини амалга оширишда тезкор ходимлар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиши муҳимлиги, ушбу шахс фуқаролиги бўлмаган, чет фуқароси, икки давлатнинг фуқаролигига эга бўлишидан қатъий назар РФнинг Конституциясида назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўлиқ таъминланиши шарт” [3] деб фикр билдиради.

А.В.Богданов Е.Н. Ҳазовлар “шахс томонидан жиноят содир этилганида эркинлик, шахсий ҳаёт дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон орқали суҳбатлар, почта, телеграф ва бошқа хабарларни сир сақлаш, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқлари қонунда белгиланган ҳолларда чекланиши, ушбу чекловлар тўғри қўлланилиши учун ТҚФ субъектлари ва назорат қилувчи давлат органи ТҚФга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига тўлиқ риоя қилиши зарур” [2; 60 – 62-б.] деб таъкидлашади.



Д.М.Хованова фикрича: "тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш жараёнида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш тушунчаси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш тушунчасидан кенгроқ бўлиб, ушбу тушунчалар ТҚФда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш шаклларидан биридир" [13] деб ҳисоблайди.

А.М. Хлус фикрича: "тезкор-қидириув фаолияти соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жиноят процессининг терговга қадар текширув, тергов ва суд босқида ёки тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш жараёнида ҳам амалга оширилиб, муҳими жисмоний шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслиги зарур" деб таъкидлайди[12].

Профессор В.Каримов ўз илмий қарашларида қўйидагиларни: "тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, қонунийликни таъминлаш билан боғлиқдир. Бунинг учун қонунларнинг ижро этилишини назорат қилувчи прокурорнинг предмети ва ваколатларини, тезкор-қидириув соҳасини назорат қилишни мақбул механизмини қонунчиликда белгилашни" [7; 17 – 43-б.] баён этади.

М.Нязов эса, "тезкор-қидириув фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тезкор-қидириув тадбирларини ошкора ва ноошкора усувларда ёки тезкор-қидириув фаолиятини контролъ ва назорат қилувчи субъектларнинг муайян ҳаракатлар, текширув механизмлари орқали амалга оширилиши керак" [11] деб таъкидлайди.

Н.Н.Бекмуродов, Ф.Н. Нарзиллоевлар
М.Нязовнинг фикрига қўшилиб қўйидагича:
"ТҚФни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ТҚФни амалга оширувчи субъектлар (тезкор ходим ва органин раҳбари) ва назорат қилувчи прокурор томонидан амалга оширилиб, ушбу ҳаракатларнинг ҳуқуқий асослари ТҚФ тўғрисидаги қонунида конкрет мустаҳкамланиши лозим" деб фикр билдиришади [1; 66 – 72-б.].

Тадқиқот иши доирасида юқорида номлари зикр этилган ўндан ортиқ ҳуқуқшунос олим ва мутахассислар фикр-мулоҳазаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қўйидагидар: биринчидан, тезкор-қидириув фаолияти соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тезкор-қидириув фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган ваколатлар доирасида орган раҳбари ва прокурорнинг тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиши ва натижаларини расмийлаштириш масаласига аҳамият бериш билан бевосита боғлиқлиги; иккинчидан, тезкор-қидириув фаолияти соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши қонун чиқарувчи органнинг ушбу масалага оид қонун ижодкорлигини амалга ошириши, ТҚФни идоравий контроль ва назорат қилувчи субъектларнинг жиноятчиликка қарши курашда шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг ҳуқуқий механизmlарини ишлаб чиқишини тақозо этиши; учинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекладиган тезкор-қидириув тадбирлари фақат суднинг рухсати асосида ва прокурорнинг назоратида амалга оширилиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга оид барча мурожаат (аризалар ва хабар)ларни марказлашган ҳисобга қатъий рўйхатга олиниши тезкор-қидириув фаолиятида фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишнинг амалий ифодаси ҳисобланиши;

тўртингидан, тезкор-қидирув фаолияти жараёнига жалб қилинган турли тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда ҳар бирининг ҳуқуқий мақоми бўйича (жабрланувчи, гувоҳ, айбланувчи, ТҚФга ноошкора кўмаклашувчи фуқаро, ТҚФга ошкора кўмаклашувчи фуқаро, тезкор ходим, орган раҳбари, прокурор, суд ва бошқалар) гуруҳларга ажратиш зарурлиги; бешинчидан, тезкор-қидирув фаолияти соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари юзасидан тегишилиги бўйича судга мурожаат қилишнинг ҳуқуқий механизлари (Жиноят-процессуал ва Фуқаролик-процессуал кодекслари, тезкор-қидирув фаолияти қонунчилигига ўзгартиш, қўшимчалар киритиш)ни ишлаб чиқиш заруратини борлиги; олтинчидан, тезкор-қидирув фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ўз ичига фуқароларнинг конституцияда назарда тутилган шахсий ҳаёт ва турар жойдахлизизлиги, турли шаклдаги ёзишмалар, телефон сўзлашуви, почта, телеграф жўнатмалари ҳамда бошқа хабарлар, оиласий сирларга оид маълумотлардан хабардор бўлмаслик, ошкор қилмаслик, тарқатмаслик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳуқуқлар ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва қўриқлашни қамраб олиши; еттинчидан, тезкор-қидирув фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш шахснинг ҳуқуқий мақоми қандай бўлишидан қатъий назар жисмоний шахслар (маълум давлат фуқароси, чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, икки ёки ундан ортиқ давлатнинг фуқаролигини қабул қилган шахс)га нисбатан тадбиқ этилиши; саккизинчидан, "ТҚФда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш" тушунчаси "ТҚФда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш" ва "ТҚФда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш" тушунчаларидан кенгроқ маънони англатиб, ушбу икки тушунчалар ТҚФда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг шакллари ҳисобланиши; тўқизинчидан, жиноят-процессининг барча босқичларида (ишини судга қадар юритиш – терговга қадар текширув, тергов ва суд) тезкор-қидирув тадбирлари, тергов, суд ҳаракатлари амалга оширилишида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигининг шартлиги; ўнинчидан, тезкор-қидирув фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қонунийликни риоя этиш (ТҚФ қонунига биноан ошкора ва ноошкора усулларда тезкор-қидируv тадбирларини



"Тезкор-қидируv фаолиятида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тезкор-қидируv тадбирларини ошкора ва ноошкора усулларда ёки тезкор-қидируv фаолиятини контролъ ва назорат қилиувчи субъектларнинг муайян ҳаракатлар, текшируv механизмлари орқали амалга оширилиши керак"



Тадқиқот ишига тааллуқли, ўрганилган олимлар ва мутахассисларнинг билдириган фикрлари мазмун жиҳатдан ўхшаш, лекин турлича бўлиб, ҳар бир илгари сурилган фикрлар тадқиқот иши учун юқори қийматга эгадир ва муҳим аҳамият касб этади.

амалга оширилиши, ушбу фаолият идоравий контроль ҳамда прокурор назорат предмети сифатида текширувни амалга ошириши) орқали таъминлаши ҳақида хуносаларга келинди.

Тадқиқот ишига тааллуқли, ўрганилган олимлар ва мутахассисларнинг билдириган фикрлари мазмун жиҳатдан ўхшаш, лекин турлича бўлиб, ҳар бир илгари сурилган фикрлар тадқиқот иши учун юқори қийматга эгадир ва муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг субъектлари гуруҳларга ажратилишида тўлиқ рўйхат шакллантирилмасдан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, тезкор ходимлар, ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари ёзтибордан четда қолиб кетганлиги ва ушбу рўйхатни тўлдириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилиш асосида қўйидаги тушунчаларга муваллифик таърифи ишлаб чиқилди:

тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши деганда тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида шахснинг шаъни, қадр-қиммати, манбаатларига ёки унинг соғлиғига зарар етказилиши тушунилади;

тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш деганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартиба солувчи амалдаги қонунчиликка мувофиқ тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда ҳуқуқий нормаларга қатъий ва қаттиқ риоя қилиниши тушунилади;

тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш деганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тартиба солувчи

қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қўриқлаш, қонуний манбаатини ҳимоя қилишга қаратилган тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширилиши(тезкор-қидириув тадбирларни ўтказилиши, ТҚФга қўмаклашувчи шахсларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ТҚФда идоравий контроль ва прокурор назоратни таъминлаш) тушунилади.

Тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларини таъминлаш субъектларини қўйидагича таснифлаш таклиф этилади:

1-гуруҳ – жиноят процессининг турли босқичларида ўз манбаатларини ҳимоя қиладиган шахслар (гумон қилинувчи, айланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи);

2-гуруҳ – жиноят процессининг турли босқичларида иштирок этувчи бошқа шахслар(гувоҳ, эксперт, мутахассис, холислар, ТҚФга қўмаклашувчи шахслар);

3-гуруҳ – жиноят процессининг турли босқичларида иштирок этувчи жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, тезкор ходимлар ва ТҚФни амалга оширувчи органнинг раҳбари).

Таъкидлаш жоизки, учинчи гуруҳдаги мансабдор шахсларни тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг субъекти сифатида алоҳида гуруҳда белгиланиши, амалиётда тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш жараёнида ушбу ходимларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши ёки поимол бўлиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Масалан, ходимга тухмат ўюштириш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига, оиласига таҳдид қилинганида қонунда белгиланган тартибда суд ва бошқа



мансадбор шахс томонидан ҳуқуқи бузилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилиниши, оила аъзолари вақтингчалик қўриқланиши асосида қонуний манфаатлари таъминланиши муҳим деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтганда, тезкор-қидириув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини билиш, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимларидан хизмат фаолиятини қонунийлик ва холислик тамойиллари асосида ташкил этишга имкон беради.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Бекмуродов Н.Н., Нарзиллоев Ф.Н. Тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг назарий ва ҳуқукий масалалари // Ҳуқукий тадқиқотлар журнали. – 2023.– 1-махсус сон Б.66-72.
2. Богданов А.В., Хазов Е.Н. Роль и значение обеспечения конституционных прав и свобод человека и гражданина в оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел // Вестник Московского университета МВД России № 6 / 2013. С.60-62.
3. Габзалилов В.Ф. Теоретические аспекты обеспечения прав и свобод человека и гражданина в ходе осуществления оперативно-розыскных мероприятий // Проблемы в российском законодательстве. 2014. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/teoreticheskie-aspekty-obespecheniya-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina-v-hode-osuschestvleniya-operativno-rozysknyh-meropriyatiy> (дата обращения: 02.07.2023).
4. Городилов А.А. Права и своды личности в оперативно-розыскной деятельности и меры прокурорского надзора за их соблюдением. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Калининград., 2006. –С.7-10.
5. Дехканова К.А. Значение гарантий соблюдения прав и свобод человека и гражданина при осуществлении оперативно-розыскной деятельности // Вестник ТГУПБ. 2012. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/znachenie-garantiy-soblyudeniya-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina-pri-osuschestvlenii-operativno-rozysknoy-deyatelnosti> (дата обращения: 02.07. 2023).
6. Ефремов А.М. Обеспечение прав и свобод человека и гражданина в оперативно-розыскной деятельности: Теоретические и прикладные проблемы. Дис... док. юрид. наук. – Санк-Петербург., 2001. – С. 6-7.
7. Каримов Ваҳобжон Тезкор-қидириув фаолияти ва инсон ҳуқуқлари: Монография. – Т., 2019. – Б.17-43.
8. Литвинова И.В. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина при осуществлении оперативно-розыскной деятельности. Дис... канд. юрид. наук. – Санк-Петербург., 2001. – С. 5-6.
9. Маслов В.В. Деятельность суда по обеспечению прав и законных интересов граждан в процессе оперативно-розыскных мероприятий. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Екатеринбург., 2011 – С.7-9.
10. Махмутов Т.Т. Соблюдение и гарантии обеспечения прав и законных интересов субъектов оперативно-розыскных правоотношений. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Тюмень., 2007. – С.7-9.
11. Нязов М.Обеспечение защиты прав и свобод человека в ходе осуществления оперативно-розыскных мероприятий // ОИИ. 2020. №1/S. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-zaschity-prav-i-svobod-cheloveka-v-hode-osuschestvleniya-operativno-rozysknyh-meropriyatiy> (дата обращения: 03.07.2023).
12. Хлус А.М. Обеспечение конституционных прав и свобод граждан в сфере оперативно-розыскной деятельности: Законность и правопорядок. Правовой научно-практический журнал. – 2012. - № 4. – С.30-33. <http://elib.bsu.by/handle/123456789/41895>
13. Хованова Д.М. Обеспечение соблюдения прав и свобод человека и гражданина в Российской Федерации при осуществлении оперативно-розыскной деятельности: сущность, содержание, правовая основа // Наука, образование и культура. 2017. №4 (19). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-soblyudeniya-prav-i-svobod-cheloveka-i-grazhdanina-v-rossiyskoy-federatsii-pri-osuschestvlenii-operativno-rozysknoy>(дата обращения: 03.07.2023).



ЭКСТРЕМИЗМ

**БИЛАН БОГЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ДИНИЙ
МАЗМУНДАГИ ТАҚИҚЛАНГАН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН
ИШЛАШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**IMPORTANT ASPECTS OF THE QUALIFICATION OF PROHIBITED
MATERIALS IN THE INVESTIGATION OF CRIMES RELATED TO EXTREMISM**

АННОТАЦИЯ: Мақолада жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш жиноятининг мазмуни, назарий тушунчалари ва тергов амалиётида мавжуд муаммолар таҳлили келтириб ўтилиб, миллий қонунчиликдаги бўшлиқни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар баён этилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: маънавий, ақидапарастлик, миллатлараро, мессенжер, телекоммуникация, нашида, материал, экстремизм, таҳдид, даъват, вахима.

ANNOTATION: In the article, the content of the crime of preparation, storage, distribution or display of materials that threaten public safety and public order, theoretical concepts and analysis of existing problems in the interrogation practice have been analyzed, proposals and recommendations aimed at eliminating the gap in national legislation are presented.

KEYWORDS: spiritual, bigotry, international, messenger, telecommunication, nasheed, material, extremism, threat, exhortation, panic.



Садокат НУРУМБЕТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тергов фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Sadokat NURUMBETOVA,
Lieutenant Colonel, Associate Professor of the Department of Preliminary Interrogation and Forensic Science of the Academy of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

Жаҳон тарихида ҳар бир ҳалқнинг аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалганини кўриш мумкин. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга таяниш мумкин.

Жаҳон тарихида ҳар бир ҳалқнинг аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалганини кўриш мумкин. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. «Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга таяниш мумкин.

Биринчиси - бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси- аждодларнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият»[1]. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятни ҳамда ундаги инсонларни зиммасига тўғри ва асослантирилган, юрт манфаатига ҳизмат қиласидиган ғоялар билан яшашдек устувор вазифани юкламоқда.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ривожланишида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим омил ҳисобланади. Айнан шунинг учун ҳам, аввало юртимиз тинчлигига, хавфсизлигига, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий ва миллатлараро тотувликка, жамиятнинг барқарор ривожланишига, энг муҳими инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалда таъминлаш-

га путур етказиши ҳамда турли дин вакиллари орасида ихтилофлар келтириб чиқаришига сабаб бўлиши мумкин бўлган диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш жиноятига самарали қарши курашишни тақозо этмоқда [2].

Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Умуман олганда, эътиқод гуруҳ ва оммани жисплаштирувчи, одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади.

Эътиқод инсон вояга этиши билан боғлиқ ҳолда тўпланган билимлар, ўзига хос эҳтиёж ва манфаатлар, ҳаётий тажриба асосида шаклланиб, мустаҳкамланиб боради ва шахс фаолиятнинг изчил, мантиқий, мақсадли бўлишига олиб келади.



Ю

қоридаги сифатий хусусиятлар билан бир қаторда журъатсизлик, қатъиятсизлик ва бефарқлик каби ҳолатлар ҳам мавжудлиги ва улар эътиқоднинг заифлигини кўрсатишни таъкидлаш зарур. Бундай кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғадилар. Бундай эътиқодий заифлик, бўшлик шахс камолотига салбий таъсир кўрсатади. Агар эътиқод мутаассиб, ирқий, миллатчилик, торсиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик, беқарорликка хизмат қиласди, ривожланишга тўсиқ бўлади. Тараққиёт, ҳурлика етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон «эътиқод»ни фарқлаш жуда муҳим[3].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳалқимиз диний ва маънавий қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажакда янада равнақ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Лекин буни мафкурага сингдиришда нотўғри ғоялардан фойдалани келаётганлар ҳам мавжуд. Шу боис бу ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2441-моддларида “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш” диспозициялари белгилаб қўйилган. Шунингдек, бу фаолиятга тегишли бўлган материалларни тарқатиш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан фойдаланилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Ички ишлар органлари тергов бўлинмаларида олиб борилаётган жиноят ишларида мазкур ҳолатлар

бўйича бир қатор муаммоли ҳолатлар юзага келаётганлигини кўриш мумкин.

2021 йилда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар 686 тани ташкил этган бўлса, шундан 2441-моддаси бўйича Республикада жами 519 тани ташкил этади. Мазкур ҳолат 2022 йилнинг 6 ойи давомида жами 574тани ташкил этган бўлса, шундан 431 таси 2441-модда таркибидаги жиноятларни ташкил этади.

Фуқароларга миллати, ирқи, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуклар қонун орқали кафолатланган. Буни диёrimизга очиқ қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда. Лекин терговга қадар текширувлар натижаларига кўра қўзғатилган ишларда юқоридаги диспозицияларни квалификация қилишда бироз қарама – қаршиликларни кўриш мумкин. Жумладан, 2441-модданинг 1-қисмида “Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш” кўрсатилган. Амалий мисолларга назар соли-



Халқимиз диний ва маънавий қадриятларининг ҳозирги демократик жамият қадриятлари билан уйғунлашиши республикамизнинг келажакда янада равнақ топиши, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

надиган бўлса, фуқаро В. "Телеграмм" месенжеридағи "+99899 xxx xx xx" рақамли сим картага расмийлаштирилган «БИЛЛО ВОХИДОВ» номли профили кўздан кечирилганида, маҳалладош дўстлари билан бирга ташкил қилган "DO'SLARIM" номли телеграмм гурӯхда, иш бўйича ўтказилган судга оид диншунослик экспертизасининг № 202-сонли хulosасига кўра "jannatga oshiqlar" номли ўзида ақидапарастлик ғоялари мавжуд ҳамда мазкур ғояларни тарғиб килувчи файлларни интернет тармоғидаги "Телеграм" ижтимоий сайти орқали тарқатиб келаётгандиги аниқланган. Яна бир ҳолат Ўзбекистон Республикаси



Фуқароларга миллити, ирқи, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуклар қонун орқали кафолатланган. Буни диёримизга очиқ қалб билан келаётган ҳар бир меҳмон ўз кўзи билан кўрмоқда ва эътироф этмоқда. Лекин терговга қадар текширувлар натижаларига кўра қўзғатилган ишларда юқоридаги диспозицияларни квалификация қилишда бироз қарама – қаршиликларни кўриш мумкин.

ИИВ ҳамда ДХХ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир даврида, фуқаро Х. ишлаш мақсадида Россия Федерациясининг Новосибирский шаҳрига бориб, у ерда оммавий ахборот воситаларидан "Telegram" ижтимоий тармоғида ўзи фойдаланаётган +795xxxxxxxx рақамига очилган профили орқали "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита мутахассислари"нинг хulosасига кўра, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маълумотларни Марҳамат туманида яшовчи фуқаро Ш.нинг номига очилган профилига юбориши орқали тарқатиб келганлиги аниқланиб, ундан «Samsung J-7» русумли уяли алоқа воситаси ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Ҳар иккала ҳолатда ҳам 2441-модда бўйича иш қўзғатилган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам учинчи қисм назарда тутилган. Лекин ҳар иккаласи бўйича ҳам ижитмоий тармоқлардан фой-

даланиш ҳолатини кўриш мумкин.


Ўз ўзидан кўриниб турибдики, бу ерда асосий масала тақиқланган материалларнинг тақиқланган сайтлардан ҳамда ахборот телекоммуникацияларидан фойдаланилганлигида. Статистик таҳлилларга кўра энг кўп жиноий ҳолат сифатида 2441-модданинг З-қисми бўйича жиноий иш қўзғатилганлигини гувоҳи

бўлиш мумкин. Лекин, масаланинг иккинчи томони ҳам борки, 2441-модданинг 1-қисмида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган ҳолатлар назарда тутилган.

Da'vat (Arab tilida: دعوه da'wah, чақирув маъносида) арабча сўз бўлиб "taklif" ёки "taklifnoma" деган маънони билдиради.

Исломиятга кўра мусулмонлар бошлиқларни исломиятга таклиф қилиш мажбуриятидадирлар. Даъват одатда "танитиш" фаолиятини деб билинади. Даъват мусулмонлар ва мусулмон бўлмаганларга нисбатан қўлланилиши мумкин [4].

Ваҳима — ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиш турларидан бири бўлиб, унда одамни асоссиз кўрқув босади, киши нимадандир ҳавотирланиб,



Онг табиат тараққиёти маҳсули, материининг хоссасидир, барча материининг эмас, балки олий даражада ташкил топган материининг, яъни инсон мия-сининг маҳсулидир.

ҳадиксирайди, безовта бўлади, кўнгли ғашланиб, ороми йўқолади, руҳан азоб чекади. Унга келажакда фалокат бўлиши муқаррардек, ўзи ёки яқинларининг ҳаётни хавф остида тургандек туюлади. Ваҳима ҳар хил руҳий ҳолатларда турлича намоён бўлади[5].

Бу сўзларнинг маъносини экстремистик фаолиятга қадам қўйётган ёки фаолият билан чамбарчас боғлиқ ҳола ҳаракатланаётган шахслар жиноий фаолиятини тўлиқ квалификация қилиш учун муҳим ҳисобланади.

Тергов амалиётида яна бир ҳоатни кўриш мумкинки, яъни айрим кўп ҳолларда аризачининг мурожаати асосида терговга қадар текширув ўтказилганда фуқароларнинг қўлидаги шахсий телефонларнинг кўздан кечирилишида тақиқланган материалларни мустақи ўзлари ижтимоий тармоқлардан топиб олиб ёки тасодифан учратиб қолиб, ўзининг базасига сақлаб қўйиш ҳолатлари учрамоқда. Мисол учун, фуқаро П. ўтказилган тезкор тадбир натижасида аниқланишича, кейинги пайтларда беш вақт намоз ўқишга ўтиши, гапиришларида, дунёқарашида динга бўлган муносабатнинг жуда чуқурлашганини, қўл телефонида араб тлидаги қўшиқларнинг

кўплигини кўриш мумкин. Тўғри буни эшигтан одам, нима қилиби динга кирган бўлса, намоз ўқиётган бўлса, соқол қўйган бўлса, бу жиноят эмаску деган фикрларни олдинга суриши мумкин. Шу ўринда инсон онги ҳақидаги тушунчага бир эътибор қаратиш лозим. Онг табиат тараққиёти маҳсули, материининг хоссасидир, барча материининг эмас, балки олий даражада ташкил топган материининг, яъни инсон мия-сининг маҳсулидир. Лекин онгнинг бўлиши учун миянинг ўзигина булиши етарли эмас. Онг инсонни қуршаб турган табиий ва ижтимоий муҳит билан чамбарчас боғланган ва шу муҳитнинг таъсирида фаолият кўрсата олади [6].

Инсон онги шу қадар мураккаб ва шу билан бирга содда яратилганки, онг остига тушган ижобий ёки негатив фикрлар билан озуқаланиб шу фикр билан яшай бошлайди. Яъни жохилликга оид маълумотлар мунтазам эшитилиб турса бу шахс

бехосдан шу фикрга ўта бошлайди. Аксинча бу материалларни эшитмаса, уларни онгли равишда тақиқланганми ёки йўқми деган изланишлар билан текшириб, ўзидан буларни узоқлаштирадиган бўлса бу ўз натижасини кўрсатади. Бу дегани, охирги пайтларда фуқароларнинг ахборот телекоммуникацияларидаги тақиқланган диний мазмундаги материаллар бўйича жиноий жавобгарликнинг мавжудлиги бўйича тўлиқ маълумотга эга эмаслиги, терговга қадар текширувларда



Ауқаронинг ҳуқуқи, дин эркинлиги деяши мумкин, лекин инсоният бугунги тез ўзгараётган замонда ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Юқорида айтилганидек негатив фикрлар инсон онг остига тушиши натижасида билиб билмай шу оқимга йўналиб кетиши эҳтимоли купроқ бўлади.

телефон эгаси бу каби материалларни ҳеч кимга тарқатмаганлигини, фақат ўзи эшитаётганлигини ёки ўқиётганлигини важ қилиб күрсатаётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Айнан бу ҳолатда бизнинг миллий қонунчилигимизда яъни тақиқланган диний мазмундаги материалларни сақлаганлик учун жавобгарлик белгиланмаган. Шу боис мазкур ҳолатларда жиноий иш қўзғатиш ортга қайта-рилмоқда.

Бир томондан олиб қараганда фуқаронинг ҳуқуқи, дин эркинлиги дейиш мумкин, лекин инсоният бугунги тез ўзгараётган замонда ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Юқорида айтилганидек негатив фикрлар инсон онг остига тушиши натижасида билиб билмай шу оқимга йўналиб кетиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Фуқаро Н. 57 ёшда, ўз ўғлиниң телефонига бир нечта нашидаларни ташлаб беради. Олинган маълумотларга қараганда бу шахснинг дунёқараши охирги пайтларда кескин ўзгарган бўлиб, беш вақт намозга ўтиб, гапиришларида диний билимларни ишлата бошлиган. Ўғлига юборганинги тарқатиш деб баҳолаш учун ундан кўрсатма олинганда, бу шахс ўғлига буни тарқатиш учун эмас, ўзининг шахсий транспорт воситасида эшитиб юришини таъминлаш мақсадида флешкага кўчртириб олиш учун жўнатганлигини айтмоқда. Бу ерда жиноят таркибини топиш учун у тарқатган бўляпди. Ваҳоланки, бу ерда унинг кўрсатмаси бўйича тарқамаганлини билдирияпди. Нашида экспертизадан ўтказилганда араб тилидаги тақиқланган мазмунда-

ги материал деб топиляпди. Иш қўфатиш учун жиноят таркиби тарқатиш бўлиши керак, лекин бу ерда тарқатиш эмас ўзига қайтиб олиш мақсади борлигини кўрсатяпди. Бу каби ҳолатлар кўпайиб бораётганлигини инобатга олиб, фуқароларнинг билиб билмай тақиқланган материалларни ижтимоий тармоқлардан ёки таниш-билишларидан ўзига олаётганлигини, тушуниб тушунмай телефонларида ёки флешкалар каби маълумот сақловчи воситаларда сақлаётганлигини кўриш мумкин.

Бу турдаги жиноятларни содир этувчилар инсонлар онгини заҳарлашда тақиқланган материалларни инсонларга ҳар хил усуllар билан етказиш йўлларини топишишмоқда ва улардан фойдаланишмоқда. Инсоният онгига бу каби нашидалар ёки маърузалар қанча кўп тингланиб борилаверса билиб билмай онг ости шахсни шу томонга торта бошлади. Уларнинг иккинчи босқичи шундаки, бу каби маърузаларни эшитирганидан ёки етказганидан кейин уларнинг тоифаларини яъни моддий етишмовчиликларини ўрганиб, шу каби инсонларни ўз домига торта бошлашади.

Бу эса ақидапарастликдан экстремизмга қадам қўйиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан давлат, жамият тинчлигига хавф солувчи, ҳокимиятни ағдаришга қаратилган тушунчаларни инсонлар онгига тез фурсатларда киритишни удасидан чиқа бошлашади.



**Бу эса
ақидапарастликдан
экстремизмга қадам
қўйиш ҳисобланади.
Ўз-ўзидан давлат,
жамият тинчлигига
хавф солувчи,
ҳокимиятни
ағдаришга
қаратилган
тушунчаларни
инсонлар онгига
тез фурсатларда
киритишни
удасидан чиқа
бошлашади.**





Бу бузғунчи ғояларни муттасил эшитиш ва кўриш унга шунчалик таъсир қиласдики, ҳатто "ҳижрат" қилиш фикрига ҳам тушиб қолишади.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2441-моддасининг биринчи қисмидан олдин янги биринчи қисм очиб диний мазмундаги тақиқланган материалларни сақлаганлик учун жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда бу таклифни киритишдан мақсад ақидапарастликнинг кейинчалик диний экстремизмга ундан кейинги босқич терроризмга ўтишга сабаб бўлувчи ҳолатларни олдини олувчи модда ҳисобланишини таъкидлаш лозим.

Хусусан, "Ақидапарастлик" ("ақида"-арабчада-“ишонч”, “бирор нарсани иккинчисига боғлаш”) муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишониб, уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда кўр-кўrona қўллаш ёки шунга уринишни англатади. У муайян қонун ва қоидаларни таъсир доирасини сунъий кенгайтиришга уринишда ёрқин намоён бўлади [7].

Худди шундай луғавий маъносини бир хил лекин мазмунан бойитилган фикр билан З.Собировнинг таъкидлашича ақида, эътиқод (араб. “ақд”- бир нарсани иккинчисига махкам боғлаш; кўплиқда-ақоид)-балоғатга етган киши эътиқод қилиши, иймон келтириши, ислом дийниниг заруратлари шаклида тасдиқ қилиши, қалбига маҳкам боғлаб олиб ундан ажralиши мумкин бўлмаган шаърий эътиқодий ҳукумлариридир[8]. Инсоннинг икки дунёдаги саодати айнан унинг ақидасига боғлиқдир.

Билиб билмай содир этилган ҳолатларга назар ташланадиган бўлса айнан шу каби ақидапарастлик ғоялари билан мияни озуқалантириб, кейин тарқатишдан мақсад нимали-

гини билмай тарқатиб юрган фуқароларни ҳам кўриш мумкин.

Айрим фуқаролар диний илмга етарлича эга бўлмай туриб, интернет орқали турли норасмий сайтлардан ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларни эшитиб ва видео тасвирларни кўриб келишади. Бу ҳам етмагандек, уларни ён-атрофидагиларга ҳам тарқатган. Бу бузғунчи ғояларни муттасил эшитиш ва кўриш унга шунчалик таъсир қиласдики, ҳатто "ҳижрат" қилиш фикрига ҳам тушиб қолишади. Кейинчалик бу ҳақда таниш билишларига ҳам айтишни бошлашади. Аммо уларнинг бу юриш-туриши оила аъзолари, маҳалла-куйнинг назаридан четда қолмайди. Улар билан ўтказилган панд-насиҳатлар бир четда қолиб кетаверади. Улар бу йўлдан қайтиш ўрнига тобора ёт ғояларга ўралашиб қолади ва натижада бу ишлари уларни суднинг қора курсисига етаклайди.

Бу билан нима демоқчимиз, йўлдан адашаётганлар ўзимизнинг фарзандларимиз, яқинларимиз, маҳалладошларимиз бўлиши мумкин. Уларнинг онгини заҳарлашга уринганлар эса интернет тармоқларида қармоқ ташлашга доим шай. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаб айтганидек, бундай йўлларга адашиб кириб қолган ёшларни кечириб, маҳалла, ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик томонидан назоратга ўз вақтида олиш, тўғри йўлга бошлаш, қайта тарбиялаш зарур [9].

Шу билан бирга, ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ўғр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан

ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланаётганлар бор. Бундай ножӯя ҳаракатлар аввало мүқаддас динимизнинг салбий таъсир кўрсатишини барчамиз чуқур англаб олишимиз ва шундан хулоса чиқаришимиз зарур [10].

Бизнинг замонамизда ҳам адашган, эътиқоди бузуқ бўлган бир қанча фирмә ва тоифалар мавжудки, улар ҳамон мўмин-мусулмонларни соф ислом йўлидан чалғитишга, ахли сунна вал жамоа ақидасидан адаштиришга ҳаракат қилимоқдалар. Бундай экстремистик групҳулар бузғунчи ғояларининг мақсади бир, у ҳам бўлса тинчлик-осойишталикни бузиш, мавжуд эзгу парвар, бунёдкор ғояларни тан олмаслик, охир-оқибат ўзларининг мудҳиш мақсадларига эришишдан бошқа нарса эмас. Шуниси ачинарлики, динни ниқоб қилиб олган бу групҳулар, асосан, ақл-идроқи саёз, дунёқараши, тафаккури комил бўлмаган шахсларни, хусусан, ҳаёт тажрибасидан узоқ бўлган ёшларни йўлдан оздаришга уринадилар. Ўзларига эргашмаган, уларга қарши чиққанларни коғирга чиқармоқдалар. Коғир дейишдан мақсад эса, уларга қарши уруш очиш, қонларини тўқиб, молларини талон-тарож қилишdir. Ҳолбуки, мусулмонга қарши қурол кўтариш, унинг қонини тўкиш энг оғир гуноҳdir.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ш.М.Мирзиёев. Президент мамлакат мафкурасининг асосий ғояси нималардан иборатлигини маълум қилди.// gazeta.uz. 2021 йил. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/19/selector/>.
2. Б.Б. Муродов, М.М. Асқаров . Диний ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тарқатиш жиноятларини тергов қилиш хусусиятлари.2022 йил. ИИВ Ахборотномаси. 4-сон.
3. Мардонов Х.. ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК.// <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=5909>
4. Очиқ энциклопедия/ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Da%CA%BCvat>.
- 5.QOMUS.INFO > В ҳарфи > ВАҲИМА// <https://qomus.info/encyclopedia>.
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-o/ong-uz/>.
7. <http://islomobod.uz/akidaparastlik-nima/>.
8. З.Собиров. <https://zamaxshariy.uz/7027/>.
9. <https://xs.uz/uzkr/>.
10. Исломов З., Икрамов Ш. Экстремизм ва терроризм – тараққиёт душмани: Ички ишлар тизими ходимлари учун ўқув-амалий қўлланма. Тошкент: ИИВ Академияси, 2015 й. -164.





АННОТАЦИЯ. Мақолада шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида жиноят-процесси иштирокчиларининг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг зарурати, жумладан процессуал чиқимларни тўлаш амалиётининг бугунги ҳолати, илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилинган. Шунингдек, жиноят ишларини юритиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тартибига оид ишлаб чиқилган янги қонунчилик лойиҳасининг суд-тергов амалиётидаги аҳамияти ёритиб берилган.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР: жиноят-процессуал қонунчилик, процесс иштирокчиси, процессуал чиқимлар, мулкий ҳуқуқлар, вазирлар маҳкамаси қарори, хориж тажрибаси.

ANNOTATION. The article analyzes the need to ensure the property rights and interests of the individual and his rights and freedoms, participants in the criminal process within the framework of the reforms carried out to ensure their legitimate interests, including the current state of the practice of payment of procedural payments, advanced foreign experiences. Also highlighted is the importance in forensic practice of the new draft legislation developed regarding the procedure for paying expenses related to criminal proceedings.

KEY WORDS: criminal-procedural legislation, participant of the proceedings, procedural issues, property rights, decision of the Cabinet of ministers, foreign experience.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА

МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ

ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ҚОНУН
УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

GINIPROCESS IS A SMALL SUCCESSION ENSURING THE NECESSITY OF
THE LAW IS AN IMPORTANT GUARANTEE

Абдулла СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси
жиноят-процессуал ҳуқуқ
кафедраси тадқиқотчиси
(электрон почта манзили:
sultonovabdulla102@gmail.com,
telegram: +99890-930-77-05)

Abdulla SULTANOV,
Researcher of the Department
of Criminal Procedural Law of
the Academy of the Ministry of
internal affairs of the Republic
of Uzbekistan (email address:
sultonovabdulla102@gmail.com,
telegram: +99890-930-77-05).





Давлатимиз раҳбари илгари сурган “Инсон қадри учун” тамоилини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида, инсон қадрини юксалтириш, шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манбаатларини таъминлаш Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегиясининг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Ўтган йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу борада кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг янги механизмларини татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш каби қатор йўналишларда салмоқли натижаларга эришилди. Қайд этиш жоиз, ушбу ислоҳотларнинг туб замира, давлатнинг фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдан иборат конституциявий мажбурияти ётиди.

Шу асосда, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манбаатлари, шу жумладан, мулкка, тинчлик ва хавфсизликка қилинадиган жиноий тажовузлардан қўриқлаш жиноят қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. Жиноятларни тез ва тўла очиш, айборларни фош этиш, жиноят содир этган шахсга нисбатан адолатли жазо бериш фаолиятини тартибга солиш учун жиноят-процессуал қонунчилиги татбиқ этилган.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун давлатда – тергов, суд ва прокуратура органлари ташкил этилади ва қонун доирасида маҳсус ваколатлар берилади. Улар томонидан жиноят ишларини юритишига доир фаолиятни амалга ошириш жараёнида айрим шахсларнинг кўмагига эҳтиёж туғилади. Улар, жабрланувчи, яъни, жиноят натижасида мулкий, маънавий ёки жисмоний зарар кўрган шахс, шунингдек жиноят ишларини юритишига жалб этиладиган гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин. Агарда, ушбу шахслар тергов ёки суд муҳокамаси ўтказиладиган жойдан узоқ манзилда яшаган ҳолларда уларда жиноят процессида иштирок этиш давомида қўшимча маблағ сарфлаш зарурати юзага келиши мумкин. Ушбу ҳаражатлар, сўроқ ёхуд бошқа ҳаракатларда қатнашиш учун процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, турар жойни ижарага олиш, овқатланиш, шунингдек шу каби бошқа эҳтиёжлар билан изоҳланиши мумкин.



Мисол учун, Хоразм вилоятида яшайдыган фуқаро А. Тошкент шаҳрида кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича гувоҳ тариқасида кўрсатма бериш учун (сўроқ қилиш тергов ҳаракатида иштирок этиш) тергов ёки суд органига етиб келиши тўғрисида чақирув олган. Мазкур ҳолатда фуқаро А. темир йўл транспорти ёрдамида Тошкент шаҳрига келадиган бўлса, чипта учун 300 000 сўмга яқин, такси хизматидан фойдаланганида ҳам тахминан шунча маблағ сарфлашига тўғри келади. Тергов ҳаракатлари чўзилиб кетганда, меҳмонхонада туриши учун суткасига камида 150 000 сўмдан, бир кунда 2 марта овқатланиши учун ўртacha яна 50 000 сўм сарфлаши мумкин. Шунингдек, ушбу фуқаро йўлда ўтказиладиган вақтни қўшиб ҳисобланганда камида 3 кун давомида одатдаги машғулотидан чалғииди. Фараз қиласиз, у сартарош бўлса, 3 кунда камида 25-30 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлганда, (1 нафар мижозга тахминан 20 000 сўм хизмат ҳақи белгиланган бўлса) яна 500 000 сўмга яқин тирикчилик манбасидан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, фуқаро А. жиноят процессига жалб этилиши муносабати билан қилган харажатлари ҳамда одатдаги машғулотидан чалғиши оқибатида қўлга кирита олмаган даромадини умумлаштирганда ўртacha 1-1,5 миллион сўмгача зарар кўриши мумкин. Бундан ташқари, ушбу тоифадаги шахс тергов олиб бориладиган тилни бил-

майдиган бўлса таржимон хизматига эҳтиёж юзага келади. Бугунги кунда таржимонлик хизматлари иш тури (оғзаки ёки ёзма), хорижий тилнинг тури ва мураккаблиги қараб турли нархларда белгиланади.

Жиноят-процессуал қонунида айнан шу каби ҳолатлар учун қилинадиган харажатлар процессуал чиқимлар институти сифатида тартибга солинади. Шунингдек, ушбу қонунда фуқароларнинг жабрланувчи ёки унинг вакили, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида тергов ёхуд суд органига шахслар чақирилиш муносабати билан қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган (ЖПК 75-модда).

Умуман олганда, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигига давлат томонидан тўлаб берилиши лозим бўлган процессуал чиқимларнинг қўйидаги турлари келтириб ўтилган:

- жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, эксперталрга, мутахассисларга, таржимонларга, холисларга уларнинг процессуал ҳаражатлар ўтказиладиган жойга келиб-кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммалар;

- доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотидан чалғитганлик учун тўланадиган суммалар;



МАЗКУР ҲОЛАТДА
ФУҚАРО А. ТЕМИР
ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ
ЁРДАМИДА
ТОШКЕНТ
ШАҲРИГА
КЕЛАДИГАН
БЎЛСА, ЧИПТА
УЧУН
300 000 СЎМГА
ЯҚИН, ТАКСИ
ХИЗМАТИДАН
ФОЙДАЛАНГАНИДА
ҲАМ ТАХМИНАН
ШУНЧА МАБЛАҒ
САРФЛАШИГА
ТЎҒРИ КЕЛАДИ.



- эксперталарга, таржимонларга, мутахассисларга улар сурштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тұланадиган ҳақ (ана шу вазифалар хизмат топшириғи тартибида бажарилған ҳоллар бундан мустасно);

- сурштирув, дастлабки тергов ёки суд мажлисими видеоконференцалоқадан фойдаланған ҳолда үтказиш өткізаңынан жинают ишини юритиша қилинған бошқа хараждатлар.

Қонунда белгиланишича, ушбу хараждатлар сурштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тұланиши лозим бўлади (ЖПК 318-модда).

Бироқ шу кунга қадар жинают ишларини юритиши билан боғлиқ юзага келадиган ушбу процессыал чиқымларни қоплашга оид қонунчилик тұлық ишламаётган эди. Бу эса, жинают процессиға жалб этилган жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар, холисларнинг мулкий ҳуқуқларининг тұлақонли таъминланишига салбий таъсир күрсатыб келаётган эди.

Далиллаш учун жинают ишларини юритишига масъул бўлган давлат органлариға юборилган сўровларга жавобан, 2020-2022 йилларда таржимонларга тұланған кам миқдордаги маблағни инобатга олмагандан, жабрланувчилар, гувоҳлар, эксперталар, мутахассислар ва холисларга процессыал чиқымлар тариқасида

маблағ тұланғани ҳақида маълумотлар мавжуд емаслиги аниқланған (Олий суд маълумоти).

Мазкур масалага оид хорижий тажрибаларга назар ташланғанда, барча ривожланған давлатларда процессыал чиқымларни тұлашга одил судловни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида алоҳида еътибор қаратылғани маълум бўлмоқда. Жумладан, Германия Федератив Республикасида жинают процесси иштироқчиларининг йўл хараждатлари, турар жой ижараси, суткалик хараждатлар ва ҳатто уларга ҳамроҳлик қилған шахсларнинг хараждатлари олдиндан, аванс тарзида тўлаб берилади. Яъни, ушбу шахсларга жамоат транспорти ёки иккинчи тоифадаги поезд чипталари тақдим этилади, алоҳида ҳолларда эса йўлкира ҳақи маҳаллий ҳоқимият идоралари томонидан олдиндан нақд пул шаклида тұлаб берилади. Францияда эса таржимонлар хизмати учун 250 та сўздан иборат ёзма таржима учун 25 еврогача, 1 соатлик оғзаки таржима учун 30 еврогача, агар ушбу хизматлар тунги вақтда ёки ҳафтанинг душанба ва шанба-якшанба қунлари кўрсатилса оширилған ставкаларда тұланади. АҚШда бўлса, сарфланадиган процессыал чиқымлар миқдори жинают туридан келиб чиқиб белгиланған ва ушбу маблағ полиция ходимиға олдиндан тұлаб берилади. Масалан, қотиллик жинаютини фош этиш учун 22 000-44 000 доллар, шунингдек, номусга тегиш ва жинсий эркинликка қарши бошқа жинают учун 600-1 300, босқинчилик учун 800-2 100, оғир тан жароҳати етказғанлик учун 200-600, ўғирлик



учун 300-600, автомашинани олиб қочиш ҳамда автомашинада содир этилган ўғрилик учун 200-400 долларгача маблағ ажратиласи.

Мамлакатимиз жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида ҳам 1992 йил 3 июнданги "Гувоҳлар, жабрланувчи, эксперт, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдори тўғрисида"ги қонун мавжуд бўлган. Лекин унда процессуал харажатларни тўлашнинг аниқ ва амалий механизmlари белгиланмаганлиги сабабли амалда ишлаш хусусиятига эга бўлмаган. Жумладан, унда кўрсатилган процессуал чиқимларнинг миқдори бугунги иқтисодий шароитга мувофиқ келмас эди. Бундан ташқари, сарф-харажатлар чақирувчи орган томонидан жиноят ишлари бўйича сметага мувофиқ маҳсус ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўланиши 63 августан бошлаб, мазкур қонун ўз кучини йўқотган деб топилиб, қонунчилик тизимидан чиқариб ташланди.

Жиноят-процессуал қонунчиликдаги ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида олиб борилган илмий изланишлар натижасида Вазирлар Маҳкамасининг "Гувоҳлар,

жабрланувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали regulation.gov.uzда лойиҳасида очиқ муҳокамага қўйилди.

Таъкидлаш ўринлики, ушбу лойиҳадажиноят ишларини юритишида юзага келадиган процессуал чиқимларни тўлашнинг аниқ ва ишчан механизmlари кўрсатиб берилган. Шунингдек, Молия вазирлиги зиммасига гувоҳлар, жабрланувчилар ёки уларнинг қонуний вакиллари, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни давлат бюджетида назарда тутиш вазифаси юклатилган. Энг муҳими, жиноят процесси иштирокчиларига тўланиши лозим бўлган процессуал чиқимларнинг миқдори бугунги иқтисодий шарт-шароит, тегишли хизматларни кўрсатиш нархларига мувофиқ қийматларда белгиланган. Биргина мисол, шахсада транспорт харажатларини тасдиқловчи

МАМЛАКАТИМИЗ
ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
ҚОНУНЧИЛИГИ
ТИЗИМИДА ҲАМ 1992 ЙИЛ
3 ИЮНДАГИ "ГУВОҲЛАР,
ЖАБРЛАНУВЧИ, ЭКСПЕРТ,
МУТАХАССИСЛАР,
ТАРЖИМОНЛАР ВА
ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН
ХАРАЖАТЛАРИНИ ТЎЛАШ
ТАРТИБИ ВА МИҚДОРИ
ТЎҒРИСИДАТИ ҚОНУН
МАВЖУД БЎЛГАН.

хужжатлар мавжуд бўлмаганда, босиб ўтилган йўлнинг ҳар бир километрига базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида ҳақ тўлаб бериш назарда тутилган. Бунинг учун интернет электрон хариталаридан фойдаланган ҳолда жиноят процесси иштирокчиси босиб ўтган йўл масофаси аниқланади. Масалан, фуқаро Хоразм вилоятидан такси ёрдамида Тошкент шаҳридаги процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун етиб келса ва ушбу транспорт харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаса унга қарийб 1 000 километрлик масофа учун 300 000 сўмгача йўл харажатлари тўлаб берилиши мумкин.

Яна шунингдек, лойиҳадаги бошқа бир қатор ижобий жиҳатларни эътироф этган ҳолда, мазкур норматив ҳуқуқий-хужжат келгусида суд-тергов амалиётидаги энг муҳим қарорлардан бири сифатида жиноят процесси иштирокчилари ҳамда унга кўмаклашувчи барча шахсларнинг мулкий ҳуқуқларини ишончли муҳофаза қилишга хизмат қилишини қайд этиш лозим.

Энг муҳими, ушбу қарорни амалга киритилиши натижасида одил судловнинг самарадорлигига эришилиб, шахс, давлат ва жамият манбаатларини янада ишончли муҳофазаси таъминланади ҳамда “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамоилини амалда татбиқ этиш сари дадил қадамлар ташланади.



ФУҚАРО ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАН ТАКСИ
ЁРДАМИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК
ЭТИШ УЧУН ЕТИБ КЕЛСА ВА УШБУ
ТРАНСПОРТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАСДИҚЛОВЧИ
ҲУЖЖАТЛАРИ МАВЖУД БЎЛМАСА УНГА
ҚАРИЙБ 1 000 КИЛОМЕТРЛИК МАСОФА УЧУН
300 000 СЎМГАЧА ЙЎЛ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎЛАБ
БЕРИЛИШИ МУМКИН.

ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2022 йил 16 ноябрдаги 07/14-14566-387-сон алоқа хати асосида тақдим этган маълумотномаси.;
2. Султонов А. А. Ишни судга қадар юритиш босқичида процессуал харажатларни тўлаш механизмини таомиллаштириш. Юрид. фан. б.ф.д-ри ... дис. – Т., 2020. – 189 6.;
3. “Verwaltungsvorschrift über die Gewährung von Reiseentschädigungen an mittellose Personen und Vorschusszahlungen für Reiseentschädigungen an Zeuginnen, Zeugen, Sachverständige, Dolmetscherinnen, Dolmetscher, Übersetzerinnen, Übersetzer, ehrenamtliche Richterinnen, ehrenamtliche Richter und Dritte” (VwV Reiseentschädigung)[1] Verwaltungsvorschrift d. Bundesministeriums der Justiz vom 11. September 2006 (RB6 - 5670 - R3 1062/2004);
4. Memoire de frais de justice. Des traducteurs interprètes en matière penale. Maj:14/03/2017https://communaute.chorus-pro.gouv.fr/wp-content/uploads/2018/02/AIFE-Chorus-Pro-Référentiel-traducteurs-interprètes-pénal.pdf (13.11.2022 й.)
5. https://victimsofcrime.org/about-us/our-work (12.11.2019 й.);
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори лойиҳаси. “Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни тўлаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”/ ID-73385https://regulation.gov.uz/uz/d/73385.



Саходулла ШОМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Хуқуқни мухофаза қилиш
академияси Дастилабки тергов
ва суринтирув кафедраси
киттати ўқитувчиси

Sakhodulla SHOMIRZAEV,
Senior Lecturer, Department
of Preliminary Investigation
and Inquiry, Law Enforcement
Academy of the Republic of
Uzbekistan

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

FEATURES OF
INVESTIGATION
OF RAPE



АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада гумон қилинувчини сўроқ қилишда эътибор берилиши лозим бўлган айрим жиҳатлари амалдаги қонунчиликка асосланган ҳолда ёритиб берилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: тергов ҳаракати, сўроқ қилиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, жиноят процесси, гумон қилинувчи, тезкор-қидирув тадбирлари, кўрсатувлар, тактик-психологик усуллар, низоли вазият, ашёвий далил, қўшимча сўроқ.

ANNOTATION. This article highlights some aspects that should be taken into account when interrogating a suspect, based on current legislation.

KEYWORDS: investigative action, interrogation, narcotic drugs, psychotropic substances, criminal procedure, suspect, rapid-search activities, testimony, tactical-psychological methods, conflict situation, physical evidence, additional interrogation.




M

аълумки, жиноят процессида амалга ошириладиган тергов ҳаракатларидан сўроқ қилиш тергов ҳаракати исботлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 10-12-боблари айни сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг қоидаларини назарда тутади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракати жиноят процесси иштирокчиси сифатида эътироф этиладиган гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан олиб борилади. Жиноятни фош этиш ва далилларни мустаҳкамлашда энг аҳамиятлиси гумон қилинувчини сўроқ қилиш ҳисобланади. Гумон қилинувчи кўрсатувларининг аҳамияти шундан иборатки, уларнинг ёрдамида унга нисбатан пайдо бўлган гумоннинг асослилиги ёки асослизлиги, шунингдек жиноят иши бўйича бошқа жиҳдий ҳолатлар ҳам аниқланади. Гумон қилинувчининг кўрсатувлари ўз мазмунига кўра қандай бўлишидан қатъий назар, ишдаги бошқа барча далиллар билан биргаликда ҳар томонлама ва синчковлик билан текширилиши ҳамда баҳоланиши лозим. Гумон қилинувчининг кўрсатувларини баҳолашда шуни назарда тутиш керакки, гумон қилинувчи айбланувчи сингари кўрсатувлар беришдан бош тортгани ва ёлғон кўрсатувлар бергани учун жавобгарликка тортилмайди[1].



Бу борада гумон қилинувчини сүроқ қилишга оид айрим тактик ҳолатларни келтириб ўтиш мумкин. Жумладан, бунда иккита катта йұналишда бир-биридан фарқли тактик ҳолатларға дуч келамиз. Биринчидан, сүроққа қадар гумон қилинувчи, унинг жиноий фаолияти ва алоқалари тұғрисида маълумотларни тұплаш мумкин бўлган тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилган бўлади. Иккинчи ҳолатда эса жиноят устида ушланган ҳамда жиноятчи шахс тұғрисида бирон-бир маълумот мавжуд бўлмаган ҳолатларда уни сүроқ қилиш лозим бўлади.

Биринчи ҳолатдаги асосий вазифа тезкор-қидириув тадбирлари натижасида олинган маълумотларни ўрганиш ва баҳолаш ҳамда ушбу маълумотлардан гумон қилинувчини сүроқ қилиш жараёнида фойдаланиш имкониятларини аниқлашдан иборат. Тезкор маълумотлар гумон қилинувчини жиноятдаги иштирокчилегини, ҳаракатларининг харakterини, жиноят содир этиш ашёсининг сақлаш жойини, бошқа иштирокчилар билан муносабатини очиб беради. Яъни гумон қилинувчи жиноят содир этишда ташкилотчи, далолатчи, ташувчи ёки таъминотчи каби вазифаларда ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур маълумотлар асосида гумон қилинувчини сүроқ қилишдан олдин унинг айбини исботлаш учун пухта режа ва аниқланган алоқаларнинг схемасини тузиш тавсия этилади. Ундан кейин эса сүроқ қилишни ўтказишга тегишли тактик усулни танласа бўлади.



Тезкор-қидириув маълумотлари олинган кўрсатувларни баҳолашга ва бевосита сүроқ вақтида уларни ҳаққонийлигини аниқлашга ёрдам беради. Тезкор-қидириув маълумотларининг ошкор бўлиш хавфи бўлган тақдирда терговчни сүроқ жараёнида улардан фойдаланмасдан, фақат жиноятга оид ҳолатлар бўйича ўзига йұналиш олиши учун танишириш мақсадга мувофиқ. Гумон қилинувчини сүроқ қилиш жараёнида тезкор маълумотлардан фойдаланишда тактик-психологик усуллар мажмусини оқилона қўллаш зарур, бу билан терговчи гўё маълумотларни гумон қилинувчининг шерикларидан олган ва ишнинг барча ҳолатларидан хабардор каби ўзини тутади, низоли вазиятни низосизга айлантиради.

Низосиз вазият шароитидаги сүроқ қилишда сүроқ қилинувчи унга нисбатан пайдо бўлган шубҳани тасдиқлайди, айланувчи эса ўзини айборд деб тан олади, асосий эътибор содир этилган жиноят бўйича барча ҳолатлар тұғрисида тұлық ва батафсил кўрсатувларни олишга қаратилади[2].

Иккинчи ҳолатда эса ушланган шахс, кўпинча, ашёвий далилни, масалан, наркотик моддани олиб келиш усули ҳақида ёлғон кўрсатувлар беради, ўзи ҳақидаги, шунингдек жиноий фаолият билан боғлиқ алоқаларини яширади. Шунинг учун ҳам сүроққа тайёргарлик чоғида терговчи гумон қилинувчи ушлашга оид ҳолатларни, ашёвий далилнинг унга алоқадорлигини солишириши ва таҳлил қилиши, энг истиқболли түмлларни илгари сурини, саволларни белгилаб олиши учун тезкор ходимлар томонидан ушланган шахс тұғрисида маълумотларни йиғиб берилиши керак. Бундай ҳолатларда гумон қилинувчи қандай позицияда бўлишига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. У нима деб кўрсатув беришидан қатъий назар, қуйидаги ҳолатлардан бири келиб чиқиши мумкин:

- Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятга алоқадорлигини тасдиқлайди. Бунда сүроқ қилиш ҳаракатини шундай ташкил этиш керакки, сүроқ қилинувчининг кўрсатувларидағи мужмалликларга аниқлик киритиш, гумон қилинувчининг жиноий иш доирасидаги алоқалари, жиноятнинг ташкилотчи ва бошқа иштирокчиларини аниқлаш асосий вазифа бўлсин.

- Гумон қилинувчи тергов қилинаётган жиноятга алоқадорлигини инкор этади. Бундай ҳолда



**Гумон қилинувчини сўроқ
қилиш жараёнида тезкор
маълумотлардан фойдаланишда
тактик-психологик усуллар
мажмуасини оқилона қўллаш
зарур, бу билан терговчи
гўё маълумотларни гумон
қилинувчининг шерикларидан
олган ва ишнинг барча
ҳолатларидан хабардор каби
ўзини тутади, низоли вазиятни
низосизга айлантиради.**

терговчи қўлидаги барча далиллардан ва турли тактик усуллардан фойдаланишига тўғри келади.

- Гумон қилинувчи кўрсатув беришдан бош тортади. Бунда терговчининг асосий вазифаси уни "ортга қайтариш", ўзидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда гумон қилинувчини кўрсатув беришга ишонтириши керак бўлади.

Агар бир иш бўйича бир неча гумон қилинувчини сўроқ қилиш лозим бўлган ҳолларда уларнинг сўроқ қилиниш навбатини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Бу терговчидаги гумон қилинувчилар ва уларнинг ўзаро алоқалари характерига тегишли муайян далилларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Сўроқ жараёнида шуни ҳисобга олиш керакки, жиноий гуруҳнинг алоҳида тенгсизлик шароитидан, айниқса, жиноий йўл билан топилган даромадларнинг тақсимотидаги "адолатсизлик" натижасидан гуруҳ ичida келиб чиқсан зиддиятлардан унумли фойдаланиш янги далилларнинг аниқланишига олиб келади. Лекин бир томондан, гумон қилинувчи "ҳамтовоқлари"нинг қасосини ўйлаб, ҳаққоний

кўрсатувларни бермайди, бошқа томондан эса биринчи бўлиб кўрсатув бермаганлиги учун муайян имтиёзлардан "қуруқ" қолишдан эҳтиёт бўлади. Бу ҳаққоний кўрсатувларни олишни ва улардан зарур шароитларда фойдаланишини мувофиқлаштириб беради. Шунинг учун ҳам биринчи бўлиб содир этилган жиноят тўғрисидаги муҳим ҳолатлар ҳақида хабар берувчи ҳаққоний кўрсатувлар бериши мумкин бўлган гумон қилинувчи сўроқ қилинади.

Гуруҳ аъзоларидан бирини фаол сўроқ қилиш вақтида гумон қилинувчининг ҳибсга олинишидан олдинги хулқ-автори ва хатти-ҳаракатлари тўғрисида батафсил аниқланиши керак, жумладан ушбу гумон қилинувчи шахс ушланган жойга қандай бориб қолди, қанча вақт у ерда бўлди, кимлар билан гаплашди каби ҳолатларга аниқлик киритиш лозим бўлади.

Саволларнинг тизимли берилиши сўроқ қилинувчидаги бошқа шахслар аллақачон барча кўрсатувларни бериб бўлган дея фикр ҳосил қиласди ва унинг ҳолат юзасидан ҳаққоний кўрсатувларни беришига туртки бериши мумкин.

Мисол учун, гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонунний айлануви билан боғлиқ жиноий





ишларда қўйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида гумон қилинувчилар сўроқ қилинади:

- Ушбу моддалар қаердан қаерга олиб борилмоқда?
- Қаердан, қачон ва кимга ушбу моддаларни етказиб берилиши керак эди?
- Ушбу моддалар қаерда тайёрланган? (тури, миқдори)
- Харидор ушбу моддалар учун қанча миқдорда пул тўлаган?
- Ушбу моддалар ва уларни тайёрлаш учун хом-ашёнинг келиб чиқиши манбалари ва каналлари қайсилар?
- Уни тайёрлаш учун қандай усуллардан фойдаланилган?
- Тайёрлаш, ташиб ва етказиб беришда кимлар қатнашган?
- Жиноий гуруҳнинг ташкилотчиси ким?
- Жиноий шериклари кимлардан иборат?
- Мазкур моддаларни сақлаш, яшириш жойлари, жиноий шериклар билан алоқа қилиш усуллари ва бошқалар.

Сўроқ вақтида гиёхвандлик воситаларини етказиб бериш манбасини уларни чакана сотиш жойи билан боғлайдиган бутун занжирни изига тушиш, шунингдек муайян бир ҳудуддаги гиёхвандлик воситалари бизнеси кўламини ўраб олиш муҳимdir. Гумон қилинувчи томонидан кўрсатилган шахсларга нисбатан тезкор-қидириув йўллар орқали текширув ўтказилади. Гумон қилинувчи берган кўрсатувларнинг далилий қиймати унинг ўз-ўзидан мавжуд бўлишида ва барқарор кетишида ҳамда жиноят ишининг турли босқичларида баёнлаштирилишида эмас, балки уни ташкил этган маълумотларда ва бу маълумотларни текшириш имконияти борлигидадир[3].

Сўроқ олдидан гумон қилинувчининг шахсиятини ўрганилиши, хусусан, унинг психик сифатлари, жиноий фаолияти, ҳаёт тарзи, ишда ўтаётган бошқа шахслар билан ўзаро муносабатларининг ўрганилиши сўроқнинг сифатли олиб борилишига катта ёрдам беради. Бунда ҳам тезкор йўллар билан гумон қилинувчининг шахси тўғрисида олинган маълумотлар, қариндошларининг, танишларининг, хизматдошларининг, гувоҳларнинг, иш бўйича бошқа иштирокчиларнинг унинг ҳақидаги кўрсатувлари, архивдаги бошқа ишлар бўйича маълумотлар, тавсифлар ва бошқалар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 98-моддасида ҳам сўроқ қилинувчининг шахсини аниқлаш келтирилган, унга кўра, суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (иили, ойи, куни)

ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулот тuri, маълумоти, оиласиб аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидағи маълумотлар билан солишириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим.

Агар гумон қилинувчи гиёхвандлик воситаси ёки психотроп модда

**СЎРОҚ ОЛДИДАН
ГУМОН ҚИЛИНУВЧИННИГ
ШАХСИЯТИНИ
ЎРГАНИЛИШИ, ХУСУСАН,
УНИНГ ПСИХИК
СИФАТЛАРИ, ЖИНОИЙ
ФАОЛИЯТИ, ҲАЁТ ТАРЗИ,
ИШДА ЎТАЁТГАН БОШҚА
ШАХСЛАР БИЛАН ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ЎРГАНИЛИШИ СўРОҚНИНГ
СИФАТЛИ ОЛИБ
БОРИЛИШИГА КАТТА ЁРДАМ
БЕРАДИ.**

таъсирида маст ҳолатда бўлса, сўроқ бошқа вақтга кўчирилиши, сухбат билан чекланиши ва врач-нарколог чақирилиши керак бўлади. Агар мана шу сухбат давомида бирон-бир маълумот олинган бўлса, уни текшириш ва келгусида фойдаланиш мақсадида тезкор ходимларга топшириқ берилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, гумон қилинувчининг кўрсатувлар бериши эвазига гиёхванд моддалар бериш ёки беришни ваъда қилиш мумкин эмас. Ҳибсга олинган гумон қилинувчининг жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларида иштирок этиши, шу жумладан, уни сўроқ қилиш учун ҳам унинг жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини аниқлаш аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт бўлади. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 173-моддасида белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонунчиликка кўра, сўроқ қилиш жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин. Шу боис, гумон қилинувчини сўроқ қилиш жараёнини доимо видеотасвирга олиниб, сақланиши ва ишга қўшиб қўйилиши тавсия этилади. Сўроқ жараёнини алоҳида ҳолларда мутахассис психологлар ва тезкор ходимлар билан бирга кўриб чиқиб, унда кузатилган гумон қилинувчининг хулқ-атворидан келиб чиқиб, зарур тезкор тадбирлар ўтказилиши ёки қўшимча сўроқ белгиланиши мумкин.



ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:

1. А.Х.Рахмонкулов, Д.М.Миразов. Даствабки тергов. Дарслик. Т-2012, 183-бет
2. www.grandars.ru/college/pravovedenie/dopros-podozrevaemogo.html
3. Б.Безлепкин. Краткое пособие для следователя и дознавателя. М., "Проспект", 2011 г. Стр. 45





Коррупция

БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

LEGAL DESCRIPTION OF THE LEGAL GROUNDS FOR CORRUPTION CRIMES



Иномжон ШАРИПОВ,
Судьялар Олий мактабининг
магистратура тингловчиси

Inomjon SHARIPOV,
Graduate student of the
supreme School of Judges

- **АННОТАЦИЯ.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган коррупцияга қарши ислоҳотларнинг бугунги ҳолати кўриб чиқилади, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ва криминологик жиҳатларининг ҳуқуқий хусусиятлари бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикри асосида илмий таҳлил ўтказилди. Муаллиф таҳлиллар асосида коррупция жиноятларининг жиноий-ҳуқуқий хусусиятларини такомиллаштиришга қаратилган тегишли хуносалар чиқаради.
- **КАЛИТ СҮЗЛАР:** коррупция, коррупция билан боғлиқ жиноятлар, ҳуқуқий асослар, коррупцияга қарши курашиш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдар, инсон ҳуқуқлари, жиноят кодекси, қонун.
- **ANNOTATION.** The article discusses the current state of the ongoing anti-corruption reform in the Republic of Uzbekistan, carried out a scientific analysis with the opinion of domestic and foreign scientists on the legal characteristics of the legal grounds and criminological aspects of the fight against corruption crimes of judicial and law enforcement agencies. The author, on the basis of the analysis, draws the appropriate conclusions aimed at improving the criminal law characteristics of corruption crimes.
- **KEYWORDS:** corruption, corruption crimes, legal grounds, anti-corruption, judicial authorities, law enforcement agencies, human rights, criminal code, law.

Мамлакатимизда
фуқаролар
осоишишталиги,
инсон ҳуқуқ ва
эркинликларини
таъминлаш ҳамда жаҳон
молиявий-иктисодий
инқизозини бартараф
этишга қаратилган
чоралар амалга
оширилаётган бир
вактда коррупция ва
уюшган жиноятчиликка
қарши курашиб
масаласи долзарблик
касб этади.



датда, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг салбий ижтимоий ходиса сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга реал хавф түғдиради, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклади. Бундан ташқари, коррупция билан боғлиқ жиноятлар мамлакатимизнинг иктисодий салоҳиятига моддий зарар етказади, уни издан чиқаради ва иктисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қиласди, шунингдек ҳўжалик фаолиятини тўғри ташкил этиш меъёрини бузиб юборади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига жиддий путур етказади, фуқароларнинг ижтимоий адолат ҳамда давлат органларига бўлган ишончини йўқотади. Шунинг учун ҳам шиддат билан ўзгараптган замонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият дея тан олган ҳар бир давлат жиноятчиликнинг барча кўринишларига, хусусан коррупцияга қарши давлат сиёсати даражасида муросасиз кураш олиб бормоқда.

Мамлакатимизда истиқололнинг ilk кунларидан бошлаб, коррупцияга қарши курашиб борасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида бугунга келиб коррупцияга қарши курашиб ва унинг олдини олишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси ва аниқ тизими шаклланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг 3 Январь куни «Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани ушбу йўналишда муҳим қадам бўлди. Унда коррупция илдизларига барҳам бериш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиб тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги нормалар, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштироқини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармонига мувофиқ мўлжалланган коррупцияга қарши курашиб бўйича давлат дастурларнинг қабул қилинганилиги шаклланган ҳуқуқий базани амалга оширишнинг самарали механизмини белгилаб берди. Шундай экан, коррупция жиноятларига қарши кураш самарадорлигини ошириш учун шу соҳадаги жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш ва уларни суд ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қўлланилишига қаратилган чора-тадбирлар комплексини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурати вужудга келади.



A

Айни пайтда, барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар қаторида коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш Ўзбекистон Республикаси давлат органлари фаолияти ва давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, республикамизда коррупциянинг олдини олишга йўналтирилган, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ҳар кимнинг ахборотни эркин олиш ва тарқатишга доир конституциявий хуқуқларини амалга ошириш, мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин бўлган мансаб суиистеъмолликларини бартараф этишга қаратилган бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, «Судлар тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни ва бошқа нормалар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-

сонли «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупцияни олдини олиш самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги тарихий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Мазкур фармон билан суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар режаси тасдиқланди.

«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (2000 йил 15 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining 2003 йил 30 августдаги 536-II-сонли қарори ва «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги 2008 йил 7 июль қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қарор ва қонун Ўзбекистоннинг тизимили равишда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш олиб бораётганилиги ҳамда унга қарши кураш самарадорлигини мунтазам равишда ошириб бориш чоратадбирларини белгилаб бераётганидан далолат беради[1].



РЕСПУБЛИКАМИЗДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАР КИМНИНГ АХБОРОТНИ ЭРКИН ОЛИШ ВА ТАРҶАТИШГА ДОИР КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН МАНСАБ СУИИСТЕЪМОЛЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН БИР ҚАТОР НОРМАТИВ-ХУҚУКИЙ ҲУЖЖАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.



Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида бир шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши ёки жиноий фаолият юритиши қонунда айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилган. Ҳақиқатан ҳам ушбу кўрсаткич шахснинг ижтимоий хавфлилигидан далолат беради. Шу боис жиноий фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахс содир этса, жиноятларнинг ҳамда гурухнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлади. Айтиш керакки, жиноят қонуни уюшган гурух ёки жиноий уюшма томонидан содир этилган жиноятларни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳамда бир қатор коррупция жиноятлари учун жавобгарлик белгилайди (масалан, ЖК 167-м. 2-қ. «», банди, 205–206, 210-м. ва бошқ.). Аммо, афсуски, бугунги кунда жиноят қонунчилигига коррупция билан боғлиқ жиноятларга таъриф ишлаб чиқилмаган, юридик адабиётларда эса турли тушунчалар баён қилинган.

Жиноий фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахс содир этса, жиноятларнинг ҳамда гурухнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлади.



Коррупция – сиёsat ёки давлат бошкаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ходиса, давлат функцияларини бажариш ваколатларига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноконуний тарзда мoddий ва бошка бойликлар, имтиёзлар олишда ўз макоми ва у билан боғлиқ имко-нийатлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар конунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришdir[3]. Криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан эса коррупция –уюшган жиноятчиликнинг бир тури. А.В.Куликовинг ёзишича, мазкур

у нуқтаи назардан, коррупция билан боғлиқ жиноятларни таҳлил қилиш аввалида «коррупция» сўзининг маъносини англаш муҳимдир. «Коррупция» лотинча «corruptio» сўзидан олинган бўлиб, «айниш», «порага сотилиш» деган маъноларни англатади. Юқорида таъкидлаганимиздек, «коррупция» иборасига мавжуд халқаро ҳужжатлар ҳамда юридик адабиётларда турли изоҳлар берилган. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 34/169-сонли резолюцияси билан 1979 йил 17 декабря тасдиқланган «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодекси»нинг 7-моддаси «б» бандида таъкидланишича, коррупция деганда «... мансабдор шахснинг ҳар қандай шаклдаги мукофот эвазига ўз мансаб ваколатлари доирасида мазкур мукофотни берувчи шахс манфаатларини кўзлаб, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги»[2], тушунилади.

Баён этилгандан шу нарса аниқландики, коррупция – сиёsat ёки давлат бошкаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ходиса, давлат функцияларини бажариш ваколатларига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноконуний тарзда мoddий ва бошка бойликлар, имтиёзлар олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон беришdir[3]. Криминологик ҳамда жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан эса коррупция –уюшган жиноятчиликнинг бир тури. А.В.Куликовинг ёзишича, мазкур



жиноятни содир этиш мақсадлари остида нафақат моддий бойлик орттириш, балки ҳокимиятга интилиш манфаатлари ҳам ётади. Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмий хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гурух, корпоратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса[4] ҳисобланади.

И. А. Соттиев ва С. И. Ҳамроев «коррупция» сўзи, одатда, мансабдор шахс ёки хизматчининг бошқа манфаатдор шахслар (жиноятчилар) билан келишиб, эгаллаб турган лавозими билан боғлиқ қандайдир ҳаракатларни содир этиши ёки ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши эвазига иккинчи томондан уларга моддий йўсиндаги манфаатларни беришини англатади[5], деб қайд этади.

Бугунги кунда мазкур мавзуга бағишиланган бир қатор ишлар мавжудлигига қарамасдан «коррупция жиноятлари» тушунчаси ҳақида ягона

КОРРУПЦИЯ

ЖИНОЯТЛАРИ ДЕГАНДА,
МАНСАБДОР ШАХС,
ДАВЛАТ ЁКИ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШКАРИШ ОРГАНИНИНГ
ХИЗМАТЧИЛАРИ,
ТИЖОРАТ ЁКИ БОШҚА
ТАШКИЛОТЛАРДА
БОШКАРУВ
ФУНКЦИЯЛАРИНИ
БАЖАРАЁТГАН
ШАХСЛАРНИНГ
ҒАРАЗГЎЙЛИК ЁКИ
БОШҚА ШАХСИЙ
МАНФААТЛАРНИ КЎЗЛАБ
ЎЗ ХИЗМАТ МАВҶЕДИАН
ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА
СОДИР ЭТАДИГАН
ЖИНОЯТЛАРИ
ТУШУНИЛАДИ

тўхтамга келинмаган[6]. Чунончи, С. Ақылбеков «коррупция жиноятлари – моддий манбаат олиш мақсадида мансаб мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда давлат функцияларини бажариш вазифаси юклатилган ёки ҳар қандай мансабдор шахс ёхуд ҳокимият ваколатларини бажариш мажбуриятига эга лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг жиноий жазоланадиган, қасдан қилган қилмишлари, шунингдек қонунга хилоф манфаатларга эга бўлиш учун ушбу шахсларни сотиб олиш»[7], деб таъриф берса, Л. А. Букалерова ва М. Н. Копыловлар «коррупция жиноятлари деганда, мансабдор шахс, давлат ёки ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчилари, тижорат ёки бошқа ташкилотларда бошқарув функцияларини бажараётган шахсларнинг ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятлари тушунилади»[8], деб таъқидлайди. Шу муаммо билан шуғулланган И. А. Мамедов эса, «коррупция жиноятлари деганда, ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, тижорат ёки нотижорат ташкилотларининг қонуний ҳукуқ ва манфаатларига зарар етказишга қаратилган, жиноят қонунида тақиқланган қасдан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади»[9], деб таъриф беради. А.А. Матчанов, коррупция билан боғлиқ жиноятлар деганда, давлат органларида хизмат қиладиган ва лавозим мавқеига кўра ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар[10]ни тушунади.





Шундан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, коррупция билан боғлиқ жиноятлар деганда, Жиноят кодексида назарда тутилган ҳокимият бошқарув органларининг обрусига бевосита тажовуз қиласидиган, мансабдор шахслар ёки хизматчилар томонидан қасдан содир этиладиган, қонунга хилоф равиша бойлик ёки бошқа манфаатларни орттиришга ёхуд бундай манфаатларни тақдим этишга қаратилган ижтимоий ҳавфли қилмишларни тушуниш мумкин. Шу боис, коррупция жиноятларининг субъектлари жиноят қонунида жавобгарликка тортиш ёшига тўлган мансабдор ёки масъул мансабдор шахслар, шунингдек, давлат органи, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса ёки ташкилотнинг, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахси бўлмаган хизматчилари ҳамда уларни ҳақ эвазига оғдирган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.



КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ЖИНОЯТ ҚОНУНИДА ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ЁШИГА ТЎЛГАН МАНСАБДОР ЁКИ МАСЪУЛ МАНСАБДОР ШАХСЛАР, ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТ ОРГАНИ, МУЛК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, КОРХОНА, МУАССАСА ЁКИ ТАШКИЛОТНИНГ, ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИНИНГ МАНСАБДОР ШАХСИ БўЛМАГАН ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАҚ ЭВАЗИГА ОҒДИРГАН ҲАР ҚАНДАЙ ШАХС БўЛИШИ МУМКИН.

Хуласа ўрнида айтиш мумкинки, коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш чораларини такомиллаштириш учун, аввало, қўйидагиларни ижобий ҳал этиш лозим:

1) мунтазам равища мамлакатда коррупция билан боғлиқ жиноятларининг реал ҳолатини таҳлил қилиш ва унга умумий тарзда баҳо бериш керак;

2) қонунчиликда муайян шахсга нисбатан юритилаётган жиноят иши коррупция билан боғлиқ жиноятлар билан боғлиқ бўлса, турли тоифдаги мансабдор шахсларга қонун асосида берилган «дахлсизлик» ҳуқуқини инкор қилувчи нормалар ишлаб чиқилиши керак;

3) қонунчиликда коррупция билан боғлиқ жиноятларни фош этишга оид хулқ-атворини рағбатлантириш механизмини яратиш керак, чунки коррупцияга қарши нафақат суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки бутун жамият аъзолари курашиши зарур;

4) қонунчиликда «коррупция билан боғлиқ жиноятлар» иборасига таъриф бериб, ушбу жиноят турларини ажратиб бериш бундай иллатга қарши курашнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишга имкон яратади. Жумладан, республикамиз жиноят қонунчилигидаги коррупция жиноятлари белгиларига эга бўлган жиноятларга қўйидагиларни киритиш мумкин: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиласидиган коррупция жиноятлари (ЖК 144 м. 2-қ., 146-м.); иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қиласидиган коррупция жиноятлари (ЖК 167-м. 2-қ. «г» банди, 175-м., 177-м., 184-м., 184¹-м. 2-қ., 186¹-м. 4-қ., 186²-м. 2-қ. «г» банди, 186³-м. 2-қ. «г» банди); ҳокимият бошқарув соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қиласидиган коррупция жиноятлари (ЖК 193-м., 205–206¹-м., 208–209-м., 210–214-м., 301-м.); 146-м.);



одил судлов соҳасидаги ижтимоий муносабатларга тажовуз қиласиган коррупция жиноятлари (ЖК 230–231-м., 241¹-м.); жамоат хавсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қиласиган коррупция жиноятлари (ЖК 242–243-м., 247-м. 2-қ. «г» банди, 250-м. 2-қ. «г» банди, 271-м. 2-қ. «д» 6.).

Хозирги кунда коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётган уюшган жиноий тузилмалар, айниқса унинг халқаро алоқаларга эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда фаолият кўрсатаётган тузилмалари Ўзбекистоннинг миллӣ хавфсизлигига тажовуз қилувчи энг хавфли ва жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари билан узвий бўлган ниҳоятда хавфли ва мураккаб ҳодисалардир[11].

Шуни ҳам унутмаслик керакки, тамагирлик, тўрачилик, порахурлик, кибржиноятчилик, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Ўз вақтида коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг олди олинмаса, бу ёвуз иллат бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. У, энг аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб ишдан чиқаради. Унинг иймонини, охиратини хонавайрон қиласиди. Сўнгра, бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади.

Шу боис коррупция билан боғлиқ жиноятларга қарши курашда илмий-амалий ёндашувга асосланиш, бу соҳадаги муаммоларни илмий тадқиқ этиш, коррупция билан боғлиқ жиноятларни самалари олдини олиш, профилактикасида муҳим ўрин тутувчи аҳолининг, айниқса ёшларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириб бориш бугунги кунда муҳим аҳамият қасб этади.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Мелиев Х. Обзор мер по борьбе с коррупцией в законодательной и правоприменительной практике Республики Узбекистан. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2012. – № 1. – Б. 27.
2. http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/code_of_conduct.shtml.
3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А. Муҳиддинов, масъул муҳаррир Н.Тойчиев. – Т., 2010. – Б. 264.
4. Куликов А. В. Понятие, сущность и меры противодействия коррупции // Вестник Калининградского Юридического института МВД России. – 2012. – № 2. – С. 13.
5. Соттиев И. А. , Ҳамраев С. И. Коррупция билан боғлиқ жиноятларни ҳуқуқий баҳолаш: Ўқув-амалий қўлланма. – Т., 2008. – Б. 20–21.
6. Бодров Н. Ф. Использование специальных знаний при расследовании взяточничества и других проявлений коррупции в сфере образования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2013. – 24 с.; Жиганова А. А. Международно-правовое сотрудничество государств по борьбе с коррупцией: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2013. – 30 с.; Иманов И. А. Прокурорский надзор за исполнением законов о противодействии коррупции в Республике Казахстан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2017. – 24 с.ва бошқ.
7. Ақылбеков С. Некоторые уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Предупреждение преступности. – 2005. – № 4. – С. 22.
8. Букалерова Л.А., Копылов М.Н. К вопросу о понятии «коррупционные преступления» // Общество и право. – 2012. – № 1. – С. 108.
9. Мамедов И.А. Уголовно-правовые средства противодействия коррупции. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Рязань, 2011. – С. 22.
10. Матчанов А.А. Особенности выявления коррупционных преступлений, совершаемых сотрудниками правоохранительных органов//Фаннинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами/фалсафа фанлар доктори, профессор Ш.О. Мамадалиев. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – Б.30.
11. Матчанов А.А. Международное сотрудничество в борьбе с коррупционными преступлениями. Монография – Т: Академия МВД Республики Узбекистан, 2015. – 148 с.; Қобилов Ш.Р. Ички ишлар органларида коррупциянинг олдини олиш ва ходимларда коррупцияга қарши хулқатворни шакллантириш: Дарслик/ Масъул муҳаррир Қ.Р. Абдурасурова. – Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – 352 б.



ЦИФРОВИЗАЦИЯ

ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ – ПУТЬ К УЛУЧШЕНИЮ КАЧЕСТВА РАССЛЕДОВАНИЙ

DIGITALIZATION OF THE PRELIMINARY INVESTIGATION – A WAY TO IMPROVE THE QUALITY OF INVESTIGATIONS



Адхамжон
АБДУЛЛАЕВ,
Старший
следователь
Следственного
департамента
при МВД
Республики
Узбекистан


**Adkhamjon
ABDULLAEV,**
Senior
Investigator of
the Investigation
Department
under the
Ministry of
Internal Affairs

АННОТАЦИЯ. Внедрение информационных технологий в предварительное следствие и переход к электронному судопроизводству позволяет обеспечить прозрачность уголовного процесса, за счет доступа к уголовному делу в режиме онлайн, экономить финансовые средства и время, искоренить фальсификации материалов, усилить ведомственный контроль и прокурорский надзор. Автор, анализируя проблемы в деятельности следственных органов предлагает поэтапно полностью цифровизировать процесс предварительного следствия и судебного процесса в целом.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА: Цифровизация досудебного процесса, электронный документооборот в предварительном следствии, внедрение информационных технологий в уголовный процесс, онлайн ведомственный контроль.

ANNOTATION. The introduction of information technology in the preliminary investigation and the transition to electronic legal proceedings allows for the transparency of the criminal process, due to access to the criminal case online, save financial resources and time, eradicate falsification of materials, strengthen departmental control and prosecutorial oversight. The author, analyzing the problems in the activities of the investigating authorities, proposes to gradually digitalize the process of preliminary investigation and the trial as a whole.

KEYWORDS: Digitalization of the pre-trial process, electronic document management in the preliminary investigation, the introduction of information technologies in the criminal process, online departmental control.



Сегодня информационные технологии задействованы везде: в промышленности, в спорте, в транспорте, науке, образовании, социальных структурах, государственном управлении, экономике и культуре. Развитие и повсеместное распространение общедоступных средств коммуникации и цифровых технологий, обработка и передача информации, прочно именуется как четвертая промышленная революция (англ. The Fourth Industrial Revolution). Повсеместное внедрение информационных технологий не только стремительно изменяет общество, упрощая процессы жизни людей, но и требует от государства своевременного реагирования на потребности общества в информатизации.

Одним из сфер деятельности, менее подверженных влиянию информационных технологий, а также цифровизации можно отнести систему предварительного следствия, как и уголовного судопроизводства в целом. Консервативности данного вида направления можно найти несколько оправданий, например, большую социальную и гуманитарную значимость решаемых задач, следственную тайну, неподготовленность и низкую техническую оснащенность правоохранительных органов, отсутствие правовой базы и др.

Процессуальная деятельность органов, осуществляющая доследственную проверку, дознавателя, следователя, суда, а также осуществляемый надзор прокурора в рамках любого этапа характеризуется необходимостью строгого соблюдения установленной процедуры, наличием многочисленных гарантий прав и свобод участников, предоставлением надзорных и контрольных полномочий определенным субъектам.

Потребность в введении новых информационных технологий в досудебный процесс расследования есть и остается одним из современных задач ожидающую свой час в национальном законодательстве Республики Узбекистан.

Мы предполагаем, что использование информационных технологий в ходе рассматриваемой деятельности позволит надежно обеспечить соблюдение различных процедурных требований, сделать процесс более доступным и объективным. В научной литературе справедливо отмечается, что дальнейшее совершенствование уголовно-процессуального законодательства возможно за счет приведения его в соответствие с уровнем технического развития общества [1].



Все стадии уголовного судопроизводства нуждаются в использовании современных технологий, которые бы обеспечивали защищённость информации по уголовным делам, а также создавали безопасное информационное пространство для обеспечения разумных сроков уголовного судопроизводства. Использование информационных технологий в уголовном судопроизводстве осуществляется по двум основным векторам, это ведение электронного уголовного дела и применения ряда автоматизированных систем.

Несмотря на то, что в юридической литературе определено понятие «электронного уголовного дела» [2], в уголовно-процессуальном законодательстве отсутствует закрепление такой категории. В связи с этим возникает ряд проблем перевода процессуальной документации в бездокументарную форму и способы его осуществления. В первую очередь это касается протоколов следственных и судебных действий. И если с протоколом судебного заседания особых проблем не возникает, с протоколом следственных действий всё намного сложнее. В соответствие с ч. 4 ст. 92 УПК Республики Узбекистан, протокол лица, ознакомленные с протоколом следственного действия, ставят свои подписи под каждой страницей протокола и в конце его [3]. Следовательно, если вести протокол следственных действий в бездокументарной форме, то участник данного процессуального мероприятия должен иметь электронную подпись, что не всегда является возможным.

Прогрессивным в этом направлении представляется опыт Республики Казахстан, где закреплены нормы, допускающие ведение производства по уголовному делу, как в бумажном, так и в электронном форматах. В каком именно формате осуществлять уголовное судопроизводство, определяет лицо, ведущее уголовный процесс, по своему усмотрению. О принятом решении выносится мотивированное постановление. Если

отсутствует возможность дальнейшего ведения уголовного судопроизводства в электронном формате, то осуществляется переход на бумажный вариант [4].

Кроме этого, при изучении опыта России, Белоруссии, Украины и некоторых других стран СНГ были сделаны выводы, что в направлении цифровизации имеется серьёзные шаги по сокращению сроков расследования преступлений и внедрению новейших коммуникативно-информационных технологий в процесс расследования преступлений и рассмотрении уголовных дел. Так, в Армении для максимального внедрения информационных технологий в следственную деятельность уже к середине 2017 г. были реализованы два современных проекта: система электронного следствия и система оцифровки уголовных дел [5].

Сущность системы электронного следствия состоит во внедрении автоматизированного механизма непосредственного контроля за следствием в целях предотвращения нарушений прав человека, внедрении автоматизированных систем напоминания об истечении процессуальных сроков в целях предотвращения и нарушений и обеспечения разумных сроков следствия, разработке и унификации форм процессуальных постановлений и протоколов следственных действий, использовании поисковых систем, аккумулирующих ключевую информацию, отраженную в постановлениях о привлечении лиц в качестве обвиняемого и в иных документах, ведении статистического учета следственных и иных действий.

В теории уголовного процесса уже неоднократно высказывались предложения о переводе материалов уголовных дел в электронный формат, о целесообразности фиксации результатов следственных и иных процессуальных действий при помощи электронных средств [6].

“

В связи с этим возникает ряд проблем перевода процессуальной документации в бездокументарную форму и способы его осуществления. В первую очередь это касается протоколов следственных и судебных действий.





Авторы подчеркивают, что электронная форма может помочь уберечь материалы уголовного дела от умышленного уничтожения или повреждения [7]. Поэтому переход на электронную форму приведет к сокращению документооборота и обеспечит сохранность не только отдельных материалов, но и целых уголовных дел. Кроме того, это может улучшить качество расследования, поскольку облегчен доступ участников уголовного судопроизводства к материалам уголовного дела, а также упрощена процедура ведомственного контроля и прокурорского надзора. Таким образом, для того чтобы отечественная судебно-следственная практика обрела электронное уголовное дело необходимо законодательно закрепить и детально регламентировать фиксацию проведения любого процессуального действия в электронном формате (включая поступление заявления о преступлении, производство следственных действий), а также активно внедрять использование электронной подписи или в качестве альтернативы фиксировать протоколы посредством отпечатков пальцев.

Внедрение «электронного уголовного дела» в досудебное судопроизводство направлено на упрощение процедуры созиания доказательств и составления процессуальных документов. Одним из положительных моментов в сторону цифровизации расследования уголовных дел было введение по предложению Генеральной прокуратуры, Верховного суда и Министерства внутренних дел Республики Узбекистан в 2018 году pilotного проекта «Электронное уголовное дело» в Яккасарайском и Мирабадском районах города Ташкента [8] заключающиеся в вводе необходимых данных в программное обеспечение следователями, автоматизация ведения статистики по уголовным делам и внедрение электронного информирования.



Внедрение «электронного уголовного дела» в досудебное судопроизводство направлено на упрощение процедуры созиания доказательств и составления процессуальных документов.



Среди других новшеств пилотного режима было создание единых электронных форм уголовно-процессуальных документов при производстве дознания, упрощение порядка производства процессуальных действий, в том числе путем получения санкций в электронном виде, введение единой следственной практики, а также исключение излишних звеньев в ходе электронного производства. По итогам эксплуатации пилотного режима «Электронного уголовного дела» было принято решение в отсрочке цифровизации процесса расследования уголовных дела ввиду отсутствия готовности государственных структур в электронном документообороте и затратном техническом оснащении правоохранительных органов.

Новым этапом технического прогресса в системе следственных органов Республики Узбекистан стало внедрении Единой информационной системы «Электронное дознание и предварительное следствие» предусматривающий оперативный обмен информацией между государственными органами и организациями для обеспечения оперативного получения данных, необходимых для рассмотрения заявлений, сообщений и других сведений о преступлениях через специальный канал связи (VPN) на стадии досудебного производства, а также для производства дознания и предварительного следствия по уголовному делу.

Сегодня благодаря данной системе дознаватели и следователи правоохранительных органов в стране осуществляют электронный документооборот более чем с 30 министерствами и ведомствами, а благодаря интеграции 60 информационных баз данных организаций, следователи могут осуществлять сбор данных необходимых при расследовании преступлений в режиме реального времени. Кроме этого в рамках Единой следственной информационной системы дознаватели и следователи налагают арест на имущество подозреваемого, обвиняемого лица в целях принятия мер по возмещению материального ущерба, причиненного вследствие преступных действий, и повышения его эффективности, а также применения установленных актами законодательства ограничительных мер в отношении разыскиваемых обвиняемых.

Вышеприведенный анализ показывает, что в настоящее время имеются все предпосылки для начала внедрения электронных уголовных дел в деятельность органов расследования преступлений.

Применив некоторые правовые и организационные меры, уже в ближайшей перспективе можно будет использовать электронное уголовное дело на разных этапах расследования в целях осуществления действенного контроля за качеством и законностью его проведения, сокращения сроков получения различных согласований с руководителями следственных подразделений, прокурорами, судами, а также проведения экспертиз, что в конечном счете положительно влияет на сроки расследования. В связи с этим предлагается на базе системы «Электронное дознание и предварительное следствие» расширить его возможности, внедрить проведения различных следственных действий посредством данной системы, создав плацдарм для последующего расширения его возможностей и полностью реализовать переход к электронному уголовному делу.



ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/ REFERENCES:

1. Резолюция Байкальского юридического форума / подгот. А.П. Суходоловым, Т.Л. Музичук, А.А. Протасевичем, И.Г.Смирновой,
2. Соколов Ю.Н. Допустимость рассмотрения материалов уголовного дела в электронной форме // Информационное право. 2017. № 1. С. 29.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан от 22.09.1994. <https://lex.uz/docs/11463>
4. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-В. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852#pos=1182;-54.
5. Саргсян, Г. М. Об использовании компьютерных технологий в деятельности Следственного комитета Республики Армения / Г. М. Саргсян // Предвар. расследование. — 2017. — № 2. — С. 73–75.
6. Зуев С.В., Никитин Е.В. Информационные технологии в решении уголовно-процессуальных проблем. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://Всероссийский криминологический журнал. Т. 11. 2017. № 3, С. 587–595>.
7. Цоколова О.И., Безруков С.С., Куприянов Е.И. Актуальные проблемы восстановления утраченных уголовных дел // Российская юстиция. 2018. № 5. С. 59 - 61
8. Постановление Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного и уголовно-процессуального законодательства» от 14.05.2018 г. № ПП-3723.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЧИМЧИ ДЕННЕСАН

ДАВРИЦА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИЙНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада давлат ва ҳуқуқ тушунчаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг келиб чиқишига оид назариялар, ҳуқуқни билиш, уни идрок этиш, ҳуқуқнинг самарадорлиги, ҳозирги замон шароитида ҳуқуқнинг самарадорлигини ўрганиш услублари, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида сўз боради.

КАЛИТ СҮЗЛАР: давлат, ҳуқуқ, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий нигилизм, Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлашда ҳуқуқий онгнинг ўрни.

ANNOTATION. This article talks about the essence of the concepts of state and law, theories of their origin, knowledge of law, its perception, the effectiveness of law, methods of studying the effectiveness of law in modern conditions, the relationship between legal consciousness, legal culture and legal education.

KEYWORDS: State, law, legal consciousness, legal education, legal nihilism, promotion of legal culture in New Uzbekistan, the role of legal consciousness in ensuring legality.

**SOCIO-PHILOSOPHICAL FEATURES
OF THE DEVELOPMENT OF LEGAL
CULTURE OF YOUNG PEOPLE
DURING THE THIRD RENAISSANCE
IN NEW UZBEKISTAN**



УМИДЖОН САЛИЕВ,

Андижон вилояти, Шахрихон тумани ИИБ
хузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи
Ibrokhimov Jamshid Abdugofur ogli
Doctor of Philosophy in Law (PhD)
Jama_tilla@mail.ru

Ж

Мамлакатимизда сўнгги
йилларда ўтказилган
ҳуқуқий ислоҳотлар,
ҳуқуқий-демократик
давлат, фуқаролик
жамияти барпо
этиш йўлида амалга
оширилаётган ишлар
моҳиятини аҳоли, айниқса
ёшларга етказиш бугунги
кун талабидир. Бу эса, ўз
навбатида таълим-тарбия,
айниқса ҳуқуқий тарбияни
замонавий услублар
асосида йўлга қўйишни
тақозо этади.

Адолат ва ҳақиқат ҳар
бир жамиятда ҳукм
сурини лозим бўлган
эзгу орзудир. Ана шу
орзу давлатимизнинг
бош Қомуси –
Конституция ҳамда
бошқа қабул қилинаётган
қонун ва қонуности
хужжатларининг назарий,
амалий асосини ташкил
қиласи.



Президентимизнинг

“Биз қанчалик мукаммал қонунлар яратмайлик, қандай ислоҳотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий билими, онги ва маданияти етарли бўлмаса, кутилган натижаларга эришиш мушкул”, “Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак”, деб айтган фикр-мулоҳазалари, мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг шахс, жамият ва давлат ривожи учун нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.


Ҳуқуқ унинг ижтимоий моҳияти, жамият, давлат ва ахлоқ каби тушунчаларнинг кенг жамоатчиликка сингдиришнинг асосий мақсади, уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва шу асосда ҳуқуқий тарбияга эришишдан иборатdir. Айниқса буни эртанги кунимизни ҳал қилувчи ёшларимиз қалбига жо этиш, уларда ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатни янада шакллантириш бугунги даврнинг ўзи тақазо этиб турибди. Ҳозирги шиддатли замонда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга барча жамият аъзоларининг бурчи эканлиги жаҳондаги глобаллашув жараёнида ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони^[1] кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий саводхонлик даражаси юксалишида амалий аҳамият касб этади. Мазкур Фармонда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишга тўскىнлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликларни таъкидлаб ўтдилар.

Жумладан, “ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган;

- ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллый қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини ўйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади;

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўскىнлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.





- ахолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади;

- ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини ахоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда”.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, ахолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айrim давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган”.

Зотан, мазкур тадқиқотда жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги ўзига хослик фармон ва концепцияда белгиланган вазифалар қаторида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш: “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилишига мантиқан уйғун [2].

Ушбу тадқиқот иши ҳуқуқ, унинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, давлат, жамият ва ахлоқ каби тушунчаларнинг ҳуқуқ билан алоқадорлигини ёритиш билан бирга, жамиятнинг барча аъзоларига унинг асл моҳиятини, тарихий илдизларини тушунтириш орқали ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга эришиш, жиноятчиликни олдини олиш ва ёшларни ҳуқуқий тарбиялашга эришишdir.

Ана шу жиҳатдан, шахс ҳуқуқий маданияти бу энг аввало, қонунларга риоя этиш ва уларни сўзсиз бажариш, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилишdir. Шахс ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қарор топиши ва ҳуқуқий тизимининг юксалишини англатади. Мамлакатимизнинг тараққиёти ва ислоҳотларнинг муваффақияти айнан, шахс ҳуқуқий юксаклигига боғлиқ. Шахснинг ҳуқуқий маданияти унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга хайриҳоҳлиги, белгиланган мақсадларга тезроқ эришишининг муҳим шарти ҳисобланади. Шахс ҳуқуқий маданияти ҳуқуқни ҳурмат қилишни, ҳуқуқдан керак даражада хабардорликни назарда тутади. Бундай тоифадаги шахс:

- юридик нормаларни муайян даражада билиши;
- муайян ҳуқуқий онгга эга бўлиши;



**Оила – шахс
камолотини
белгиловчи
асосий ижти-
мой инсти-
тут саналади.**

Жамият ва оиласда юз берадиган ҳодисалар бир-бiri билан мантиқан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимларга эга бўлган ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган оила жамиятнинг асоси саналади. Шу боис, оила нафақат фарзандларни дунёга келтириш балки давлат ва жамият учун муносаб инсонлар тарбияловчи мухим ижтимоий институт ҳисобланади.



- ҳуқуқни ҳурмат қилиш кўникмаси шаклланган хулқ-атвори билан ажралиб туради.

Шахс ҳуқуқий маданияти ўз таркибида:

- қонунга итоаткорлик;

- қонуний ва ҳуқуқий

институтларни чуқур ҳурмат қилиш; - юксак даражада ижтимоий- ҳуқуқий фаоллик;

- ҳуқуқни ижтимоий ўзгаришлар ва шахс манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаларидан бири сифатида баҳолаш каби жиҳатларни ўзида мужассам этади.

Бинобарин, шахс ҳуқуқий маданияти бу ҳуқуқий билимлар, ҳуқуққа нисбатан ихтиёрий ҳоҳиш ва истак асосидаги муносабат ҳамда қонуний хулқ-атвонринг ийинидисидир. Ҳаётий тажриба, мавжуд реал муҳит, оммавий ахборот воситалари кабилар ҳуқуқий билимларнинг асоси ҳисобланади. Бироқ шахснинг юксак маънавий фазилатларисиз, қонуний хулқ-атвонр кўникмаларисиз ва ҳуқуқий фаоллигисиз юксак ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди.

Оила – шахс камолотини белгиловчи асосий ижтимоий институт саналади. Жамият ва оиласда юз берадиган ҳодисалар бир-бiri билан мантиқан боғлиқ. Бугунги кунда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билимларга эга бўлган ижобий фазилатларни ўзида мужассам этган оила жамиятнинг

асоси саналади. Шу боис, оила нафақат фарзандларни дунёга келтириш балки давлат ва жамият учун муносаб инсонлар тарбияловчи мухим ижтимоий институт ҳисобланади. Шахсада ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ҳам дастлаб бошланғич асосини айнан соғлом оиласвий муҳитдан олади.

Оиласда ота-оналар ўртасидаги соғлом муносабат фарзандларининг ҳуқуққа бўлган ижобий қарашларини шакллантиришга мухим омил бўлиб хизмат қиласди. Халқимизда: "Қуш уясида кўрганини қиласди" деган мақол бежиз айтилмаган. Агар ота-оналарнинг ўзлари ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг ҳуқуқий томонларидан бехабар бўлсалар, хизмат жойларида, кўча-кўйда билиб-бilmай қилган ҳуқуқбузарликларини ҳеч нарса бўлмагандек, фарзандлари олдида муҳокама қилишса ва ўзларини ҳақ деб ҳисоблашса, бу ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оила шубҳасиз мухим ўрин тулади. Чунки ёшлар ахлоқий сифатларининг аксарият қисми айнан оиласда шаклланади. Оиласда болалиқдан берилган одиллик, тўғрилик, ёлғон гапирмаслик, ноҳақлик, кечиримлилик, меҳроқибат, назорат, муайян тақиқланган салбий ҳаракатларни қилмаслик ва жазолаш борасидаги тарбиявий усуллар дастлаб боланинг онгиди



Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – шахснинг болалиқдан, яъни дастлаб мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллажлари, олий ўқув юртларида амалга оширилади.

кейин эса хулқ-атворига кўчиб уни бажаришга одатланиб боради. Натижада фарзанднинг оиласда олган ижтимоий тарбияси асосида ҳуқуқий онги ўсиб, ҳуқуқий муносабати ҳамда хулқатвори шакланади.

Оилавий муҳит ва тарбия ёшларнинг давлат ва жамият учун муносиб ҳуқуқий фаол, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тенг англайдиган ёки аксинча, шахс бўлиб етишишига замин яратади.

Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларнинг роли бекиёсdir. Маҳаллалар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Маҳалла институти – ёшларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларини ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқиб амалга оширади.

Шу нуқтада назардан келиб чиқиб, маҳаллалар ёшлар учун манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга бевосита масъулдирлар. Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига тегишли бўлган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини мутахассислар

ёрдамида ёшлар онгига етказишга ҳам бевосита масъуллиги фармонда ўз аксини топган.

Маҳалла институти ёшларнинг тўғри ҳуқуқий ижтимоийлашувига катта имконият яратади. Маҳалла институти жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида адвокатлар, нотариуслар, юридик хизмат ходимлари ва бошقا ҳуқуқни муҳофаза қилиувчи органлар томонидан ёшларнинг манфаатига дахлдор масалалар бўйича тушунтиришлар беришни ташкил этади. Ҳуқуқбузарликлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, тарбияси оғир ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш мақсадида судлар билан маҳаллаларда очиқ мулоқот тизимини йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга ошириш орқали ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш – шахснинг болалиқдан, яъни дастлаб мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касбхунар коллажлари, олий ўқув юртларида амалга оширилади. Агар ўқувчи тегишли назарий ҳуқуқий билимларга эга бўлмаса, турли ҳуқуқбузарлик ёки жиноятларнинг қурбонига айланиши мумкин. Айнан шу боисдан ҳам ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасаларининг ўрни бекиёс.

Таълим муассасалари ёшларга ҳуқуқий билимларни бериш орқали уларда ҳуқуқий тушунча ва тасаввурлар, ҳуқуқий кўнинма ва малакасини шакллантириш ҳамда ҳуқуқ нормаларига риоя этиш руҳида тарбиялаб, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиради.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси – стратегик масала эканлигидан келиб чиқиб, бугун республикамиздаги таълим

муассасаларида узлуксиз таълим тизими таълим-тарбия усусларини қайта кўриб чиқишимиз зарур. Фарзандларимизда мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўнималарини шакллантиришимиз керак. “Биз ёшларимизга “Сен конституциямиздаги нормаларни купайтириш жадвалидек билишинг керак, дея олишимиз керак ...”. Бу фикр ҳар бир ўқитувчида, мураббийдан ўз ишини танқидий кўриб чиқиши талаб қиласди. Нима учун? Бу фикрнинг аҳамиятини англаш учун бир ҳуқуқий вазиятни кўз олдимизга келтирамиз: Сиз 9-синфга кириб, “Сиз Ватан





олдида қандай бурчларим бор, деб ҳисоблайсиз?", "Ота-онанғыз олдидаги қайси бурчларингизни биласиз?", деб сұрасанғыз, түрли жавобларни оласиз. Лекин 8 га 8 ни күпайтирсак, неча бўлади, десанғыз, ўқувчилар жўр бўлиб, яқдиллик билан Олтмиш тўрт!, деб мағрур жавоб беришади. Нега шундай? Чунки бу күпайтиришда, аниқлик таъминланган. "Ўзбекистон ёшларининг Ватан олдида қандай бурчлари бор?" деган саволга жавобда эса шу аниқлик йўқ. Нега? Чунки шу пайтгача ҳуқуқий тарбиявий ишлар тизими олдига аниқлик, кафолатни таъминлаш талаби қўйилмаган. Демак, биз зудлик билан таълим муассасаларида ҳуқуқий тарбиявий ишларимизни мавҳумликдан тозалаб, аниқлик сари интилишимиз керак. Токи фарзандларимиз ўзларининг Ватан олдиғи бурчларининг дастлаб лоақал З тасини, кейинги йил 5 тасини аниқ, яқдиллик билан мағрур "күпайтириш жадвалидек" билсин, амалда қўллашга тайёр бўлсин. Ана шунда бу аниқ билимлар эртага уларнинг ҳаётда турли вазиятлarda иккиласланмасдан, тўғри қарор қабул қилишларида мадад бўлади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданияти юксакларини рағбатлантириб бориш мақсадида турли босқичдаги ҳуқуқ йўналишидаги кўрик танловлар ўтказилишининг белгилангани ҳам ёшлар учун фойдадан холи бўлмайди.

Давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги жамиятда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга бевосита таъсир этади. Давлат



Оиласда ота-оналар ўртасидағи соглом муносабат фарзандларининг ҳуқуққа бўлган ижобий қарашларини шакллантиришга муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Халқимизда: "Куши уясида кўрганини қиласди" деган мақол бејзиз айтилмаган.

бошқарувини либераллаштиришнинг тақдирни, демократлаштиришнинг кутилган натижаларни бериши ва истиқболи давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий фаоллигига, ижтимоий, ҳуқуқий жараёнлардаги онгли ва масъулиятли иштирокига боғлиқ. Чунки давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий салоҳиятини белгиловчи омиллардан бири – давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятининг юксаклигидир. Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қарор топиши ҳамда айнан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳуқуқни амалий қўллаш амалиёти, халқ билан мулоқот натижалари давлат органлари ва ташкилотлари айрим мансабдор шахслар ҳуқуқий билимининг етарли эмаслиги ёхуд ҳуқуқий маданияти даражаси пастлигини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни ёшлар сиёсати ва ҳуқуқий маданияти даражаси билан боғлиқ қуйидаги ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, республикамизда 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 17 фоиздан ортгани ҳақида Podrob-no.uz корреспонденти Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ахборотига асосланиб хабар берган. Ишсиз ёшлар (30 ёшгача бўлган) даражаси эркаклар ўртасида 15,1 фоизни, хотин-қизлар ўртасида 12,9 фоизни ташкил қиласди. Ишсиз ёшларнинг аксарияти Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларига (9,7 фоиз) тўғри келмоқда, шунингдек, Тошкент шаҳрида (7,9 фоиз) ёшлар ишсизлиги нисбатан пастроқ даражада сақланиб қолмоқда [3].

Давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи давлатимизда ислоҳотларнинг натижасига ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга ўз таъсирини кўрсатишини назардан қочирмаслик керак. Шу боис, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича услубий қўлланма



ишлаб чиқиш, жамоатчилик асосида фаолият юритувчи ҳуқуқий тарғибот гурухларини ташкил қилиш ва улар томонидан соҳага оид қонун нормаларини тизимли равишида тарғиб қилиш, кадрларни бўш лавозимларга танлашнинг шаффоғлигини таъминлаш кабиларнинг белгилангани бежиз эмас. Табиийки, давлат хизматчиларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ушбу механизmlар ўз самарасини беради.

Жамият ҳуқуқий маданияти маънавий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. У ҳуқуқий мулоқот ва ижтимоий муносабатларни тартибига солишининг ҳуқуқий воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳулқ-атвор ва ҳаракатларнинг барча турларини қамраб олади. Жамият ҳуқуқий маданияти ижтимоий онг даражаси, мавжуд қонунчиликнинг ҳолати ва хусусияти, мамлакатда яратилган ҳуқуқий тартиботнинг мустаҳкамлик даражаси билан белгиланади. У аҳолининг умумий маданий даражаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, аҳоли маданиятининг сиёсий, маънавий, эстетик турлари билан ўзаро алоқага киришади ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тўлиқлиги, ривожланганлиги ва таъминлангани; ҳуқуққа амалда эҳтиёж мавжудлиги; мамлакатдаги қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолати; жамиятда юридик фан ва юридик таълимнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Жамият ҳуқуқий маданияти – ҳуқуқий ҳаётнинг сифати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат ва жамият томонидан кафолатланганлик даражаси, шунингдек жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқни билиши, тушуниши ва унга риоя этиши демакдир.

Демак, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари Концепцияда қайд этилган принциплар билан боғлиқ. Шахснинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий ижтимоийлашув асосида бутун умри мобайнида давом этадиган жараён экан. Ёш босқичи шахснинг кейинги камолотини белгилайдиган ва унинг юксалишига замин

яратадиган, эътиборталаб ҳамда ўта муҳим босқич саналади. Қонун ҳужжатлари ёшларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳуқуқий маданиятининг юксалишида ёшларга давлат ва жамият, юқорида қайд этилган ижтимоий ҳамда ҳуқуқий институтлар томонидан катта эътибор талаб этилади.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принципларига илмий-назарий жиҳатдан ёндашиб уни таҳлил ва тадқиқ этиш турли ёш босқичидаги ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим амалий аҳамиятга эга;

Иккинчидан, ёшлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асослари ва принциплари дастлаб уларда ҳуқуқни қўллаш кўнникмасининг шаклланишига замин яратишга хизмат қиласди. Чунки ҳуқуқий маданиятини юксалтириш субъектив характерга ҳам эга бўлгани ва ёшлар айнан қонун ҳужжатларининг моҳиятини англаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётига эга бўлади. Ёшлар учун қонун ҳужжатларини тарғиб этишнинг замонавий таъсирчан воситаларидан фойдаланиш вақти келди;

Учинчидан, ёшлар маданият ва ҳуқуқнинг ташувчилари ҳисобланади. Шу боис уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда дастлаб умумий маданият, миллий ва умумбашарий қадриятларни болалигидан шакллантириш лозим;

Тўртинчидан, мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг қонуний асосларидан бири уларга ҳуқуқий таълим бериш ҳисобланади. Ёшларига ҳуқуқий таълим беришни такомиллаштириш зарур эканини эътироф этамиз. Сабаби, бу ёшларга давр талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбияни умумий асосда эмас, аксинча, бевосита уларнинг манфаатини кўзлаб, уларнинг таълим йўналиши ёхуд олаётган касб нуқтаи назаридан келиб чиқиб амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Каримов И.А. "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги ҳалқаро конференсиянинг яқуний ҳужжати – резолютсияси. //Халқ сўзи", 2012-йил, 22-феврал.
2. Ш.М.Мирзиёев. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017 йил.
3. Ш.М.Мирзияев: "Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз". I том.Т. "Ўзбекистон", 2017 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т. 2018-йил, 28-декабр, www.президент.уз
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил, 24 январь.
6. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. "Ўзбекистон", 2021 й.



ГЕНОМ

ОИД АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

IMPROVEMENT OF CRIMINAL PROCEDURAL ASPECTS OF THE USE OF GENOMIC INFORMATION.



Мухтор АБДУРАХИМОВ,
Ички ишлар вазирлиги Ташкилий
департаменти
Юридик таъминлаш бошқармаси
бошлиғи ўринбосари юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Mukhtor ABDURAKHIMOV,
Deputy head of the legal support
Department of the Ministry of internal
Affairs of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Philosophy (PhD) in Law



Бахтиёржон МУРОДОВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси
“Дастлабки тергов ва криминалистика”
кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

Bakhtiyorjon MURODOV,
Head of the Department of
«Preliminary Investigation and Criminalistics»
Academy of the Ministry of Internal Affairs
Doctor of Law, professor

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси билан «Суд экспертизаси тұғрисида»ғи Қонуннинг тегишли нормалари чуқур қиёсий таҳлил қилиниб, улар үртасида айрим номутаносибликлар мавжудлиги, шунингдек, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини терговга қадар текширув босқычидә үтказиш зарурати, амалдаги норматив-хуқуқиң ұжжатлар талабларига мувофиқ таниб олинмаган мурдан геном бўйича давлат рўйхатига олиш ҳамда одам ДНКси суд-биологик экспертизасини мажбурий равишда тайинланиши билан боғлиқ муаммолар атрофлича ёритилиб, уларни ҳал этиш юзасидан асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР: экспертиза, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, таниб олинмаган мурда, экспертиза тайинлаш ва үтказиш шарт бўлган ҳолатлар.

ANNOTATION. This article highlights the procedural problems associated with the difference in the obligations of experts when conducting examinations in the Criminal Procedure Code and the Law «On Forensic Examination», obtaining samples for expert examination before initiating a criminal case, state registration of an unidentified corpse in accordance with the law «On State Genomic Registration», as well as the mandatory appointment of forensic biological examination of human DNA and proposals for their solution.

KEY WORDS: examination, obtaining samples for expert examination, unidentified corpse, cases in which the appointment and production of expertise is mandatory.



аълумки, жиноят-процессуал фаолиятда маҳсус билимлар талаб этилган ҳолатларда, шу жумладан, экспертиза текшируви учун намуналарни олишда суриштирувчи, терговчи албатта мутахассисни жалб этади. Агар зарурат туғисла, намуналар «Суд экспертизаси тұғрисида»ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан суд экспертизасини үтказиш топширилган эксперт иштирокида олиниши лозим. Мазкур қонуннинг 17-моддаси 4-қисми экспертиза давомида экспертнинг ўзи томонидан қиёсий тадқиқотлар учун намуналар олишнинг маҳсус усулини тартибга солади. Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, ўрганилаётган нормани талқин қилишда «Суд экспертизаси тұғрисида»ғи Қонуннинг 16-моддаси 3-қисми учинчи хатбошисига кўра экспертнинг экспертиза үтказиш учун материални мустақил равишида тўплаши тақиқланганлигини ҳисобга олиш керак [1].



Бироқ, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги экспертнинг ҳуқук ва мажбуриятларида ўз ифодасини топган айрим нормалар амалдаги Ўзбекистон Республикасин Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда – ЖПК) мавжуд эмаслиги тушунарсизdir. Масалан, ушбу қонуннинг 16-моддаси 3-қисмидаги суд экспертизи сини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўйдиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга, суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равища материаллар тўплашга, суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсадан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмаслиги белгиланган [2].

Бу борада хорижий давлатларнинг тажрибаси ўрганилганида, Россия Федерацияси ЖПКнинг 57-моддасида 4-қисмидаги эксперт: суриштирувчи ва терговчини хабардор қилмасдан туриб, процесс иштирокчилари билан суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ масалаларда музокаралар олиб бориш; эксперт тадқиқоти учун мустақил равища материал тўплаш; суриштирувчи, терговчининг розилигини олмасдан туриб, объектни тўлиқ ёки қисман йўқ бўлишига олиб келиши мумкин бўлган ёки унинг ташки кўринишини ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган тадқиқотларни ўтказиш; била туриб ёлғон хулоса бериш; ушбу кодекснинг 161-моддасида белгиланган тартибда огоҳлантирилган экспертнинг ишда эксперт сифатида иштирок этиши билан боғлиқ ҳолда ўзига маълум бўлган дастлабки тергов ҳолатларини ошкора қилиш; суриштирувчи, терговчи ва суднинг чақириувига кўра келишдан бош тортишга ҳақли эмаслиги белгилаб берилган.

"Россия Федерациясининг давлат суд-экспертиза фаолияти тўғрисида"ги Қонунда экспертлар учун чекловлар ўрнатилган бўлиб, унга кўра эксперт процесс иштирокчилари билан ўзининг ишдан манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўйса, алоқага киришиши мумкин эмаслиги, мустақил равища экспертиза учун

материаллар тўпламаслик, экспертиза натижалари ҳақида уни тайинлаган органдан бошқа шахсларга хабар қилмаслик, тадқиқот объектларини уни тақдим этган органнинг рухсатисиз йўқ қилиш ёки сезиларли дараҷада ўзгартириш мумкин эмаслиги ва бошқа чекловлар белгиланган [3].

Худди шунингдек, Қозоғистон Республикаси ЖПК 79-моддасида терговни олиб бораётган органнинг розилигисиз процесс иштирокчилари билан экспертиза ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказмаслиги, мустақил равища материал тўпламаслиги, экспертиза тайинлаган органнинг рухсатисиз, тақдим этилган объектнинг тўлиқ ёки қисман йўқ қилиниши билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошираслиги ҳақида чекловлар мавжуд [4]. Айнан мана шу чекловлар Қозоғистон Республикасининг "Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунида ҳам акс этирилган [5].

Қирғизистон Республикаси ЖПКнинг 59-моддасида эксперт экспертиза ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан музокараларга киришиши, экспертиза тайинлаган орган ёки суднинг рухсатисиз тадқиқот учун тақдим этилган объектларни тўлиқ ёки қисман йўқ қилинишига олиб келадиган тадқиқотларни ўтказишга ҳақли эмаслиги қайд этилган [6].



"Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги экспертнинг ҳуқук ва мажбуриятларида ўз ифодасини топган айрим нормалар амалдаги Ўзбекистон Республикасин Жиноят-процессуал кодексида (кейинги ўринларда – ЖПК) мавжуд эмаслиги тушунарсизdir.

Қирғизистон Республикасининг "Суд-экспертлик фаолияти тұғрисида"ғи Қонунда экспертиза тайынлаган органнинг розилигисиз үзининг ишдан манбаатдор эмаслигини шубха остига құйдиган тарзда процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришмаслик, ишга алоқадор бўлган, экспертга ўрнатилган тартибда тақдим қилинмаган материалларни мустақил равишида тұпламаслик, үзининг ваколатига кирмайдиган саволларга жавоб бермаслик, экспертиза натижалари ҳақида уни тайынлаган органдан бошқа шахсларга хабар қиласлик, экспертиза учун тақдим этилган объектларни уни тақдим этган органнинг рухсатисиз қисман ёки түлиқ ийк қилинишига йўл қўймаслик каби чекловлар мавжуд [7].

Шунга ўхшаш тартиб, Беларусь Республикаси ЖПК 61-моддасида [8], Украина Республикаси ЖПК 69-моддасида акс эттирилган [9].

Бу борада И.Р.Астановнинг фикрига кўра, эксперт томонидан амалга оширилиши тақиқланган ҳаракатларини ЖПКнинг 68-моддаси 3-қисми сифатида киритиш ва қўйидагича таҳрирда баён этиш таклиф этилган:

"68-модда. Экспертнинг ҳуқук ва мажбуриятлари (учинчи қисм)
"Эксперт:

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьянинг рухсатисиз экспертиза тадқиқоти учун маълумот тўплаш;

терговчи ёки суднинг ёзма шаклдаги рухсатисиз тадқиқот учун юборилган объектлар шакли ва хусусиятини ўзгартиш мумкин бўлган ҳолларда тадқиқот ўтказиши мумкин эмас" [10, 163-164-б].

Назаримизда И.Р.Астановнинг фикр-мулоҳазаларига қўшимча равишида, экспертизинг процесс иштирокчилари билан экспертиза ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган муносабатларга киришиши ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Бундан ташқари, "Суд экспертизаси тұғрисида"ғи Қонун ва ЖПКдаги тақиқлар бир хил эмаслиги натижасида уларни қўллашда (ёки уларга амал қилишда) турли талқинга сабаб бўлиши, яъни эксперталар



**И.Р.Астановнинг
фикр-мулоҳазаларига
қўшимча равишида,
экспертизинг процесс
иштирокчилари
билан экспертиза
 ўтказиш билан
боғлиқ бўлмаган
муносабатларга
киришиши ҳам
салбий оқибатларга
олиб келиши
мумкинлигини
таъкидлаш ўринли
бўлади.**

томонидан мустақил равишида материал тўпланишига, процесс иштирокчилари билан суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган муносабатларга киришган ҳолда ишда манбаатдор шахсга айланиб, ишни адолатли ҳал қилинишига салбий таъсир кўрсатишлари мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖПКнинг 68-моддасини қўйидаги мазмундаги 3-қисм билан тўлдирилиши таклиф этилади:

"Суд эксперти суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан үзининг манбаатдор эмаслигини шубха остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришиши; суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишида материаллар тўплашга; суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайынлаган органдан (шахсадан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас."

Суд-тергов фаолиятидаги анча вақтлардан ҳал бўлмай келаётган муаммолардан яна бири экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини терговга қадар текширув давомида ўтказиш мумкин эмаслиги ҳисобланади.

Мисол учун, вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ материаллар бўйича айrim ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш учун одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг холосаси керак бўлади. ЖПКнинг 329-моддаси иккинчи қисмiga асосан терговга қадар текширув



давомида шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирив тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкинлиги, мазкур босқичда бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш мумкин эмаслиги белгиланган.

ЖПКнинг 87-моддаси 1-қисмига асосан экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракати хисобланади ҳамда ЖПКнинг 329-моддаси талабларига асосан ушбу тергов ҳаракатини жиноят иши қўзғатилгунига қадар ўтказиш мумкин эмас. Бу эса ўзига хос тушунарсиз ҳолатни юзага келтирмоқда. Бир томондан жиноят ишини қўзғатунга қадар экспертиза ўтказиш мумкин бўлиб, уни ўтказиш учун зарур бўлган намуналарни жиноят иши қўзғатмасдан туриб олишнинг имкони йўқ. Агар жиноят ишини қўзғатиш учун ушбу экспертизанинг натижаси зарур бўлса, у ҳолда терговга қадар текшируv

органи, суриштирувчи ва терговчининг олдида ечиб бўлмас муаммо пайдо бўлади. Бу эса терговга қадар текширув органи, суриштирувчи, терговчини ЖПК талабларига зид равища намуналар олиб, экспертиза тайинлашига ёки

боғлиқ ҳолатларда, балки барча турдаги экспертизалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада фикр юритган И.Р.Астанов экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини экспертиза тергов ҳаракатининг бошланғич



БИР ТОМОНДАН ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗҒАТГУНГА ҚАДАР ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ МУМКИН БЎЛИБ, УНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН НАМУНАЛАРНИ ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТМАСДАН ТУРИБ ОЛИШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚ.

бўлмаса, асоссиз равища жиноят ишини қўзғатган ҳолда намуналар олишига олиб келиши мумкин. Аммо, жиноят иши қўзғатилган шахсга нисбатан ўтказилган экспертиза натижасида вояга етмаган шахснинг биологик отаси бошқа шахс бўлиб чиққан тақдирда, бу ҳолат ушбу шахсга нисбатан қонунга хилоф равища жиноят иши қўзғатиш деб баҳоланади. Мазкур муаммо нафақат ДНК-экспертизаси ўтказиш билан

босқичи эканлигини, шу сабабли уни жиноят иши қўзғатилгунига қадар ўтказиш мумкинлигини таъкидлайди [10, 88-6].

М.Дж.Ботаев ҳам ўзининг “Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертациясида терговга қадар текширув жараёнида экспертиза текшируви учун намуналар олишга рухсат берувчи нормани ЖПКга киритиш

лозимлигини асослаб берган [11].

Мазкур муаммо бевосита одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказиш учун биологик материалларни намуна сифатида олишга ҳам бевосита дахлдорлиги сабабли, ЖПКнинг 329-моддасини қўйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Терговга қадар текширув давомида жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун экспертиза хulosаси зарур бўлиб, экспертиза текшируви учун намуналар олмасдан туриб, мазкур экспертизани ўтказишни имкони бўлмаган ҳолларда жиноят иши қўзғатилгунга қадар, экспертиза текшируви учун намуналар олиниши мумкин”.

Ушбу ўзгартеришдан келиб чиқкан ҳолда, амалдаги ЖПКнинг 191-моддаси (Намуналар олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим) қўйидаги таҳрирдаги иккинчи қисми билан тўлдирилиши лозим:

“Жиноят иши қўзғатилгунига қадар экспертиза текшируви учун намуналар олиш тўғрисидаги қарор фақат ушбу Кодекснинг 329-моддаси

3-қисмида назарда тутилган ҳолларда чиқарилиши мумкин”.

Бундан ташқари, экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини

терговга қадар текширув давомида ўтказиш мумкинлигига оид таклифлар қабул қилинган тақдирда, ЖПКнинг 188 ва 189-моддалари биринчи қисмida, 191-моддасида, 193-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 194-моддаси биринчи ва учинчи қисмларида, 195-моддаси иккинчи ва тўртинчи қисмларида, 197-моддаларида экспертиза текшируви учун намуналар олишни амалга оширувчи субъектлар қаторига терговга қадар текширув органи мансабдор шахсини ҳам қўшиш лозим бўлади.

Яна бир муҳим масалалардан бири, “Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида”ги Қонунга кура, таниб олинмаган мурдалар ҳамда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинувчи ва айланувчиларнинг геномга оид ахбороти мавжурӣ равиша давлат рўйхатига олиниши лозимлиги сабабли, терговга қадар текширув ёки дастлабки терговда уларнинг геномга оид ахборотини олиш учун одам ДНКси суд-биологик экспертизасини мажбурий равиша тайинлаш зарурияти юзага келади.

Амалдаги ЖПКнинг 138-моддаси 3-қисмida таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олиниши шартлиги, 4-қисмida эса таниб олинмаган мурда прокурорнинг рухсати билан кўмилиши қайд этилган. Шунингдек, ЖПКнинг 173-моддасида экспертиза тайинланиши ва ўтказилиши шарт бўлган ҳолатлар келтириб ўтилган бўлиб, унда таниб олинмаган мурдаларнинг, оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинувчи ва айланувчилар ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида олинган аниқланмаган шахсларнинг геномга оид ахборотини олиш учун мажбурий равиша одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинланмаслигига, қолаверса, таниб олинмаган мурдаларни, аниқланмаган шахсларни ҳамда гумон қилинувчи ва айланувчиларни Ягона маълумотлар базасига киритилмай, уларнинг шахси аниқланмасдан ҳамда фош этилмаган жиноятларга алоқадорликлари текширилмасдан қолишига олиб келади. Бу эса ЖПКнинг терговнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона ўтказилишига оид нормаларига зид ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, таниб олинмаган мурдаларни геномга оид ахборотини ўз вақтида ягона маълумотлар базасига киритган ҳолда, унинг шахсини аниқлашга қаратилган тергов-тезкор ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ЖПКнинг 138-моддаси 3 ва 4-қисмларини қўйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:





Таниб олинмаган мурда геном бўйича давлат рўйхатига олингандан сўнг, фақат прокурор руҳсати билангина кўмилади.

“Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида ушбу Кодекснинг 126 ва 131-моддаларида назарда тутилган қоидаларга риоя қилинади. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олиниши, шунингдек геном бўйича мажбурий равишда давлат рўйхатига олиниши шарт. Ушбу Кодекснинг 188-191, 193 ва 197-моддалари талабларига риоя қилган ҳолда мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олиниши мумкин.

Таниб олинмаган мурда геном бўйича давлат рўйхатига олингандан сўнг, фақат прокурор руҳсати билангина кўмилади.”

Худди шунингдек, таниб олинмаган мурдалар, оғир ва ўта оғир жиноят содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчилар ҳамда биологик материали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида олинган аниқланмаган шахсларнинг геномга оид ахборотини мажбурий равишда олиниши ва текширилишини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 173-моддаси биринчи қисми қўйидаги таҳрирдаги 10-кичик банд билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“173-модда. Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги башарти, иш бўйича:

гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган бўлса, таниб олинмаган мурдалар аниқланган ёхуд ҳодиса жойидан аниқланмаган шахсларга тегишли биологик келиб чиқишига эга бўлган излар топилган тақдирда, уларни геномга оид ахбороти орқали бошқа жиноятларга алоқадорликларини текшириш учун экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шарт.”

Юқоридаги таклифларнинг ЖПКга жорий этилиши терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида геномга оид ахборотдан фойдаланиб, жиноятларни фош этиш, таниб олинмаган мурдаларнинг шахси аниқланиши, жиноят содир этган шахсларнинг бошқа фош этилмаган жиноятларга алоқадорликларини текшириш билан боғлиқ процессуал фаолиятни янада такомиллаштирилишига олиб келади.

ИҚТИБОСЛАР/ СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни 17-моддаси 3 ва 4-қисмларига қаранг. // URL:<http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонуни 16-моддаси 3-қисмига қаранг. // URL:<http://www.lex.uz>.
3. “Россия Федерациясининг давлат суд-экспертиза фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига қаранг.
4. Қозоғистон Республикаси ЖПК 79-моддасига қаранг.
5. Қозоғистон Республикаси “Суд-экспертиза фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига қаранг.
6. Қирғизистон Республикаси ЖПК 59-моддасига қаранг.
7. Қирғизистон Республикаси “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига қаранг.
8. Беларусь Республикаси ЖПК 61-моддасига қаранг.
9. Украина Республикаси ЖПК 69-моддасига қаранг.
10. И.Р.Астанов. Жиноят ишлари бўйича маҳсус билимлардан фойдаланишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари. Монография. – Т.: ТДЮУ, 2018. 306 бет.
11. М.Дж.Ботаев. “Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертацияси.

Диққат! Эътиборингиз ва салоҳиятингизни синааб кўринг!



Жавоби келгуси сонда
Ответ в следующем выпуске

Омбор мудири ишга келганида ходим унинг эшигини тақиллатди. Ва у омборхоналардан бирида бомба борлигини, тушдан кейин соат иккilarда бомба портлаши ҳақида туш кўрганини гапириб берди. Бошлиғи бу воқеага шубҳа билан қаради, аммо омборни текширишга рози бўлди. Текширув давомида, бомба айнан ходим айтиётган жойдан топилди. Полиция чақирилди, бомба зарарсизлантирилди, фожианинг олди олинди. Бироқ, бошлиқ дарҳол ходимга миннатдорчилик билдириб, уни ишдан бўшатди. Ишдан бўшатилган ходим бомба қўймаган ва унинг уйқудаги туши фожианинг олдини олган эди.

Бошлиқ ходимни ишдан бўшатиб тўғри қилганми?

Когда начальник склада приехал на работу, к нему в кабинет постучался служащий. Он объяснил, будто минувшей ночью видел сон о том, что в одном из помещений склада находится бомба, которая взорвется в два часа дня. Начальник отнесся к этому рассказу скептически, но согласился осмотреть склад. Во время осмотра бомба была найдена именно в том месте, о котором говорил служащий. Вызвали полицию, бомбу обезвредили, предотвратили трагедию. Однако, начальник поблагодарив служащего тут же и уволил его. Уволенный не подкладывал бомбу, а его сон предотвратил трагедию...

За что начальник уволил работника?



Ўтган сонда берилган топишмоқнинг жавоби:

ЖАВОБИ: Эркак хотинига кимdir ўқ отиб қўйганлигини билиши мумкин эмас эди, сабаби унга уй хизматчиси турмуш ўртоғингиз билан даҳшатли ҳодиса юз берди деган.

ОТВЕТ: Мужчина не мог знать о выстреле, ведь домработница сказал ему только о том, что с его женой случилось что-то плохое.



Шохзодхон
ТЎРАХОНОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
ИИВ ТҚД ЖҶҲ
бўлим бошлиги

Shokhzodkhon
TURAKHONOV,
Head of the CIS,
OID of the Ministry
of Internal Affairs
of the Republic of
Uzbekistan

Нодирбек
АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон
Республикаси ИИВ
Академияси мустақил
изланувчиши

Nodirbek Abdurasulov,
Independent applicant,
Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАРТИБА СОЛУВЧИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

COMPARATIVE ANALYSIS OF LEGAL ACTS REGULATING PUBLIC SAFETY

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада, жамоат хавфсизлиги тушунчасини акс этган норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлил этилган, жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ва уларнинг вазифалари, обьектлари ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашда амалга ошириладиган комплекс чоратадбирлар тушунчаси ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Жамоат хавфсизлиги, жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар, таҳдидлар ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи комплекс чоратадбирлар.

ANNOTATION. This article analyzes the regulatory legal documents that reflect the concept of public security, an attempt is made to clarify the subjects of ensuring public security, their tasks, objects, as well as the concept of complex measures implemented to ensure public security.

KEYWORDS. Public security, subjects of public security, threats and comprehensive measures to ensure public security.



Биз аввалги мақолаларимизда жамоат хавфсизлиги юзасидан тадқиқотлар, илмий изланишлар ва олимларни қарашларини ўрганиб жамоат хавфсизлиги тушунчасини илмий таҳлил қилиш орқали ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Жамоат хавфсизлиги тушунчаси қайси норматив-хуқуқий ҳужжатларда акс этганлик ҳолати юзасидан баҳс этишдан аввал, мазкур тушунча қайси ҳужжатларда ёритиб берилганини аниқлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амала ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-27 сонли фармони билан, Узбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси тасдиқланган бўлиб, мазкур концепцияда "жамоат хавфсизлиги" тушунчасига таъриф берилган яъни;

жамоат хавфсизлиги—жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан (кейинги ўринларда — таҳдидлар) ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қиласи ҳамда инсоннинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди[1].

Мазкур концепцияда биринчи маротаба "жамоат хавфсизлиги" тушунчасига таъриф берилган бўлиб, юқорида келтириб ўтилган фикрларни ўзида жамлаган. Шунингдек концепцияда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир тушунчага қўйдагича таъриф берилган.

жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равища тақомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим[2].

Мазкур тушунчада жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида доимий равища олиб бориладиган комплекс чора-тадбирларни яхлит тизими хақида маълум қилинган, хақли равища жамиятни қандай таҳдидлардан ҳимоя қилишимиз керак деган фикр пайдо бўлиши таъбий ҳолатdir.

Концепция хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига фуқаролик жамиятини бошқа институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда жамиятни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишда комплекс чора тадбирларини амалга ошириш вазифасини қўйган.

Концепцияда жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш соҳасида қўйдаги миллий манбаатлар ҳам кўрсатиб ўтилган яъни; -жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш;

-аҳолининг хуқуқий онги ва сиёсий-хуқуқий маданиятини, сиёсий ҳамда ижтимоий фаоллиги, фуқаролик масъулиятыни ошириш асосида мамлакатда хуқуқий жамиятни барпо этиш ва мустаҳкамлаш;

-хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ишларини бошқаришда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш;



**Тадқиқотчиларни фикрларини ўрганар эканмиз,
шуни кўришимиз мумкинки, үлар асосан чет
эл тадқиқотчиларни илмий изланишларидан
мисол келтиримоқдалар, лекин миллий
тадқиқотчиларни айнан "жамоат хавфсизлиги"
тушунчаси тадқиқ қилганликлари хақида бирон
бир фикр бермаганлар.**

-мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг фаол ва бунёдкор ролини, жамият ва давлатнинг узаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш;

-жамиядаги миллатлараро ва динлараро муносабатларни, диний бағрикенглик маданиятини, дүстлик, узаро ҳамкорлик ва гуманизмни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

-дунёда доимий равишда кечеётган ўзгаришлар ва улар билан боғлиқ реал ҳамда эҳтимолий таҳдидлар шароитида жамиятнинг ўзлигини (тили, маданияти, ижтимоий тузилиши, миллий ўзига хослиги ва динини), яъни ўзини-ўзи сақлаб қолиш қобилияти ва салоҳиятини мустаҳкамлаш.

Жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳар даврни долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган, фикримизиси исботи сифатида, Узбекистон Республикасини биринчи президенти И.А.Каримовни ўтган асрни 90-йилларда минтақада юзага келаётган таҳдидлар хақида қуидагича фикрлар берган эди "Биз Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг, Шарқ ва Фарб мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмимиз. Аслида шаклланиб келаётган, лекин жуда кучли, құдратли XXI асрнинг қиёфасини шубҳасиз белгилаб берадиган бу куч марказлари ана шу минтақада ўз манфаатларини излайди. Евроосиё марказлари тулашган ерда жойлашган бизнинг ҳудудимиздан, бутун минтақа ҳудудидан ислом дунёсининг Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистони каби құдратли мамлакатлари ҳам, юқоридаги кучлар каби, ўз манфаатларини излайди[3].

Жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий манфаатлар, ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида юзага келаётган геосиёсий таранглик фонида авж олаётган етакчи давлатлар орасида қарама-қаршилик натижасида юзага келган вазиятларни хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини асосий ўйналишлари ҳам санаб ўтилган булар:

-жамоат хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан кенг қамровли мақсадли дастурларни қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;

-жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш, шу жумладан бундай тажовузларнинг барваҳт олдини олиш, уларнинг асосий омилларини аниқлаш ва бартараф этиш;

-ижтимоий ва миллатлараро низоларнинг профилактикасини амалга ошириш;

-ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний

миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқук ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураши;

-ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм обьектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

-транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

-жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробация назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни қасб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

-аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш;

-вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни амалга ошириш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

-жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимларини кенг жорий этиш;

-жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб қилинадиган ваколатли давлат органлари куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш, тезкорлигини ошириш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг шахсий таркибини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш дарражасини ошириш[4].

Бундан ташқари, концепциянинг 2-бобида жамоат хавфсизлиги таъминлаш тизими ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар кўрсатиб ўтилган. Булар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлариdir.

Шунингдек, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва



**Жамоат
хавфсизлигини
таъминлаш ҳуқуқий
тартибга солишнинг
сифат жиҳатидан
янги босқичига
кўтарилаётганлиги,
яъни у "идоравий
ҳуқуқий тартибга
солиш" деган
қарашда намоён
бўлаётганлиги ва
қобиқдан чиқсанлиги.**

фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этувчи субъектлар сифатида кўрсатиб ўтилган[5].

Концепцияда ҳар бир субъект томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар санаб ўтилган, жумладан Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам амалга ошириладиган қўйдаги вазифалар санаб ўтилган;

-жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

-жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши курашиб бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

-жамоат жойларида, шу жумладан йўлларда, транспорт ва туризм инфратузилмаси обьектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган барча куч ва воситалар фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда ташкилий-услубий жиҳатдан қўллаб-кувватлайди;

-фуқаровий ҳамда хизмат қуроли ва унинг ўқ-дорилари муомалада бўлиши соҳасига доир қоидалар ва тартибга, ушбу соҳадаги лицензия ва рухсат беришга оид талаблар ҳамда шартларга риоя этилишини таъминлайди;

-ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлайди;

-жамоат жойларида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг комплекс, тизимили таҳлилини олиб боради, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар, кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар ва тавсиялар киритади;

-жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи оммавий тартибсизликларга чек қўйиш бўйича тадбирлар юзасидан умумий бошқарув тизимини таъминлайди;

-жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боради, бу борада жамоатчилик фикрини ўрганади;

-жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий ишларни амалга оширади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-27 сонли фармони билан "2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси" ҳам тасдиқланган бўлиб, стратегияни мақсади мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича ҳуқуқий, услубий, илмий, ташкилий чораларни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширишдан иборат [6].

Хужжатда стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали бажарилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги шахсан маъсул этиб белгиланган.

Ўрганишлар шуну кўрсатадики концепция ва стратегияда жамоат хавфсизлиги юзасидан умумий қарашлар шакллантирилган ва субъектлар амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланган.

Концепциядан ташқари "жамоат хавфсизлиги" тушунчаси Ўзбекистон Республикасини 2018 йил 30 июлдаги "Экстремизмга қарши курашиб тўғрисида"ги ЎРҚ-489 сонли қонуннинг З-моддасида асосий тушунчаларга таъриф берилган бўлиб, экстремистик фаолият тушунчасига ҳам тариф берилаётганда "жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш" орқали ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият деб таъриф берилган[7].

Шунингдек, қонуннинг 7-моддасида экстремизмни олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи "экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш" каби чора тадбир кўрсатиб ўтилган[8].

Мазкур қонундан кўриниб турибдики, экстремизм жиноятларини обьекти жамоат хавфсизлиги хисобланади, шу сабабли мазкур қонунда жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материаллар тарқатиш тақиқланган.



Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб, айнан жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материаллар ноқонуний айланиши қарши кураш кўрсатилган нормалар хақида фикр юритар эканмиз аввало Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг олтинчи бўлими мурожаат қилишимиз лозим, чунки айнан олтинчи бўлим "Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар" деб номланган бўлиб, ўн еттинчи боб эса "Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар" деб номланган, мазкур боб ўзида 242-моддадан 259¹-моддагача барча моддаларни қамраб олиб, ушбу моддаларда жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳаракатлар кўрсатиб ўтилиб уларни содир этган шахсларга нисбатан жазолар белгиланган.

Жумладан, Жиноят Кодексининг 244¹-моддаси "Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш[9]" деб номланган бўлиб, мазкур моддани диспозициясида, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчиллик ташкилотларининг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш тақиқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот жараёнида мазкур моддани диспозициясида келтирилган қоидаларга шарҳлаб бериш орқали мазкур моддани мазмунини очиб беришга ҳаракат қиласиз.

Мазкур модда уч қисмдан иборат бўлиб биринчи қисми диспозициясидағи қоидалар юқорида келтириб ўтиди, иккинчи қисми диспозициясида "Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамията қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчиллик ташкилотларининг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш[10]" каби ҳаракатлар тақиқланган бўлиб, биринчи қисмидан фарқи шундаки жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни ҳар қандай шаклда тарқатишни ҳам таҳдид сифатида баҳолаганлар. Бундан ташқари "фуқаролар тотувлигини бузиш" яъни турли ҳил миллат ва элат яшаётган минтақада уларни орасида ўзаро келишмовчиликни келтириб чиқарувчи, шунингдек "туҳматона, вазиятни бекарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамията қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш" каби ҳаракатлар ҳам акс этган.

Иккинчи қисмida мазкур ҳаракатларни тақиқланиши минтақада дастлаб 1989-1990 йилларда ташқи бузғунчи кучлар томонидан миллатлараро

низоларни чиқаришга ва 1990 йиллардан сўнг диний омиллардан фойдаланиш орқали амалдаги конституцион хокимиятни ағдариб теократик давлат қуришга бўлган урунишларни тажрибасидан келиб чиқиб, келгусида юқоридаги ҳаракатларни олдини олишга, уларга ўз вақтида қонуний чора кўриш, жамоат хавфсизлигини ва жамоат тартибини сақлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг Жиноят Кодексига биринчи маротаба Юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Рустамбоев Мирзаюсуп Хакимович томонидан шарҳлар ёзилган.

Жиноят Кодексини махсус қисмiga ёзилган 2016 йилда қайта ишланган ва тўлдирилган нашрида Жиноят Кодексини 244¹-моддага ҳам шарҳ берib ўтган.

Жумладан, шарҳда Жиноят Кодексини 244¹-модда кўрсатиб ўтилган тақиқланган ҳатти-ҳаракат яъни жиноятнинг обьекти жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эканлиги кўрсатилган. Жиноятнинг предмети сифатида, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материаллар кўрсатилган[11].

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш деганда, бундай маълумотларни ҳар қандай турда ва қандай усул билан тайёрлаш тушунилади. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ва сақлаш, бундай материаллардан ҳеч бўлмаганда биттаси тайёрланган ёки сақланган вақтдан бошлаб, тарқатилган ёки тарқатилмаганилигидан қатъий назар, тугалланган ҳисобланади[12].

Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги 560-II-сонли қонунини 121-моддасида ҳам жамоат хавфсизлиги ҳақида келтириб ўтилган, яъни модда "Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш" деб номланган бўлиб, модданинг 1-қисми 3-хатбошида "жамоат тартиби ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш[13]" деб номланган банди мавжуд бўлиб, ахборот ресурсининг эгаси ва блогерлар ҳамма эркин фойдаланиши мақсадларида фойдаланишига йўл қўймаслиги шартли белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур қонунда интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайти ва (ёки) веб-сайт саҳифалари ёхуд бошқа ахборот ресурсининг, шу жумладан тезкор хабарлар алмашиш тизимларининг мониторингини ушбу жамоат тартиби ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотларни тарқатиш аниқлаш мақсадида амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини 2019 йил 4 сентябрдаги "Диний-маърифий соҳа фаoliyatini takomillashтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар tўғрисида"[14] ги ПҚ-4436 сонли қарорида Вазирлар Маҳкамаси ҳуузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитага, жамоат хавфсизлигини таъминлашда рол уйнадиган вазифа юклатилган

Яъни, Дин ишлари бўйича қўмита Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан

бирга, республикада ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида носоғлом ақидани сингдириш ҳолатларига қарши курашиш мақсадида

-диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфесиялар ўртасида адватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

-жамиятда диний-маърифий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакилларининг иштирокини кенгайтириш каби вазифалар юклатилган.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига 1-ИЛОВА 'Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси'. –[электрон манба]- кириш тартиби: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. (мурожаат вақти 21.11.2022).
2. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига 1-ИЛОВА 'Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси'. –[электрон манба]- кириш тартиби: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. (мурожаат вақти 21.11.2022).
3. И.А.Каримов. "Хавфсизлик ва бароқарор тараққиёт йўлида" Тошкент. "Ўзбекистон" нашриёти 1998 йил. 40 бет.
4. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига 1-ИЛОВА 'Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси'. –[электрон манба]- кириш тартиби: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. (мурожаат вақти 21.11.2022).
5. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига 1-ИЛОВА 'Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси'. –[электрон манба]- кириш тартиби: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. (мурожаат вақти 21.11.2022).
6. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармонига 1-ИЛОВА 'Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси'. –[электрон манба]- кириш тартиби: <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. (мурожаат вақти 21.11.2022).
7. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-489-сон қонуни. [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/docs/3841957> (мурожаат вақти 21.11.2022 йил).
8. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-489-сон қонуни. [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/docs/3841957> (мурожаат вақти 21.11.2022 йил).
9. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 21.11.2022 йил).
10. Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/acts/111453> (мурожаат вақти: 21.11.2022 йил).
11. М.Ю. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент -2016. "Адолат" 701-702 бетлар.
12. М.Ю. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳлар. Махсус қисм. Тошкент -2016. "Адолат" 701-702 бетлар.
13. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасини 2003 йил 11 декабрдаги "Ахборотлаштириш тўғрисидаги" 560-II-сонли қонуни. [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/docs/83472> (мурожаат вақти: 21.11.2022 йил).
14. Lex.uz. Ўзбекистон Республикасини Президентини "Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги" ПҚ-4436 сонли қарори, . [электрон манба]. Кириш тартиби: <https://lex.uz/ru/docs/4500897> (мурожаат вақти: 21.11.2022 йил).



Шұхрат
АБДУХАЛИМОВ,
Олий Мажлис
Қонунчылық палатасы
депутаты

Shukhrat
ABDUHALIMOV,
Deputy of the Legislative
Chamber of the Oly
Majlis

ХАЁТИЙ ҚОНУНЛАР, ЖАМОАТЧИЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ОРҚАЛИ

ЧИҚИНДІЛДАР МУАММОСИНИ ХАЛ ЭТАМИЗ

VITAL LAWS, PUBLIC AND PARLIAMENT
WE WILL SOLVE THE PROBLEM OF WASTE THROUGH CONTROL

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада дунё миқёсида чиқиндилар муаммоси энг долзарб экологик масалалардан бирига айланиб бораётгандығы таҳлил қилиниб, статистик маълумотлар ўрганилган, жамоатчилик назорати ва хуқуқни мұхофаза қилиш органдары үртасида ҳамкорлық масалаларини қонунчылық доирасида янада такомиллаштириш лозимлиги бүйіча ілмий-назарий тақлиф ва мулоҳазалар баён қилинган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: Маиший, қурилиш ва тиббиёт чиқиндилари, давлат-хусусий шериклик, «Табиат ҳимоячысы» күкрап нишони, «Экологик патруль» тизими, «2+1» тамойили, жамоатчилик ва парламент назорати, экологик назорат, «Яшил макон».

ANNOTATION: This article analyzes the fact that the problem of waste is becoming one of the most pressing environmental problems on a global scale, studies statistical data, and provides scientific and theoretical proposals and comments on the need to further improve the issues of interaction between public control bodies and law enforcement agencies within the framework of the legislation.

KEY WORDS: Household, construction and medical waste, public-private partnership, «Protector of Nature» directive, «Environmental Patrol» system, «2+1» principle, public and parliamentary control, environmental control, «Green space».



Президентимизнинг «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар тизимини такомиллаштириш, санитар тозалаш корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва соҳага давлат-хусусий шериклик жорий этилишини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат билан тадбиркорлик субъектлари — санитар тозалаш корхоналаридан ундириладиган мажбурий тўловлар, яъни санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмасига ҳамда санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказларига санитар тозалаш хизматларини кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлардан 5 фоиз миқдоридаги ажратмалар бекор қилингани айни муддао бўлди.

2026

йил 1 январга қадар эса асосий фаолияти чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиб кетиш, саралаш ва қайта ишлаш ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун ушбу фаолият тури бўйича фойда солиғи ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида қўллаш, шунингдек, қаттиқ маший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги маҳсус автотранспорт воситалари ва техникаларини давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка бериш муддати бир йиллик имтиёзли давр билан 7 йилдан 10 йилга узайтирилди.

Маший, қурилиш ва тиббиёт чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларнинг республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кириладиган маҳсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан озод қилиниши бўйича имтиёzlари 2025 йил 1 августга қадар этиб белгиланди.

Шунингдек, 2024 йил 1 январга қадар эса инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратиладиган, умумий қиймати 5 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставкадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача «2+1» тамойили асосида компенсациялар тақдим этилади.

Эътиборлиси, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик назоратини рағбатлантириш ва қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари фаолияти ислоҳ қилинмоқда.



Президентимизнинг «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиши ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилингани айни вақтда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



2024 йил 1 январга қадар эса инвестиция лойихаларини амалға ошириш дөйрасида тижорат банкларининг миллий валютада ажратыладиган, умумий киймати 5 миллиард сүмдан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмаган кредитлари бўйича унинг асосий ставгадан ошган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун уч йил муддатгача «2+1» тамойили асосида компенсациялар тақдим этилади.

Хусусан, экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига экология соҳасидаги ваколатли вазирлик томонидан юритиладиган «Яшил макон» ва бошқа платформалардан фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда уларни соҳада амалға оширилаётган ишлар кўлами ва натижалари тўғрисида мунтазам хабардор қилиб бориш, шу билан бирга экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига тегишли ҳудудда атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I — IV тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи обьектларда белгиланган тартибда олиб бориладиган экологик назорат тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларига вазирлик ёки у ваколат берган бошқа масъул шахслар томонидан гувоҳномалар берилади ҳамда экологик назоратнинг жамоатчи инспекторларини уларнинг фаолияти натижаларига кўра «Табиат ҳимоячиси» кўкрак нишони билан тақдирланади.

Ички ишлар органлари таянч пункти профилактика (катта) инспекторларига маҳаллаларда экологик назоратни олиб бориш орқали маҳаллаларда экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалға ошириш, шунингдек браконьерликка қарши курашиб, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга доир ҳуқуқбузарликлар бўйича бевосита маъмурний жавобгарликка тортиш ваколатини бериш орқали «Экологик патруль» тизими ҳам кенгайтирилади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январдан бошлаб, янги қуриладиган кўп квартирали уйларни чиқинди тўплаш жойларини белгиламасдан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш тақиқланмоқда. Янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг чиқинди тўплаш жойлари улардаги квартиralар сонига мутаносиб равиша ҳамда атрофдаги мавжуд чиқинди тўплаш шохобчаларни қуввати ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.

Экология соҳасидаги ваколатли вазирлик 2022 йил 1 октябрга қадар Ахборот технологиялари ва

коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда аҳолига қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тўловларни барча мавжуд тўлов тизимлари орқали амалға ошириш имкониятини яратади.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимчаchora-tadbirlar tўғrisida»ги қарори қабул қилингани айни вақтда юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлиdir.

Мазкур ҳужжат билан Санитар тозалаш хизматларини ташкил этиш марказлари негизида Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ҳудудий филиаллари ташкил этилиб, ягона вертикал тизими шакллантирилмоқда.

Соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни ривожлантириш, абонентлар ҳамда тўловлар ҳисобининг ягона биллинг тизими, шу жумладан электрон тўлов

тизимларини такомиллаштириш, чиқиндиларни түплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун мажбурий түловларни ундиришда электрон түлов тизимларидан фойдаланиш харжатларини марказлаштирилган ҳолда қоплаш ҳамда соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ва бошқа шу кабилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Қарорда 2023–2024 йилларда қаттиқ майший чиқинди полигонларини рекультивация қилиш бўйича манзилли дастур юзасидан ҳудудлардаги жами 190 гектар майдондаги полигонлар рекультивация қилиниши ва бу учун 28 млрд сўм миқдоридаги маблағлар маҳаллий бюджет ва Экология жамғармасидан тенг улушда ажратилиши ўз ифодасини топган. Рекультивация қилинган ҳудудлар эса ҳокимликлар захирасига қайтарилади.

Ушбу йилларда қаттиқ майший чиқиндиларни түплаш шоҳобчаларини қуриш бўйича манзилли дастур бўйича ҳудудлардан 437 та янги шоҳобчалар ташкил этилади. 2023–2024 йилларда қурилиш чиқинди полигонларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастур бўйича ҳудудларда жами 25 та қурилиш чиқинди полигонлари қурилади.

Яна бир муҳим жиҳати, 2022–2023 йилларда ижтимои соҳа обьектларини чиқинди контейнерлари билан қўшимча жиҳозлаш бўйича манзилли дастур бўйича мактабгача таълим, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ташкилотларида 18,9 мингта чиқинди контейнерлари ўрнатилади. Биргина 2023 йилда тибиёт чиқиндиларини зарарсизлантириш обьектларини ташкил этиш мақсадида манзилли дастур бўйича ҳудудларда жами 60 та тибиёт чиқиндиларини утилизация қилиш участкалари барпо этилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар устидан таъсиран жамоатчилик назоратини олиб бориши Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган майший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш имконини беради.



2023 йил 1 январдан бошлаб, янги қуриладиган кўп квартирали уйларни чиқинди түплаш жойларини белгиламасдан лойиҳалаштириш ҳамда фойдаланишга қабул қилиши тақиқланмоқда. Янги қуриладиган кўп квартирали уйларнинг чиқинди түплаш жойлари улардаги квартиralар сонига мутаносиб равишда ҳамда атрофдаги мавжуд чиқинди түплаш шоҳобчалари қуввати ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштирилади.



ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони
2. Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги «Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкил этиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-189-сон Фармони;
3. Узбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаликни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-349-сон қарори
4. Узбекистон Республикаси Президентининг «Атроф-муҳитни муҳофaza қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-76-сон қарори;
5. »Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофaza қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2915-сонли қарори;
6. »2017-2021 йилларда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2916-сонли қарори;
7. Узбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисида»ги 362-II-сонли Қонуни.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛОРОС РЕСПУБЛИКАЛАРИДА ЗАЖАРЛЫ

НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ УЧУН
ЖАВОБГАРЛЫК: ҚИЁСИЙ-ХУҚУКИЙ ТАҲЛИЛ





КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА

МОДДАЛАРНИНГ



RESPONSIBILITY FOR ILLEGAL TRAFFICKING OF POTENT AND TOXIC SUBSTANCES IN THE
REPUBLICS OF UZBEKISTAN AND BELARUS: COMPARATIVE LEGAL ANALYSIS

Сардор ТОШНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Хуқуқни муҳофаза қилиши
академияси мустақил изланувчиси
(Электрон почта манзили:
sardorbilol@mail.ru,
telegram: +99897-421-39-55)

Sardor TOSHNIYOZOV,
Independent Applicant
Law enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
(email address: sardorbilol@mail.ru,
telegram: +99897-421-39-55)

АННОТАЦИЯ: Мақолада
Ўзбекистон ва Белорус
республикаларининг
кучли таъсир қилувчи ва
заҳарли моддаларнинг
ноқонуний муомаласи
 билан боғлиқ белгиланган
 маъмурӣ ва жиноӣ
 жавобгарлик чоралари
 қиёсий-хуқуқий таҳлил
 қилиниб, ушбу давлатлар
 қонунчилигининг бу каби
 ғайриқонуний қилмишларга
 қарши курашиш соҳасидаги
 ўҳшашликлари ҳамда
 ўзига хос жиҳатлари
 ёритилган. Тадқиқот
 натижаси бўйича муаллиф
 томонидан хорижий
 тажриба асосида ушбу
 моддалар билан боғлиқ
 хуқуқбузарликларга қарши
 курашиш самара дорлигини
 оширишга қаратилган
 айrim таклифлар илгари
 сурилган.

КАЛИТ СҮЗЛАР: кучли таъсир
 қилувчи моддалар, заҳарли
 моддалар, жиноят таркиби,
 маъмурӣ хуқуқбузарлик,
 маъмурӣ жавобгарлик,
 жиноӣ жавобгарлик.

ANNOTATION: The article
highlights the similar and
distinctive features of the
legislation of the Republic of
Uzbekistan and Belarus in the
area of responsibility for the
illegal trafficking of potent
and toxic substances on the
basis of a comparative legal
analysis of administrative and
criminal liability established
for the specified illegal act.
Based on the results of the
analysis, the author puts
forward proposals aimed at
improving the effectiveness
of combating offenses related
to these substances.

KEY WORDS: potent substances,
toxic substances, corpus
delicti, administrative offense,
administrative liability,
criminal liability.



Ж



учли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи бугунги кунда аҳоли саломатлиги ва жамият тинчлигига рахна соловчи омиллардан бирига айланиб бўлди. Уларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишда миллий қонунчилик базаси мунтазам равишда такомиллаштирилиб келинмоқда. Бу борада хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада биз кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи миллий қонунлигимизни Белорус Республикасининг қонунчилиги билан солиширишга уриндик.


Ҳар иккала давлатнинг қонунчилигининг таҳлили кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича етарлича механизмлар белгиланганлигини, ўхшаш ва ўзига хос нормаларнинг мавжудлигини кўрсатди.

Жумладан, ушбу моддалар билан боғлиқ ноқонуний қилмишлар учун Узбекистон жиноят ва маъмурий қонунчилигига 9 тоифадаги, Белорусда эса, 7 тоифадаги жавобгарлик чоралари ўрнатилган.

Маъмурий жавобгарлик. Узбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (МЖтК) қўйидаги 2 та ҳуқуқбузарлик [2]:

- МЖтКнинг 165¹-моддаси 3-қисмида таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима);
- МЖтКнинг 188-моддасида вояга етмаган шахсни гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки

воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима) учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Гарчанд, ушбу модданинг диспозициясида айнан кучли таъсир қилувчи моддалар курсатилмаган бўлса-да, мазкур моддалар кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар тоифасига киради. Зеро, бу каби моддалар келиб чиқиши синтетик ва табиий моддалар бўлиб, одам руҳиятга фаол таъсир этиш хусусиятига эга.



Белорус Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида [4] (МХтК) эса, Узбекистон маъмурий қонунчилигидан фарқли равишда фақатгина МЖтКнинг 188-моддасида белгиланган ҳуқуқбузарлик каби қилмиш учун жавобгарлик чораси ўрнатилган. МХтКнинг 19.4-моддасида вояга етмаган шахсларни кучли таъсир қилувчи ёки бошқа турдаги гангитувчи моддаларни нотиббий мақсадларда истеъмол этишга жалб қилиш учун базавий миқдорининг 5 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима назарда тутилган.

Жиноий жавобгарлик. Юқорида қайд этганимиздек Узбекистон Республикасининг Жиноят кодексида [1] (Узбекистон ЖК) ҳам Белорус Республикасининг Жиноят кодекси [3] (Белорус ЖК) ҳам бир қатор жиноят таркиблари кўзда тутилган.

Дастлаб, ҳар иккала давлат жиноят қонунчилигига мавжуд бўлган жиноят таркибларини кўриб чиқамиз.

Жумладан, МЖтКнинг 188-моддасида белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликни шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тақроран содир этса, унга



нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 200 бараваригача миқдорда жарима, 360 соатача мажбурий жамоат ишлари, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилиши мумкин (Ўзбекистон ЖК 127-моддасининг биринчи қисми).

Белорус ЖК 173-моддаси 1-қисмида ҳам ўхшаш жиноят таркиби кўзда тутилган. Бироқ, ушбу модданинг таҳлили бу икки давлат ўртасида қўйидаги ўзига хос хусусиятларни кўрсатди:

Биринчидан, Белорус ЖК 173-моддасининг 1-қисмида вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни нотиббий мақсадларда мунтазам истеъмол қилишга жалб қилиш учун тұғридан-тұғри жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни, шахс бир маротаба вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб қиласа, у жиноий жавобгар бўлмайди, бироқ агарда у ушбу қилмишни тақроран содир этса ва маъмурӣ жавобгарликка тортилмаган бўлса ҳам жиноий жавобгар бўлади;

Иккинчидан, Белорус ЖК 173-моддасининг 1-қисмида мазкур қилмиш учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлари белгиланган. Уларга қилмиш зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, вояга етмаганинг ота-онаси, педагог ходим ёки жабрланувчини тарбиялаш мажбуриятини бажаришга масъул бўлган бошқа шахс томонидан содир этилиши киритилган.

Шу ерда ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. О.А.Буркина кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиб миллий хавфсизликнинг долзарб масаласи эканлигини, йилдан-йилга аҳоли, айниқса ёш болалар ва ёшлар ўртасида ушбу моддаларнинг кенг тарқалаётганлигини таъкидлаган [9]. Дарҳақиқат кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси миллий генофондга, айниқса ёшларнинг саломатлигига таҳдид солувчи омилга аллақачон айланиб бўлган. Ушбу моддаларни ёшлар томонидан нотиббий мақсадларда истеъмол қилиниши натижасида миллий генофондга

зарар етиб, жамиятда носоғлом, моддаларга тобе бўлган одамларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Ўзбекистон ЖК 127-моддасининг 3-қисмiga кўра, вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш жинояти ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда содир этилиши 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишига сабаб бўлади. Бироқ, ушбу оғирлаштирувчи ҳолат кучли таъсир қилувчи моддаларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бизнинг фикримизга кўра, Ўзбекистон ЖК 127-моддасида юқорида қайд этилган оғирлаштирувчи ҳолат вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш ҳолатларида мавжуд бўлганда оғирроқ жазо чоралари белгиланиши қерак.

Учинчидан, Ўзбекистон жиноят қонунчилигидан фарқли равища Белорус қонунчилигидага мазкур қилмиш учун оғирроқ жазо чоралари назарда тутилган. Жумладан, оғирлаштирувчи ҳолатларсиз Белорус ЖК 173-моддасининг 1-қисмида бошқа муқобил жазоларсиз фақатгина қамоқ ва З йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, оғирлаштирувчи ҳолатларда эса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмасдан 1 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнатилган.

Ўзбекистон ЖК 246-моддасининг 1-қисмида кучли таъсир қилувчи ва



**Ўзбекистон ЖК
127-моддасида
юқорида
қайд этилган
оғирлаштирувчи
ҳолат вояга
етмаган шахсни
кучли таъсир
қилувчи моддаларни
истеъмол этишга
жалб қилиш
ҳолатларида
мавжуд бўлганда
оғирроқ жазо
чоралари
белгиланиши қерак.**





заҳарли моддаларнинг контрабандаси учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган. Белорусда ҳам бу каби қилмиш учун алоҳида жиноят таркиби ўрнатилган. Жумладан, Белорус ЖК 333¹-моддасида Евросиё иқтисодий иттифоқи ёки Белоруссиянинг божхона чегарасидан кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни ўтказиш учун 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ушбу модданинг 2 ва 3-қисмларида қилмишни оғирлаштирувчи белгилари сифатида ҳаракат бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран, мансаб мавқеини сунистеъмол қилиш йўли билан, божхона назоратини амалга оширувчи шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш билан ёхуд уюшган гурӯҳ томонидан содир этилиши қайд этилиб, 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ҳар иккала давлатнинг жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган жиноят таркибининг кейингиси бу кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равиша тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равиша ўтказишин уз ичига олади.

Ушбу ҳаракат учун жавобгарлик Ўзбекистон ЖК 251¹-моддасида назарда тутилган бўлиб, ушбу қилмиш оғирлаштирувчи ҳолатларсиз 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, 2 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосидан бири тайинланишига сабаб бўлади. Қилмишни оғирлаштирувчи белгилар сифатида ҳаракат такроран, бир гурӯҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, уюшган гурӯҳ томонидан ва моддаларнинг кўп миқдорига нисбатан содир этилиши белгиланган бўлиб, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Белорус ЖК 333-моддасида мазкур қилмишни содир этган шахсларга нисбатан жарима, қамоқ, 5 йилгача озодликни чеклаш ёки ушбу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланиши мумкин.

Ҳар иккала давлатнинг жиноят қонунчилигидаги ушбу жиноят таркиблари бир хил ҳаракатларни, яъни кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равиша тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равиша ўтказишин уз ичига олади.

Гарчанд, ҳар иккала давлатнинг жиноят қонунчилигига мазкур ҳаракатлар учун ўхаш жавобгарлик чоралари ўрнатилган бўлса-да, таҳлиллар улар орасида бир қатор ўзига хос жиҳатлар мавжудлигини кўрсатди.

Биринчи фарқ, Белорус ЖК 333-моддасида назарда тутилган жиноят предметига Ўзбекистон жиноят қонунчилигидан фарқли ўлароқ кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар киритилмаганлиги ва уларни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик чоралари кўзда тутилмаганлиги билан боғлиқдир.

Иккинчи фарқни қилмишни оғирлаштирувчи белгиларида кўришимиз мумкин. Бу борада Ўзбекистон жиноят қонунчилигидан фарқли равиша Белорусда кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларни квалификация қилишда уларнинг миқдори умуман аҳамиятга эга эмас.

Бундан ташқари, Белорус ЖК 333-моддасида жавобгарликни оғирлаштирувчи белгилар сифатида қилмиш хорижий давлат ёки халқаро ташкилот вакилига нисбатан террорчилик ҳаракатини, халқаро ҳимоя остидаги ташкилотларга ҳужум



қилиш, геноцид, экоцид, уюшган қуролли гурух тузиш ва бошқа бир қатор жиноятларни содир этиш мақсадида амалга оширилиши белгиланиб, 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Учинчи фарқ Белорус ЖК 333-моддасида иккита мустақил жиноят таркиби учун жавобгарликнинг битта моддада кўзда тутилганлигидир. Хусусан, ушбу моддада ҳам юқорида қайд этилган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища муомалага киритиш жинояти ҳам ушбу моддаларни қонунга хилоф равища эгаллаш жинояти назарда тутилган. Белорус жиноят қонунчилигидан фарқли равища кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища эгаллаш ҳаракати учун жавобгарлик алоҳида, яъни Узбекистон ЖК 251-моддасида белгиланган.

Бизнинг фикримизга кўра, бу каби иккита мустақил жиноят таркибининг битта моддада акс эттирилиши талон-торож қилиш жиноятларидан кўра енгилроқ жазо чоралари белгиланишига сабаб бўлиб, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг кенга тарқалиши, улар ёрдамида бошқа турдаги оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этилишига қарши курашишда самарасиз ҳисобланади.

Таъкидланганидек, Белорус ЖК 333-моддасининг 1-қисмида ҳам кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равища тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равища ўтказиш ҳам уларнинг ноқонуний эгаллаш учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ушбу модданинг 2-қисмида эса, қилмишни оғирлаштирувчи белгиларидан бири сифатида моддалар босқинчилик ва товламачилик йўли билан эгалланиши кўрсатилган. Бунда энг кўп жазо сифатида 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Ваҳоланки, Белорус ЖК 207-моддасининг 2-қисмида босқинчилик жинояти уй-жойга ғайриқонуний равища кирган ҳолда, баданга оғир шикаст етказган ҳолда ёхуд жуда кўп миқдорда содир этилса 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Яъни, бу ҳолатда маҳсус моддада белгиланган жавобгарлик чоралари умумий моддадан кўра енгилроқ бўлиб қолган.

Узбекистон ЖК 251-моддасида эса, ушбу кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни талон-торож қилишининг турли йўллари билан қонунга хилоф равища эгаллаш учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Тўртинчи фарқ, кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддалар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик билан боғлиқдир.

Узбекистонда ҳам ушбу ҳаракат кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища муомалага киритиш қилмишлари учун жавобгарлик чоралари битта моддада, яъни Узбекистон ЖК 251¹-моддасида белгиланган.

Аксинча, Белорусда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларни бузиш учун жавобгарлик алоҳида моддада белгиланган (Белорус ЖК 334-моддаси).

Ҳар иккала давлатнинг жиноят қонунчилигига кўра, мазкур жиноят моддий таркибли жиноят ҳисобланади. Бироқ, Узбекистон жиноят қонунчилигидан фарқли улароқ Белорусда ушбу қилмиш учун жавобгарлик кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг талон-торож қилиниши ва бошқа тарзда жиддий зарар етказилишидан ташқари, моддаларнинг йўқолиши ҳам жиноят таркибини ҳосил қиласи.

Шунингдек, ушбу қилмиш учун жавобгарлик чоралари Узбекистон жиноят қонунчилигига кўра, бир мунча оғирроқ эканлигини кўришимиз мумкин. Белорус ЖК 334-моддасига кўра, ушбу қилмишни содир этган шахсга энг кўпи билан 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлса, Узбекистон ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмига кўра, ушбу қилмишни содир этган шахс 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

БЕЛОРУС ЖК 333-МОДДАСИДА ЖАВОБГАРЛИКНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ
БЕЛГИЛАР СИФАТИДА КИЛМИШ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ ЁКИ ХАЛҚАРО
ХИМОЯ ОСТИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА ХУЖУМ КИЛПИШ, ГЕНОЦИД, ЭКОЦИД,
УЮШТАН КУРОПЛИ ГУРУХ ТУЗИШ ВА БОШҚА БИР ҚАТОР ЖИНОЯТЛАРНИ
СОДИР ЭТИШ МАҚСАДИДА АМАЛГА ОШИРИЛШИ БЕЛГИЛАНИВ, 12 ЙИЛГАЧА
ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН



**Белорус
Республикасида
эса, ҳар иккала
моддаларнинг
рўйхатлари
Вазирлар
Кенгашининг битта
қарори [б] билан
тасдиқланган.
Рўйхатларда
Ўзбекистон
қонунчилигидан
кўра камроқ,
хусусан,
кучли таъсир
қилувчининг 47 та
тоифаси, заҳарли
моддаларнинг
6 та тоифаси
белгиланган.**

Назаримизда, Белорус қонун чиқарувчисининг мазкур турдаги қилмишни кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жинояти таркибига киритмасдан алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаганлиги тўғри ҳисобланади. Зоро, ушбу жиноят ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузиш билан боғлиқдир. Шунга асосан, ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмини алоҳида моддага ажратиб чиқариш керак, деб ҳисоблаймиз.

Юқорида кўриб чиқилган жиноят таркибларидан ташқари ҳар иккала давлатнинг жиноят қонунчилиги бир-бирида учрамайдиган жавобгарлик чораларига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон ЖК қўйидаги 2 та жиноят учун:

– шахсларга алкоголли ичимликларни ёхуд гиёхвандлик моддалари, психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш (Ўзбекистон ЖК 127¹-моддасининг иккинчи қисми);

– таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда бузиш (Ўзбекистон ЖК 186³-моддасининг бешинчи қисми) учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазқур жиноят таркиби Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 21 июлдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

ЎРҚ-629-сонли Қонуни билан киритилиб, унинг субъекти маҳсус субъект, яъни таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини бунга руҳсатномаси (лицензияси) бўлган дорихона ходимлари ҳисобланади [8].

Белорусда бу каби ҳаракатлар учун алоҳида жиноят таркиблари белгиланмаган бўлса-да, ушбу давлатнинг ЖК 126 ва 289-моддаларида Ўзбекистон жиноят қонунчилигига учрамайдиган кучли таъсир қилувчи моддалардан фойдаланган ҳолда террорчилик ҳаракатлари, шу жумладан ҳалқаро террорчилик ҳаракатини содир этиш учун алоҳида жиноят таркиблари учун жавобгарлик чоралари белгиланган бўлиб, ушбу ҳаракатлар учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш ва ҳаттоки ўлим жазоси назарда тутилган.





Мар иккала давлатда ҳам кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг рўйхати Ҳукумат қарори билан тасдиқланган. Жумладан, Ўзбекистонда Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг қарори [5] билан тасдиқланган бўлиб, рўйхатга 78 та модда киритилган. Заҳарли моддаларнинг рўйхати эса, Ҳукуматнинг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори [7] билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомнинг 30-иловасида (Портловчи ва заҳарли моддаларни, уларни қўллаган ҳолда материаллар ва маҳсулотларни, шунингдек, портлатиш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини лицензиялаш паспорти) белгиланган. Мазкур рўйхатда 11 та позицияда заҳарли моддаларнинг номлари санаб ўтилган.

Белорус Республикасида эса, ҳар иккала моддаларнинг рўйхатлари Вазирлар Кенгашининг битта қарори [6] билан тасдиқланган. Рўйхатларда Ўзбекистон қонунчилигидан кўра камроқ, хусусан, кучли таъсир қилувчининг 47 та тоифаси, заҳарли моддаларнинг эса, 6 та тоифаси белгиланган.

Хулоса ўрнида, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишда миллий қонунчиликда белгиланган нормаларни хорижий давлатларнинг қонунчилиги

билан қиёслаш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, қонунчилик нормаларни қиёслаш орқали миллий қонунчиликка имплементация қилиниши мумкин бўлган хорижий мамлакатларнинг илфор тажрибаси аниқланади.

Олиб борилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар асосида Ўзбекистон жиноят қонунчилигига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Улар жумласига ЖК 127-моддасида зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб, шунингдек, ўқув юртларида, ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказадиган бошқа жойларда вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш учун оғирроқ жавобгарлик чораларини белгилаш ҳамда ЖК 251¹-моддасининг 4-қисмидаги жиноят таркибини алоҳида моддага ажратиш киради. Ўйлаймизки, мазкур таклифларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонуний муомаласига қарши курашиш самарадорилиги ошишига, аҳоли, айниқса ёшлар томонидан уларни нотиббий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларининг камайишига, жиноят қонунчилигидаги қарама-қаршиликларнинг бартараф этилишига хизмат қиласди.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси – <http://lex.adm.uz/uz/docs/111453>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси – <http://lex.adm.uz/uz/docs/97664>.
3. Белорус Республикасининг Жиноят кодекси 1999 йил 9 июль, 275-3-сон: [Электрон ресурс]: 2023 йил 9 март ҳолатига ўзг. ва қўш. билан. – Белорус Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портали, <https://pravo.by>.
4. Белорус Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекси 2021 йил 6 январь, 91-3-сон: [Электрон ресурс]: 2022 йил 9 декабрь ҳолатига ўзг. ва қўш. билан. – Белорус Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портали, <https://pravo.by>.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартиби солиш тўғрисида”ги 818-сон қарори – <http://lex.adm.uz/docs/4532164>.
6. Белорус Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2019 йил 15 августдаги “Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 537-сон қарори – Белорус Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портали, <https://pravo.by>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “Махсус электрон тизим орқали айrim фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 80-сон қарори – <http://lex.adm.uz/docs/5870213>.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 27 ноябрдаги “Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равища муюмалага киритиш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 33-сон қарори - <http://lex.adm.uz/uz/docs/5809130>.
9. О.А.Буркина, С.О.Теплоухова. Незаконный оборот сильнодействующих и ядовитых веществ в целях сбыта (Ст.234 УК РФ) / Бизнес в законе. № 1. 2015. – 54-56 с.



ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШИНГЕ ПРОЦЕССУАЛ МУАММОЛАРИ



Жасурбек АТАНИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги
университети Олий таълимдан
кейинги таълим факультети
докторанти, капитан
телефон: +998972249998
jasurbekataniyazov91@gmail.com
ORCID: 0000-0003-39-53-3800

Jasurbek ATANIYAZOV,
Doctoral student of the Faculty of
Postgraduate Education,
University of Public Security of the
Republic of Uzbekistan, captain



PROCEDURAL PROBLEMS OF EXEMPTION FROM CRIMINAL LIABILITY

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада жиноий жавобгарликдан озод этишда мавжуд процессуал муаммолари ва иш юритувини рад этиш асослари сифатида қайд этишнинг ҳуқуқий тартибга солиш жиҳатлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда анализ, синтез, индукция, дедукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил каби методлар қўлланилган. Тадқиқот ишида илғор хорижий тажриба, илмий-назарий

ABSTRACT: This article discusses the regulatory and legal aspects of fixing existing procedural problems and proceedings as grounds for refusing to bring to criminal responsibility. The study used such methods as analysis, synthesis, induction, deduction, comparative legal analysis. During the research work, advanced foreign experience, scientific and theoretical views and

қарашлар ва тергов ҳамда суд амалиёти ўрганилган, бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: кам аҳамиятли қилмиш, зарурий мудофаа, охирги зарурат, рад этиш, жиноят ишини тугатиш.

investigative and judicial practice were studied, as a result of which proposals and recommendations were developed for amendments and additions to the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan and other legislative acts.

KEYWORDS: insignificance of the act, necessary defense, extreme necessity, refusal, termination of the criminal case.



Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 1 ноябрдаги Андикон вилояти сайловчилари билан учрашувдаги нутқида айтиб ўтганидек, «Юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлатда адолатсизлик бўлишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Қонун ва адолат ҳимояси ҳоқимиятнинг барча бўғинлари, энг аввало, давлат бошқаруви органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг биринчи даражали вазифаси бўлиб, айни пайтда бутун жамиятимизнинг куч ва имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш шарт, деб ҳисоблаймиз»[1, 22-б.].

Дарҳақиқат давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонун ва адолат ҳимояси давлат ва жамиятнинг нормал фаолият олиб боришида муҳим ўрин эгаллайди, ҳамда мазкур вазифа бевосита давлат назоратида бўлиши жуда муҳимдир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси бешинчи бўлими жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Кодекснинг XII-бобида жавобгарликдан озод қилишнинг турлари белгилаб қўйилган. Мазкур жавобгарликдан озод этишнинг муҳим шарти бу – аввало шахснинг жиноий қилмишни содир этганилиги бўлиб ҳисобланади, яъни шахс бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этганилиги учун уни жиноий жавобгарликдан озод этиш имконисиздир.

М.Х.Рустамбаев “Қилмишнинг жиноийлиги уни ижтимоий хавфли деб баҳолаш учун асос бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг таркиби билан ифодаланади.” [2, 29-6.] деб таъриф беради. Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, жиноий қилмишнинг ижтимоий муносабатларга етиши мумкин бўлган реал хавф натижасидаги зарар даражаси ифодаланилиши назарда тутилган.

А.А.Русман “жиноий қилмиш – бу ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури сифатида тавсифланади. Бунда давлат мазкур қилмиш асосида шахсга салбий баҳо беришга ҳақли эканлигини айтади” [3, 12-6.]. Олимнинг фикрлари бироз жузъий бўлса-да, жиноий қилмиш давлат ва шахс ўртасида вужудга келувчи ҳуқуқий муносабат тавсифланиши етарли эмас.

Юридик энциклопедияларда қилмиш – ижтимоий хавфли, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик[4, 609-б.], шунингдек жиноий қилмиш – жиноят қонунлари билан муҳофаза қилинувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид қилувчи жамиятга қарши ва инсон ахлоқ қоидаларидан четга чиқувчи акт[5, 154-б.] дейлади.

Бизнингча, олимларнинг фикри билан келишган ҳолда, “Жиноий қилмиш – содир этилган вақтида Жиноят кодекси билан белгиланган ва ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарувчи айбли ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир” деб таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси “Реабилитация учун асослар” деб номланиши ва унда келтирилган асосларни мазкур кодекснинг 464-моддасида “Оқлов ҳукмини чиқариш асослари” деб такрор келиши, бундан ташқари кодекснинг еттинчи бўлими “Реабилитация” деб

номланиши ва унга оид барча қоидалар, сабаблар ва оқибатларни белгиланиши фикримизча тушунарсиздир.

Б.Муродовнинг фикрига кўра, ЖПКнинг 84-моддаси номланиши назарий жиҳатдан ҳам, суриштирув, тергов ва суд амалиётида ҳам турлича тушунилишига сабаб бўлмоқда. Профессор “Жиноят-процессуал қонун нормаларининг тўғри қўлланилиши учун жиноят ишини тугатиш институтини реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларга ажратиш орқали таснифлаш лозим” [6, 73-б.] деб таъкидлайди.

Албатта, тасниф асосан жиноят ишини юритиш давомида қўлланилиши ҳақидадир. Б.Муродовнинг илгари сурәттган таснифлаши, ушбу жиноят иши қўзғатиш босқичидан кейинги ва унинг натижасига кадар бўлган босқичда якунланишидир. Айнан биз эътибор қилаётган норманинг номланиши ва мазмунидаги жиҳат яъни жиноят ишини тугатиш бу – жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ваколатини ўзида қамраб ололмаслигидадир.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида иш юритувни рад этиш ёки тугатишда жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал асосларга бўлишни илгари сурган олимларнинг фикри эътиборга сазовордир. Хусусан, Д.М. Миразов, Э.И. Бордиловский ва О.А. Галустьян иш юритишини рад этиш ёки тугатиш асосларининг жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал асосларга булиниши мантиқан тўғри эканлигини таъкидлайдилар[7, 30-33-б.].

Таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-84-моддаларини яхлитлаштириш ва ушбу нормаларда кўрсатилган асосларни битта нормада акс эттириш, илғор хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги иш юритишини истисно қилувчи асосларини миллий қонунчилигимизга мувофиқ келувчи асослар билан бойитган ҳолда, “жиноята оид ишларни юритишини рад этиш ва тугатиш асослари” деб номлаш мақсадга мувофиқ.

Бунда белгиланган асосларнинг ҳар бири бўйича айблов моҳиятига боғлиқ ҳолда, шахсга нисбатан ресурслар сарфини ортиқча сарф этмай, иш юритувни рад этиш ёки тугатиш билан боғлиқ қарорларнинг қабул қилиниши натижасида шахсга нисбатан вужудга келаётган ҳуқуқий оқибатнинг аниқ белгиланишига хизмат қиласди.

Бу каби амалиёт, Тожикистон[8], Қирғизистон[9] ва Қозоғистон Республикасида[10], шунингдек, Озарбайжон Республикаси[11], Россия Федерациясида иш юритишини истисно қилувчи асослар барчasi битта нормада яхлит белгиланган[12].

Шу билан бирга, ЖКнинг IX-боби қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланганда уларни ҳал этиш тартиби жиноят процессыал қонунчиликда белгиланмаганлиги тушунарсиз.

М.Х.Рустамбаев “қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар маълум бир қилмишнинг хусусиятини акс эттириб, унинг ижтимоий фойдали эканлигини, унинг маънавий жиҳатдан ва қонун томонидан маъқулланиши ёки унинг мумкин эканлигидан далолат беради[13, 420-б.]” дейди.



**Тадқиқот жараёнида
үрганилган статистик
маълумотлар ва жиноят
ишлари таҳлилларга
кўра, прокуратура
идоралари ЖКнинг
36-411-моддаларида
назарда тутилган
ҳолатлар аниқланганда
асосан ЖПКнинг
83-моддаси 2-бандига
асосан иш юритишини
рад этиш ёки тугатиши
қарорларини қабул
қилмоқдалар[19].**

Жиноят ҳуқуқининг белгилашича, қилмишнинг жинойлигини истисно қиласиган ҳолатлар деб топишимиз учун З асосий белгидан бирини бўлиши, яъни ижтимоий хавфли бўлмаслиги, ғайриқонуний бўлмаслиги ёки айбли бўлмаслигини талаб этади. Бунда қилмишнинг жинойлигини истисно қиласиган ҳолат деб топиш учун ана шу белгиларнинг барчаси бир вақтда бўлиши талаб қилинмайди.

Бу борада ҳам олимларнинг турфа қарашлари мавжуд бўлиб, унга кўра бир гуруҳ олимлар қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, ЖПКнинг 83-моддасига кўра жиноят ишини рад этиш ёки тугатиши қонунга ҳилоф ҳисобланмаслигини айтсалар[14, 411-6.], бошқа бир гуруҳ олимлар унинг аксими яъни бир қарашда жиноятнинг барча элементлари кўриниб турган ҳолатларда реабилитация этиш асосларини қўллаб бўлмаслигини, мазкур ҳолат амалиётчиларни чалғитишини эътироф этишади[15, 25-6.].

Бизнингча, қилмишнинг жинойлигини истисно қиласиган ҳолатларда процессуал мажбурлов чораларнинг кескинлиги ёки маълум жазо чораларини қўллаш ҳам мазкур қилмишни содир этган шахснинг ҳуқуқларига путур етказади. Фикримизни асослаш учун суд амалиётида вужудга келган қуйидаги ҳолатларни келтириш мақсадга мувофиқ.

ЖИБ Навоий шаҳар судининг 2017 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, В. ЖК 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилиб, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган. Суд ҳукмига кўра, В. "Навоийпахтасаноат" АЖда ишлаб келган даврда, бирлашма раисининг бўйруғига асосан хизмат сафарига юборилган. В. хизмат сафари давомида Тошкент шаҳридаги "SAYOHAT-SARI" меҳмонхонасида яшамаган бўлса-да, дастлабки тергов даврида шахсни аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан бир гуруҳ бўлиб, 2012 йил 19 октябрдан 21 октябрга қадар шу меҳмонхонанинг 201-хонасида яшагани тўғрисидаги 007970-сонли квитанцияни сохталаштирган. Сунгра мазкур сохта квитанцияни АЖга ҳисобхонасига хизмат сафари гувоҳномаси билан бирга тақдим этиб, 70.000 сўм миқдорида хизмат сафари пулларини олган. ЖИБ суди, Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарорининг 9-банди

тушунтиришларига амал қилмаган амнистия актига асосан жазодан озод қилиш билан чегараланиб, хатога йўл қўйган. Суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноят ҳодиса юз бермагани сабабли жиноят иши ЖПК 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилган[18].

Шунингдек, ЖКнинг 13-моддаси 2-қисмида қилмишнинг жинойлигини бекор қилувчи ҳолатлар ва ЖКнинг 26-моддасида жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ҳолати жавобгарликни истисно қилиши белгилаб қўйилган.

Тадқиқот жараёнида үрганилган статистик маълумотлар ва жиноят ишлари таҳлилларга кўра, прокуратура идоралари ЖКнинг 36-411-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда асосан ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан иш юритишини рад этиш ёки тугатиши қарорларини қабул қилмоқдалар[19]. ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти ва унинг қўйи бўлинмалари 2020-2021 ва 2022 йилнинг 4-ойи давомида жами 56 та ишлар қилмишни жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар асосида рад этилган ёки тугатилган. Ушбу ишлар бўйича қарорлар турли асослар қўлланган ҳолда қабул қилинган бўлиб, 44 таси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига, 4 таси 83-моддаси 1-банди билан ва ЖКнинг 36-моддасига асосан 7 та ишлар бўйича қарорлар қабул қилинган. Бундан ташқари баъзи қарорларда ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларини баравар қўллаш ҳоллари мавжуд.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, терговга қадар текширув ва жиноят ишлари айнан ЖКнинг 36-моддасида назарда тутилган кам аҳамиятли қилмишлар асосида қабул қилинган бўлиб, қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи бошқа ҳолатлар бўйича умуман иш юритишини рад этиш ёки тугатиши билан боғлиқ қарорлар қабул қилинмаган. Мазкур ҳолатда, амалиёт қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатларга фақат бир томонлама қараётганлигини кўрсатади[20].

Юқорида амалиёт шуни кўрсатадики, қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар аниқланган ҳолларда терговга қадар текширув ҳужжатлари ва жиноят ишлари бўйича ЖПКда аниқ асос белгиламаганлиги бу борадаги муносабатларни турли хилда талқин қилинишига ёки бутунлай нотуғри қўлланилишига сабаб бўлмоқда.



Юқоридаги фикрлар ва судтергов амалийтадан келиб чиқиб, ЖПКнинг иш юритишни истисно қилувчи асосларига янги асосларни киритиш ва қуидаги таклифларни илгари сурин мақсадга мувофиқ.

83-модда. Жиноята оид ишларни юритишни рад этиш ва тугатиш асослари.

Жиноята оид ишлар қуидаги ҳолларда рад этилиши ёки тугатилиши лозим, агар:

1) юритувдаги иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) шахснинг содир этилган жиноята дахли бўлмаса;

4) шахс жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтган бўлса;

5) қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар аниқланган бўлса;

6) қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинган бўлса.



Юқоридаги қонун ҳужжатларига киритилиши лозим деб топилган ўзгартишлар аввало бу борадаги ишларни ҳуқуқий тартибга солишига ёрдам берса, иккинчи томондан фуқароларнинг айб учун жавобгарлик билан бир қаторда инсонпарварлик принципининг қонунлар ва фуқаролар онгига янада чуқур кириб боришига хизмат қиласи деб ҳисоблаймиз.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз // Замон билан ҳамнафас диёр. 2016-йил 1-ноябрдаги Андижон вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи. – Т., «Узбекистон» 2017., 22 б.;
2. Рустамбаев М.Х. Узбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 1 том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот олий таълим муассасалари учун дарслик (2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган) // – Т., – 2018. – Б.29;
3. Русман А.А. Прекращение уголовного дела в связи с примирением сторон на стадии предварительного расследования // Автореф. дис... канд. юрид. наук – Челябинск., – 2006 – С. 12;
4. Узбекистон юридик энциклопедияси. Иккинчи нашр. // – Т., "Адолат" – 2011. – Б.609;
5. Юридик энциклопедия. Ю.Ф.д. проф. Утаджихановнинг умумий таҳрири остида.Т.; 2001.–Б. 154;
6. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатиш институтини тақомиллаштириш: Юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2018. – Б. 73;
7. Бордиловский Э. И., Галустьян О. А. Приостановление, возобновление, прекращение уголовного дела и окончание следствия с обвинительным заключением. – М., 2004. – С.30–33; Жиноят ишини тугатиш асослари ва уларни қўллаш процессалар тартибини тақомиллаштириш бўйича мутахассисларнинг фикрларини ўрганиш юзасидан ўтказилган 2-сонли ёзма сўровга Д.М.Миразов томонидан берилган жавобларнинг таҳлили. Б.Муродовнинг Жиноят ишини тугатиш: назария ва амалиёт номли монографиясидан олинган;
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.07.2022 г.);
9. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 129;
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.07.2022 г.) https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&sub_id=0&pos=4;-111#pos=4;111
11. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ. Статья 39;
12. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (от 18 декабря 2001 года) <http://pravo.gov.ru/proxy/ips/?docbody=&nd=102073942> мурожаат санаси 16.08.2022 йил;
13. Рустамбаев М.Х. Узбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси 1 том Умумий қисм жиноят ҳақида таълимот олий таълим муассасалари учун дарслик (2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган) Тошкент 2018. 420-421 бетлар;
14. Муаллифлар жамоаси. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. Ички ишлар вазирлиги Академияси. – Т.: 2012. – Б. 411. (Team of authors. Criminal law. General section. Textbook. Academy of the Ministry of Internal Affairs. - T.: 2012. - P. 411);
15. Жиноят ишини тугатиш институтини тақомиллаштириш. Муродов Баҳтиёр Баҳодирович. Юридик фанлар бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати. 25-26 бетлар;
16. Жиноят ишлари бўйича суд амалиёти обзори. Жиноятни квалификация қилиш масалалари. 5-348-18-сонли ажрим <https://sud.uz/> мурожаат санаси 13.04.2022 йил;
17. Узбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг 27.04.2022 йилдаги 15/07-2-62925/22-сонли маълумотномаси;
18. Узбекистон Республикаси ИИВ Тергов Департаментининг 21.04.2022 йилдаги 18/3383-сонли маълумотномаси.



КОРРУПЦИЯ



КАРШИ

КУРАШИШИНГ

ИНСТИТУЦИОНАЛ
АСОСЛАРИ

INSTITUTIONAL FOUNDATIONS
OF FIGHTING CORRUPTION



Фарход ПРИМОВ,
ИИВ Академияси кафедра бошлиги
Юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори, доцент

Farkhad PRIMOV,
Head of the Department of the MIA Academy
PhD, associate professor

АННОТАЦИЯ: Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашишнинг институционал асослари таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-институционал асослари сифатида умумий ваколатга эга субъектлар, судлар, коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи субъектлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли субъектлар; коррупцияга қарши курашишда иштирок этувчи субъектлар баён этилган.

КАЛТИ СЎЗЛАР: Коррупция, коррупцияга қарши курашиш, парламент, коррупцияга қарши курашиш агентлиги, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

ANNOTATION: This article analyzes the institutional foundations of the fight against corruption. By the author, as the organizational and institutional foundations of the fight against corruption, entities with general authority, courts, entities coordinating the fight against corruption, and entities with special authority to fight against corruption; entities participating in the fight against corruption are described.

KEYWORDS: Corruption, anti-corruption, parliament, anti-corruption agency, courts, law enforcement agencies.





КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҚҮЙИДАГИ УЧ ЖИҲАТИНИ АЛОҲИДА АЖРАТИБ КЎРСАТИШ МУМКИН:



K

оррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-институционал асослари қўйидагилардан таркиб топган: коррупцияга қарши курашиш юзасидан умумий ваколатга эга субъектлар; судлар; коррупцияга қарши курашиш мувофиқлаштирувчи субъектлар; коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли субъектлар; коррупцияга қарши курашишда иштирок этувчи субъектлар.

Коррупцияга қарши курашиш юзасидан умумий ваколатлар парламент ва маҳаллий вакиллик органлари, Президент ҳамда Ҳукумат томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий функцияларидан бири Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳисобланар экан[3] шубҳасиз бугунги кунда мамлакат ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири коррупцияга қарши курашиш ҳисобланади. Президентлик институтининг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни биринчидан, бевосита президентнинг ўзи тегишли фармон ҳамда қарорлар қабул қилиш орқали иштироқида, иккинчидан, президент ҳузуридаги институтлар орқали (масалан, давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, бизнес-омбудсман) амалга оширилади.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назоратининг амалга оширилишини ҳамда илғор хорижий тажриба асосида ва парламентнинг барча бўғиндаги давлат органларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтиришга вакиллик органи сифатида муносаб ҳисса қўшишини таъминлайди[15].

Корақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қўмитаси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялари ўз фаолиятида маҳаллий даражада коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар. Маҳаллий Кенгаш сессияга киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш учун уз ваколатлари муддатига жамоатчилик асосида фаолиятни амалга оширувчи доимий ва мубаққат комиссиялар тузиши ҳамда улар таркибига ўзгартиришлар киритиши мумкин[16].

Суд ҳокимияти тизимида коррупциянинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳалқаро стандартларга кўра бу борада маҳсус чоралар куриш

Хусусан, Коррупцияга қарши конвенциянинг 11-моддасининг биринчи бандида "Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва у коррупцияга қарши курашишда ҳал қилувчи роль уинашини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштироқчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига путур етказмаган ҳолда судьялар ва суд органлари ходимлари ҳалоллиги ва поклигини кучайтириш ҳамда улар орасида коррупция илдиз отишига ҳеч қандай имкон бермаслик чораларини кўради" деб, белгиланган[1].

Ўзбекистон Республикасида судлар коррупцияга қарши курашишни қўйидаги йўналишлар бўйича тегишли ваколатларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриш доирасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қиласди. Конституциявий суднинг қарорлари [7,8,9,10,11,12,13,14]. таҳлили шуни кўрсатмоқдаки. Мазкур суднинг қарорлари



коррупцияга қарши курашишнинг қўйидаги тартиботларини белгилайди: биринчидан, тегишли қонун нормаларига шарҳ бериш орқали улардаги мавҳумликни бартараф этади ва ушбу мавҳумлик келтириб чиқариши мумкин бўлган коррупциявий омилларга чек қўяди; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлаштириш юзасидан қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритади; учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги юзасидан хulosалар беради.

Таҳлиллар конституциявий суд институтининг коррупцияга қарши курашишда муҳим имкониятларга эгалигини кўрсатмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлarda коррупцияга қарши курашиш юзасидан кучли ва мустаҳкам конституциявий назорат жорий этилган, бунда йирик коррупциявий ҳолатлар ва можароларда мазкур суд ҳал қилувчи қарорлар қабул қилиш вақолатига эга. Масалан, мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш, уларни истеъфога чиқариш, маълум қарорларга нисбатан вето қўйиш кабилар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга коррупция ва у билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўйича маҳсус судлар фаолиятининг йўлга қўйилиши самарали натижаларга эришиш имконини беради. Бу борада кўплаб хорижий мамлакатлarda (Филиппин Покистон, Индонезия, Непал, Кения, Бангладеш, Бурунди, Хорватия, Уганда, Камерун, Малайзия, Болгария, Ботсвана, Мексикада) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш бўйича маҳсус судлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси коррупцияга қарши курашиш юзасидан муҳим имкониятларга эга. Аммо қонунчиликда ушбу имкониятларни рўёбга чиқаришнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас. Хусусан Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи сифатида вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ҳамда йўналтириш ваколатига эга.

Коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи субъектлар давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги имкониятларини бирлаштиришни назарда тутади. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини бажаради.



**Норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларнинг Ўзбекистон
Республикасининг
Конституциясига
мувофиқлиги юзасидан
хulosалар беради.**



Миллий кенгашнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йигиш ҳамда таҳлил этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизmlарнинг самарадорлигини баҳолаш, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш, худудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш сингари вазифаларни бажаради[5].

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга биноан Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратура, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши

назарда тутилган. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ичida “кўмилиб қолган”га ўхшайди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича ушбу органнинг маълум ваколатлари белгиланган. Аммо коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколат миллий орган сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлаш лозим.

Б.М. Исмоилов Коррупцияга қарши курашиш агентлигига берилган функция ва вазифалар унинг мақомига тўғри келмаслиги, чунки Агентлик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланмаслиги ва унга тегишли функцияларнинг аксарияти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифа ва функцияларига тегишли эканлиги тўғрисида хулосага келган [2, 13-б.]. Бироқ биз ушбу муаллифнинг фикрига қўшила олмаймиз. Чунки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси мажбурий ҳуқуқий таъсир чоралари бевосита қўллаш ҳамда бевосита ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ ҳисобланади ва Агентлиқда эса бундай ваколатлар мавжуд эмас. Фикримизча, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг мавжуд булиши мақсадга мувофиқ эмас. Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясининг юклатилиши унинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро тақрорловчи функцияларга эга бўлишига олиб келади.

Халқаро тажрибалар таҳлили дунё давлатларида коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли органлар турли кўринишларда ташкил этилганлигини кўрсатмокда. Хусусан, АҚШ, Корея Республикаси, Сингапур, Хиндистонда бундай органлар кенг ваколатларга эга. Корея Республикасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия (Anti-Corruption and Civil Rights Commission) фаолияти йўлга қўйилган бўлиб,





Президентга ҳисоб беради (аммо бўйсунмайди) ҳамда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини мувофиқлаштиради, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш билан шуғулланади, коррупциянинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади, коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишли ҳисоботларни тақдим этади ва бошқа кўплаб функцияларни амалга оширади. Коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг функциялари ва маҳсус ваколатли органлар Сингапурда Коррупция ҳолатларини тергов қилиш бўйича маҳсус ваколатли Бюро (Corrupt Practices Investigation Bureau). Ушбу бюро коррупциявий ҳолатларни текшириш ва уларнинг олдини олишга масъул ҳисобланади ҳамда 1952 йилда Британия мустамлака ҳукумати томонидан ташкил этилган дунёдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкил этилган энг қадимий органдир[22]. Хиндистонда Марказий огоҳлик қўмитаси (Central Vigilance Commission, CVC) фаолият юритади. Мазкур орган коррупциявий ҳолатлар бўйича кузатув олиб боради ҳамда ҳукуматга тегишли маслаҳат ва тавсиялар берид боради.

Коррупцияга қарши курашувчи маҳсус давлат органлари (маҳсус ваколатли мансабдор шахслар) европа мамлакатларида ҳам фаолият юритади. Жумладан Францияда Коррупциянинг олдини олиш бўйича марказий хизмат (Service central de prevention de la corruption, SCPC), Руминияда Коррупцияга қарши курашиш миллий бошқармаси (National AntiCorruption Directorate), Хорватияда Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Давлат прокуратураси департamenti (Ured za suzbijanje korgpcije i organiziranog kriminala-USKOK) фаолият юритади. Финляндияда эса коррупцияга қарши курашиш билан Финляндия президенти томонидан тайинланадиган ва бошқа давлат органларидан мустақил бўлган Адлия Омбудсмани (Justitie-Ombudsman) шуғулланади.

Шундай қилиб коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли органлар институционал асосларининг қўйидаги асосий моделлари мавжуд:

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколатига эга кўпмақсадли коррупцияга қарши курашиш агентликлари. Бундай модель коррупцияга қарши курашиш масаласига универсал тарзда ёндашади. Битта субъектда профилактик ва жазолаш функциялари

комбинациялашади. Шунингдек, назорат қилиш, мониторинг қилиш, таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш каби функциялар ҳам бажарилади. Ушбу модельга Гонконг Коррупцияга қарши мустақил комиссияси ва Сингапурнинг Коррупция ҳолатларини тергов қилиш бўйича маҳсус ваколатли Бюроси мисол бўлади. Шунингдек, Янги Жанубий Уэльсда (Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия), Угандада (Хукумат Бош инспектори) мазкур модельнинг элементлари мавжуд[4];

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидағи коррупцияга қарши курашиш бўлимлари. Мазкур типдаги коррупцияга қарши курашиш институтлари қўйидаги алоҳида йўналишларга ихтисослашади: 1) тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишувчи органлар; 2) коррупция билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш органлари; 3) коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ ҳолда тезкор-қидирув ва тергов функцияларини амалга оширувчи органлар. Ушбу модель Норвегия (Иқтисодиёт ва атроф-муҳит соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш бўйича Норвегия Milliy Boşqarmasi, ОКОКРИМ), Бельгия (Коррупцияга қарши курашиш бўйича Марказий Бошқарма, ОЦРК), Испания (Коррупция билан боғлиқ иқтисодий жиноятларни тергов қилиш бўйича Ихтисослашган Прокуратура Хизмати, АҚПО), Хорватия (Коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш Бошқармаси, УПКОП), Руминия (Коррупцияга қарши курашиш бўйича Milliy Dиректорат, НАД) в Венгрия (Марказий тергов бюроси, ЦИОППС)да амал қиласди[4].

Коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш институти. Ушбу модель бир ёки бир неча профилактика ишларини олиб борадиган муассасаларни қамраб олади. Бунда коррупцияни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг пайдо бўлишига ёрдам берадиган омилларни аниқлаш, коррупцияга қарши курашиш, коррупцияга қарши курашиш дастурларини амалга ошириш бўйича фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш ва чора-тадбирлар режалари, ушбу соҳадаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва тайёрлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ахлоқ кодексини амалга ошириш каби профилактик чора-тадбирларни ўзида қамраб олади. Мазкур модель Франция (Марказий профилактика



**Хиндистонда
Марказий огоҳлик
қўмитаси
(Central Vigilance
Commission, CVC)
фаолият юритади.
Мазкур орган
коррупциявий
ҳолатлар бўйича
кузатув олиб
боради ҳамда
ҳукуматга
тегишли маслаҳат
ва тавсиялар берид
боради.**



Коррупцияга қарши курашишда марказий үринде турувчи орган
- Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириши ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли орган ҳисобланади.

хизмати СТСПК), Албания (Коррупцияга қарши мониторинг гурӯҳи), Малта (Коррупцияга қарши доимий комиссия), АҚШ (Хукумат этикаси бўйича Бошқарма), Ҳиндистон (Марказий огоҳлик хизмати), Филиппин (Омбудсман идораси) ва Болгария (Комиссия)да жорий этилган[4].

Коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли миллӣ органларни бу борадаги ваколатларидан келиб чиқиб қуийдагича таснифлаш мумкин:

Коррупцияга қарши курашиш борасида тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар (Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти). Мазкур органлар асосан таъқиб қилиш, тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш функциясини бажаради;

Коррупциянинг олдини олиш бўйича маҳсус ваколатли орган сифатида Адлия вазирлиги фаолият юритади. Вазирликнинг бу борадаги ваколатлари асосан қуийдаги икки йўналишда амалга оширилади:

бириңчидан, аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданийни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидағи коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашишда марказий үринде турувчи орган - Коррупцияга қарши курашиш агентлиги коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириши ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган маҳсус ваколатли орган ҳисобланади. Мазкур агентлик тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини амалга оширмайди.

Юқоридагилардан кўриш мумкинки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус ваколатли органлар фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ташкил топган. Бироқ, хорижий тажрибага назар ташлайдиган бўлсақ кўпгина давлатларда коррупцияга қарши курашишда молиявий назоратни амалга оширувчи органлар ҳам коррупцияга қарши курашишда маҳсус ваколатларга эга ҳисобланади. Бинобарин, коррупция ҳолатларига алоқадор шахсларнинг пул маблағларини

ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларини тұхтатиб туриш ва (ёки) ишга солмай тұхтатиб қўйиш, тиклаш ҳамда улардан фойдаланишга рухсат бериш коррупцияга қарши курашишнинг энг муҳим чораларидан бири ҳисобланади.

Жамоатчиликнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Таъқидлаш лозимки, көнт жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз коррупцияга қарши курашиш деярли имконсиз ҳисобланади. Умуман олганда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат ҳам биринчи галда айнан жамоатчиликда шаклланиши керак. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 13-моддасида коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликнинг иштирокига оид қоидалар белгиланган бўлиб, ҳар бир иштирокчи давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жамиятда коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, ҳавфли ҳусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларини янада чуқурроқ англаши учун фуқаролик жамияти институтлари, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоатлар негизида фаолият юритувчи ташкилотлар каби оммавий секторнинг ташқарисида алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўриши лозимлиги белгиланган[1].

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 829-сон қарори билан Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низом асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби белгиланган[6].

Хорижий мамлакатлар тажрибасида давлат бошқаруvida коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-институционал асосларига нисбатан ёндашувлар асосан қуийдаги икки йўналишда намоён бўлган:

Биринчи ёндашувга кўра, коррупцияга қарши курашувчи органлар ваколатлари нуқтаи назаридан турли гуруҳга бўлинади. Бунда ҳар бир давлат органининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўзига хос ваколатларига эътибор берилади. Узбекистонда ҳам давлатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатлари ана шу принцип бўйича турли органларга тақсимланган;



иккинчи ёндашувга кўра, коррупцияга қарши курашувчи органлар махсус ваколатли орган ва бошқа органларга булинади. Хусусан, Молдова Республикасида Махсус ваколатли орган – Коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус ваколатли орган ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатга эга бўлган бошқа органлар (парламент, президент, ҳукумат, прокуратура, аҳборот ва хавфсизлик хизмати, ҳисоб палатаси ҳамда бошқа органлари ва фуқаролар

жамияти) назарда тутилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб давлат бошқарувидаги коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-институционал асослари ҳақида қуйидаги хulosаларга келинди: биринчидан, коррупцияга қарши курашиш ваколатларга эга бўлган органлар ягона ва яхлит тизим сифатида жуда заиф ва аморф муносабатда; иккинчидан, давлатнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатлари ноаниқ ва нотўғри тақсимланган. Бунда функционал

ёндашув, мувофиқлаштириш механизмлари етишмайди. Горизонтал ва вертикал муносабатлар принципи ўзининг тулиқ ифодасини топмаган; учинчидан, коррупцияга қарши курашувчи махсус органлар сифатида фақат айрим ҳуқуқни муҳофаза қиливчи органлар белгиланган. Ваҳоланки, хорижий мамлакатларда Молия вазирлиги, Марказий банк, Ҳисоб палатаси сингари молиявий назорат органлари коррупцияга қарши курашишда муҳим функцияларни бажаради.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси // <https://lex.uz/docs/1369505>.
2. И smoилов Б.М. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таомиллаштириш: автореф. дис. автореф ... ю.ф.б.ф.д – Тошкент, 2021. – 6. 13.
3. Миракулов М.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми (қиёсий-ҳуқуқий таҳлил) Автореф. юрид. фан. док. ... дис. – Т., 2016. – Б. 20.
4. Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей // <https://www.oecd.org/corruption/acn/39972100.pdf>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни // <https://lex.uz/docs/3088008>.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги "Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 829-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5193571>.
7. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 1997 йил 25 февралдаги "Хоразм вилояти ҳоқимлигининг 1996 йил 11 ноябрдаги 275-рақамли қарори билан қабул қилинган "Вилоят ҳудудида бадиий жамоалар концепт гастрол фаолиятини ҳамда якка ижрочиларнинг тўй ва маросимларда бадиий хизмат қўрсатишларини тартибга солиш мақсадида давлат руҳсатномаси (лицензия) бериш ҳамда маданий хизмат бюроси фаолияти тўғрисида" низомнинг 2.7-банди конституцияга мослигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 26 февраль 1997 й., 43 (1560)-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2009 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 54-мода.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Сурхондарё вилояти ҳоқимининг 1996 йил 15 августдаги 164-рақамли фармойишининг конституцияга мослигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича 1997 йил 25 февралдаги қарори // <https://lex.uz/docs/5578238>.

uz/docs/1251280.

10. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 118-моддасини қўлланишнинг конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги иш бўйича 1998 йил 16 январдаги қарори // <https://lex.uz/docs/1251816>.

11. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 53, 54-моддалари билан 257-моддаси ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш тўғрисида таклиф киритиш ҳақида 2001 йил 12 июндаги қарори // <https://lex.uz/docs/1253025>.

12. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 59-моддасини шарҳлаш тўғрисидаги 2001 йил 10 октябрдаги ажрими // "Халқ сўзи" газетаси, 2001 йил 17 октябрь, 212 (2774)-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 128-моддаси тўртинчи қисмининг ўзбек ва рус тили матнларидаги номувофиқликни бартараф этиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлисга тақдим этиш ҳақида 2002 йил 14 ноябрдаги қарори // <https://lex.uz/docs/4623872>.

14. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварагидан пул маблағларини ўчириш навбатини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини таомиллаштириш тўғрисидаги 1998 йил 16 январдаги қарори // <https://lex.uz/docs/1251647>.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 14 мартағи "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги 2412-III-сон қарори // <https://lex.uz/docs/5162110>.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг намунавий регламенти ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги СҚ-360-IV-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/5578238>.



ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ТЕРГОВ БЎЛИНМАЛАРИ ҲОДИМЛАРИ



**ПОЛКОВНИК
Абдулхаков
Яхёжон Артиқбоевич**

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар Вазирининг
ўринбосари – Тергов
департаменти бошлиғи

«Содик хизматлари учун»
медиали
26.08.2021 йилдаги Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
ПФ-6888-сонли Фармони



**ПОЛКОВНИК
Жалолов Баҳтиёр
Одилович**

ИИВ ҳузуридаги Тергов
департаменти бошлигининг
биринчи ўринбосари-Тергов
ва суриштирув фаолиятини
мувофиқлаштириш бошқармаси
бошлиғи

«Ўзбекистонда хизмат қўрсатган
юрист» фахрий унвони
25.08.2016 йилдаги
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ПФ-4827-сонли Фармони



**ПОЛКОВНИК
Гаффаров
Комилжон Исраилович**

ИИВ ҳузуридаги Тергов
департаменти таҳлилий
бошқарма бошлиғи

«Содик хизматлари учун»
медиали
23.10.2014 йилдаги
ЎзР Президентининг
ПФ-4662-сонли Фармони



**ПОДПОЛКОВНИК
Ходжабаева
Наргиза Исаковна**

ИИВ ҳузуридаги Тергов
департаменти Жиноятларни
тергов килиш бошқармаси
бошлиғи ўринбосари-Терроризм
ва экстремизм билан боғлиқ
жиноятларни тергов килиш
бўлими бошлиғи

“ШУХРАТ”
медиали билан 24.10.2019 йилдаги
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ПФ-5857-сонли Фармони



**майор
Хасанов
Алишер Акбарович**

ИИВ ҳузуридаги Тергов
департаменти, Жиноятларни
тергов килиш бошқармаси,
Коррупция, фирибагарлик
ва иқтисодиёт соҳасидаги
жиноятларни тергов килиш
бўлими бошлиғи

“ШУХРАТ”
медиали 22.10.2021 йилдаги
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ПФ-6326-сонли Фармони



**ПОДПОЛКОВНИК
Нажимов Боқибилло
Холматжонович**

Андижон вилояти ИИБ
ҳузуридаги Тергов бошқармаси
бошлиғи ўринбосари – Тергов
ва суриштирув фаолиятини
ташкил этиш бўлими бошлиғи

“Содик хизматлари
учун” медиали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
24.10.2019 йилдаги
5857-сонли Фармони



Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи

“Содик хизматлари учун” медали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.07.2010 йилдаги 4223-сонли Фармони

ПОДПОЛКОВНИК

Кетмонов Иқболиддин Хомиджонович



ИИВ Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти хузуридаги Тергов бошқармаси бошлиғи

“ШУХРАТ” медали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.08.2020 йилдаги 6056-сонли Фармони



ПОЛКОВНИК
Ходжиматов

Ойбек Гуламидинович

Сирдарё вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Тергов қисми бошлиғи

“Жасорат” медали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.01.2000 йилдаги 2508-сонли Фармони

ПОДПОЛКОВНИК

Расулов

Музаффар Расулович



Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов қисми гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни тергов килиш гурухи ўта мухим ишлар бўйича терговчиси

“ДЎСТЛИК” ордени Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.10.2021 йилдаги 6326-сонли Фармони

ПОДПОЛКОВНИК
Узакбаев Бахадыр Жоллыбаевич



ПОДПОЛКОВНИК
Кодиров Зокир Қўзиевич

Бухоро вилоят ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси тергов қисми ЎМИБ терговчиси

“СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН” медали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.08.2022 йилдаги 208-сонли Фармони



ПОДПОЛКОВНИК
Норқобилов
Мухиддин Турсунович

Қашқадарё вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси Тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими катта терговчиси

“Содик хизматлари учун” медали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2020 йилдаги 6092-сонли Фармони



ПОЛКОВНИК
Арипов
Хурсан Хайруллаевич

Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари – Тергов бошқармаси бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган юрист» фаҳрий унвони 10.01.2003 йилдаги 3189-сонли Фармони Президентининг



ПОЛКОВНИК

Хасанов

Оқил Ахатович

Сурхондарё вилояти ИИБ хузуридаги Тергов бошқармаси Тергов ва суриштирув фаолиятини ташкил этиш бўлими катта терговчиси

“2-даражали шон-шараф ордени” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 августдаги 4025-сонли Фармони

